ISSN 2181-8738

# ВОДИЙНОМА

ОКТЯБРЬ-ДЕКАБРЬ
2021 ЙИЛ
№4 (23)






**«ВОДИЙНОМА»**
(Тарихий мерос)

Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал
**2021 ЙИЛ №4 (22)**

**Муассис:** «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фонди

**Ҳамкоримиз:** Андижон давлат университети

**Бош муҳаррир:**
Рустамбек Шамсутдинов

**Бош муҳаррир ўринбосари:**
Абдулла Шаропов

**Таҳрир ҳайъати:**
Акромжон Юлдашев – *б.ф.д., профессор*
Абдулла Расулов – *т.ф.д., профессор*
Жамшид Жўразода – *т.ф.д., профессор*
Мамбет Қойгелдиев – *т.ф.д., академик*
Муҳаммаджон Алихожиев – *т.ф.н., доцент*
Минҳожиддин Ҳожиматов – *Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари*
Мирсодиқ Исҳоқов – *т.ф.д., профессор*
Наим Каримов – *ф.ф.д., академик*
Нурмонжон Фафуров – *т.ф.д., профессор*
Ташманбет Кененсариев – *т.ф.д., профессор*
Улуғбек Абдуллаев – *т.ф.д., профессор*
Шуҳрат Ризаев – *ф.ф.н., доцент*

**Масъул котиб:**
Шуҳрат Қаҳҳоров

**Техник муҳаррир:**
Дилшодбек Хомидов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2018 йил 5 июнда № 0975 рақам билан рўйхатга олинган.

**Нашр индекси:** 170112

**Нашр учун масъул:** Р.Т.Шамсутдинов

**Таҳририят манзили:** 170100, Андижон шаҳри Университет кўчаси 129-уй.

**Телефон:** (99890) 253-26-32
**Факс:** (99874) 223-83-52.
**Почта:** vodiynoma@mail.ru

Босишга рухсат этилди: 29.11.2021 й
Қоғоз бичими 60x84 1/8 Босма табоғи: 13,5
Офсет босма. Офсет қоғози. Адади: 400 дона.

Баҳоси келишилган нархда. Буюртма № 75

Чоп этилган мақолаларда билдирилган фикр-мулоҳазалар таҳририят нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин. Келтирилган факт ва рақамларнинг аниқ ва холислиги учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муқова дизайни ва оригинал макет «Akademnashr NMM» МЧЖ томонидан тайёрланган.

«Akademnashr» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Сўгалли ота кўчаси 5-уй.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси раёсатининг 2017 йил 29 мартдаги 239/5-сонли қарори билан Тарих фанлари бўйича илмий журналлар рўйхатига киритилган.

# МУНДАРИЖА

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИ**

Андижон давлат университетининг шонли тарихи ...3
**А.С.Юлдашев**

Кўҳна ва навқирон даргоҳ, тўйинг муборак ...9
**Р.Шамситдинов**

**ТУРКИСТОН РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИДА**

Туркистон генерал-губернаторлигида жамиятнинг ижтимоий стратификацияси ...13
**Н.Р.Маҳкамова**

**ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИДА**

Қатағон қилинган Ўрта Осиёликлар Ухта-Печора лагерида ...17
**Р.Шамсутдинов, Ж.Ҳасанов, Д.Хомидов, А.Маҳкамов**

Андижонлик дипломат Абдураҳим Юсуфзода қатағон қурбони ...38
**Р.Т.Шамсутдинов, А.Маҳкамов**

Реабилитация қилиниши лозим бўлган юртдошлар ...65
**Д.Хомидов**

**ЧЎЛПОН ВА МАТБУОТЧИЛИК**

Чўлпоннинг газета-нашриётчилик меросидан ...71
**Р.Шамсутдинов, Ш.Қаҳҳоров**

**ТАЪЛИМ ВА ИЛМ ФИДОЙИЛАРИ ТАРИХИДАН**

Академик Ғани Абдураҳмоновнинг иккинчи жаҳон уруши йиллари ҳақидаги хотиралари ...93
**Раҳматжон Арслонзода**

Ўзбеклар этник тарихининг толмас ва етук тадқиқотчиси эди ...100
**Очил Бўриев, Фахриддин Раҳмонов**

**ИЛМИЙ ҲАЁТ**

Мустабид тузумнинг 1937 – 1938 йилларда Ўзбекистонда ўтказган қатағон сиёсати ва унинг мудҳиш оқибатлари...105
**М.И.Саломова**

**ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ**

«Ўзбекистон тарихининг хорижий манбалардаги теран тавсифи...110
**Очил Бўриев, Гулора Поёнова**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2021 йилнинг 16 июнида «Олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор» йиғилишида олий таълимдаги устувор йўналишларни бирма-бир кўрсатиб берди.**

• **Биринчидан**, олий ўқув юртларидаги бошқарув кенгашларининг роли янада ошириладиган ва кафедралар ваколатлари кенгайтириладиган бўлди.

• **Иккинчидан**, таълим жараёни бозор талабларига мослаштирилиб, ишлаб чиқариш билан узвийлигини таъминлаш, талабанинг ўз устида ишлаши учун меҳнат шароитини яратиш зарурлиги кўрсатилди.

• **Учинчидан**, олий ўқув юртлари илмий салоҳиятини ошириш, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш талаби илгари сурилди.

• **Тўртинчидан**, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун қоғозбозликни камайтириш, соҳани ривожлантириш орқали бюрократия ва коррупцияга барҳам беришдан иборат ниҳоятда долзарб вазифалар белгиланди.



# АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ШОНЛИ ТАРИХИ

**А.С.Юлдашев,**
**ректор, биология фанлари доктори, профессор**

Бугун университетимизда тарихий кун, таъбир жоиз бўлса, улуғ сана. Бундан роппа-роса 90 йил олдин Андижонда илк замонавий олийгоҳ – Андижон кечки педагогика институти ташкил этилди. Тарих учун 90 йил кичик муддатдек кўринса-да, бир таълим муассасасининг вужудга келиши ва шаклланиши учун салмоқли давр ҳисобланади.

Ушбу катта даврда университет ўқув, илмий соҳалар ҳамда жамиятимиз ривожида шонли йўлни босиб ўтди. Хусусан, 1931 йилда Фарғона давлат педагогика институти қошида ташкил этилган Андижон кечки педагогика институти 1939 йилда педагог кадрлар тайёрловчи мустақил институтга айланди.

Олийгоҳ дастлаб ўқитувчилар институти сифатида фаолият юритган бўлса, кейинроқ – 1952 йилда педагогика институтига айлантирилди. 1957 – 1976 йилларда Ғани Холматович Абдуллаев, 1976 – 1995 йилларда академик Акмал Қосимовлар институт ректори сифатида фаолият юритган даврда институт барча жабҳаларда ўсишга эришди. Институтнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, кафедра ва факультетлар кенгайди. Ушбу даврда институтда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришга катта эътибор берилди ҳамда унинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Бу даврда 70 дан ортиқ педагог ходимлар докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар, университетнинг илмий салоҳияти ўсди. 1981 йилда институтнинг ҳозирги Университет кўчасидаги биноси қуриб битказилди.

Шунингдек, талабаларни ҳам илмий ишларга жалб этиш даражаси ортиб борди. «АДПИ талабалар илмий жамияти» ташкил қилинди.



1970 йилда 1007 нафар талаба илмий ишларда иштирок этган бўлса, 1989 йилда бу кўрсаткич 1853 нафарга етди. Бу йилларда спорт соҳасида ҳам ютуқлар катта бўлди. Институтда таҳсил олган Светлана Ўлмасова – Иттифоқда хизмат кўрсатган спорт устаси, енгил атлетика бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, икки карра Европа, 10 карра Иттифоқ чемпиони, жаҳон кубоги совриндори, Замира Зайцева – 3000 метрга югуришда жаҳон рекорди соҳибаси, Европа ва жаҳон чемпионати кумуш медали, СССР-АҚШ халқаро турнири уч карра ғолиби, Феликс Пак – бокс бўйича Европа чемпиони, Иттифоқнинг беш карра ғолиби, Наил Муҳаммедиёров – оғир атлетика бўйича Сеул олимпиадаси рекордчиси ва бошқа номдор спортчилар институт фахрига айландилар.




**Андижон давлат университети ректори А.С.Юлдашев**

1991 йилда мустақилликка эришган мамлакатимиз тараққиётнинг янги йўлига ўтди. Таълим тизимида ҳам қатор ўзгаришлар, янгиланишлар амалга оширилди. 1992 йил 28 февралдаги Президент фармонига асосан Андижон давлат педагогика институти негизида Андижон давлат университети ташкил этилди. Бу олийгоҳимиз тарихида янги даврни бошлаб берди. 10 га яқин янги йўналишлар ва мутахассисликлар очилди.

Университетнинг биринчи ректори сифатида академик Акмал Қосимов иш бошлаган бўлса, кейинроқ доцент Баҳром Жалилов, 1996 – 2006 йилларда Сирожиддин Зайнобиддинов, 2006 – 2015 йилларда профессор Толибжон Мадумаров ректорлик қилдилар.

Бу даврда кадрлар тайёрлаш салмоғи ва сифати ошди, таълим йўналишлари 15 тадан 26 тага етказилди. Ўқув режалари, дарслик ва ўқув қўлланмалар билан таъминлаш, мавжуд бўлмаган дарсликларни марказий олий ўқув юртларидан келтириш, университетга етакчи олий таълим муассасаларидан таниқли олим ва профессорларни жалб қилиш, кутубхона фаолиятини тубдан яхшилаш бўйича қатор амалий ишлар бажарилди. 1996 йилдан бошлаб университет қошида лицей-интернат фаолияти йўлга қўйилди. 2010 йили Вазирлар Маҳкамаси қарори билан университет таркибига Андижон хорижий тиллар институти қўшилди. Ўзбекистон Республикасининг Бирин-

чи Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил 20 майдаги қарори асосида университетга 60 млрд сўм маблағ ажратилди. Ушбу маблағлар ўзлаштирилиб, АДУ 1000 ўринли биноси, Физика-математика факультети учун 500 ўринли ўқув биноси, Ахборот-ресурс маркази биноси ҳамда 18х36 ўлчамдаги Баркамол авлод спорт зали қуриб фойдаланишга топширилди. Ўқув жараёнини бошқаришни ахборотлаштириш, дарс жараёнларини ахборот коммуникацион технолигияларидан фойдаланган ҳолда янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш мақсадида 500 дан ортиқ компьютер, 200 дан ортиқ электрон қурилмалар: лингофон, проектор, электрон доска ва экранлар келтирилди.

Университет мақомини олган олийгоҳимизда илмий ишлар ҳам янги босқичга кўтарилди. Кўплаб олимлар илмий мактаблар яратиб, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ишида юксак муваффақиятларга эришдилар. Улардан академик Акмал Қосимов биофизика ва биокимё, профессор Абдулҳамид Нурмонов филология, профессор Абдурашид Дариев биология соҳасида, академик Сирожиддин Зайнобиддинов яримўтказгичлар физикаси, профессорлар Иброҳимжон Алимов ҳамда Рустамбек Шамсутдиновлар Ўзбекистон тарихи, профессор Иброҳимжон Асқаров кимё соҳасида ўз илмий мактабларини яратдилар, уларнинг раҳбарлигида 100 дан ортиқ фан доктори ва фан номзодлари тайёрланди. Олимларимизнинг 30 га яқин дарслик ва 100 дан ортиқ ўқув қўлланмалари ҳозирда мактаб ва олий таълим муассасаларида қўлланилмоқда.




Барчамизга маълум, 2016 йилдан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан таълим тизимида, хусусан, олий таълим соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда ва бу бевосита университетимизнинг кейинги 5 йилда жадал тараққий этишининг асосий сабаби десам, янглишмаган бўламан.

Сўнгги 5 йилда университетимиз ҳар жиҳатдан кенгайди. Бугун таркибимизда 1 та институт, 11 та факультет, 37 та кафедра, 1 та академик лицей, 3 та техникум мавжуд. Талабаларимиз сони 22 мингдан ортиқ бўлиб, юртимиздаги 10 та энг кўп талабага эга ОТМлар қаторида. Абитуриентлар танлови бўйича ҳам университетимиз сўнгги беш йилда кучли бешликда бўлиб келмоқда.

Сўнгги йилларда иқтисодиёт тармоқларининг кадрларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда қатор замонавий таълим йўналишлари очилди. Хусусан, бакалавриатурада санъ-

атшунослик, иқтисодиёт, гуманитар, педагогика, техника, ахборот технологиялари, ишлаб чиқариш, аниқ фанлар соҳаларига кирувчи 20 га яқин янги таълим йўналишлари очилиб, ҳозирда 43 та таълим йўналиши бўйича кундузги ва сиртқи таълим шаклида кадрлар тайёрланмоқда. Магистратурада эса Экология, Таълим ва тарбия назарияси (мактабгача таълим), Таълим ва тарбия назарияси (бошланғич таълим), Таълимда ахборот технологиялари, Ижтимоий фанларни ўқитиш методикаси (ҳуқуқ таълими) мутахассисликлари, айниқса, бугунги кунда муҳим соҳа ҳисобланган қайта тикланувчи энергия олиш соҳаси бўйича кадрлар тайёрлайдиган «Қайта тикланувчи энергия манбалари ва барқарор атроф-муҳит физикаси» мутахассислиги очилиб, ушбу мутахассислик бўйича университет таянч сифатида белгиланди. Бу эса университетимизнинг мамлакатимизда келажак энергоресурслари – қуёш ва шамол энергиясини олишни ривожлантириш соҳасида марказга айланишига катта ҳисса қўшиб, олийгоҳимизда «Университет – 3.0» моделини амалга оширишда етакчи йўналишга айланмоқда.

Шунингдек, университетда 2019 йилдан бошлаб нуфузли хорижий олийгоҳлар билан ҳамкорликда 7 та йўналишда «doubledegree» тизими асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди, ҳозирда ушбу йўналишларда 300 га яқин талаба таҳсил олмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги «Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4623-сонли қарорига асосан Андижон давлат университети Педагогика институти ташкил этилди. Бу эса педогогик таълим соҳасида катта бурилиш бўлди.

Илмий ва инновацион фаолият соҳасида сўнгги йиллардаги ютуқлар ҳам жуда салмоқли бўлди. 2015 – 2021 йиллар давомида университет профессор-ўқитувчилари томонидан 18 та докторлик ва 77 та фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертациялар муваффақиятли ҳимоя қилинди. Аҳамиятлиси, ёш тадқиқотчилардан Каримов Иқболжон Испанияда математика бўйича докторлик диссертациясини, ёш олим Дониёрбек Аҳмадалиев Хитойнинг Нортҳеаст Нормал университетида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Университетнинг умумий илмий салоҳияти мазкур йиллар давомида 7% га ўсиб, ҳозирда 32% ни ташкил этмоқда.

Олий таълимдан кейинги таълим институти ҳам жадал ўсиш босқичига кирди, жумладан, унга ажратилган квоталар сони сўнгги беш йилда 5 баробарга оширилиб, 2021 йилда ажратилган квоталар сони 51 нафарни (47 нафар таянч докторантура, 4 нафар докторантура) ташкил қилди.

Илмий даражага эга кадрлар сонини оширишда илмий даража берувчи илмий кенгашларнинг аҳамияти юқори бўлиб, 2016 йилда университетда фақатгина 1 та ана шундай илмий кенгаш мавжуд эди. Ҳозирда 10 та ихтисослик бўйича 5 та илмий даража берувчи илмий кенгашлар фаолияти йўлга қўйилди ва диссертациялар ҳимояси амалга оширилмоқда.

Талабаларимизнинг илмий соҳадаги ютуқлари ҳам йилдан-йилга кўпайиб, бу борадаги ишлар тўғри йўналишда эканини исботламоқда. 2016 – 2020 йилларда университетимиз талабаларидан 20 нафари нуфузли давлат стипендияси, 18 нафар талаба фан олимпиадаларининг ғолиб ва совриндорига айланди.

Ёш олимларнинг қисқа муддатли илмий стажировкаси АҚШ, Италия, Англия, Туркия, Россия Федерациясининг 10 га яқин университетлари билан яхши йўлга қўйилган бўлиб, ҳозирда университетнинг 10 га яқин таянч докторантлари илмий тадқиқот мавзулари бўйича стажировка ўтамоқдалар. Эрасмус+ дастури доирасида жами 13 нафар ёш мутахассислар хорижий илмий стажировкаларда бўлиб қайтдилар.

«Университет – 3.0»нинг асосий шартларидан бўлган тадбиркорлик ва илмий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам университетимиз олимлари катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Улар томонидан иқтисодиёт тармоқларида мавжуд муаммоларни ечиш бўйича кўплаб илмий-техник ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, 2017 – 2020 йиллар давомида 32 та республика миқёсидаги

лойиҳалар доирасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Мазкур йилларда 15 та халқаро грантлар ютиб олинди ва бу грантлар доирасида 285 365 АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар жалб этилди.

Ҳозирда олий таълим тизимидаги ислоҳотларнинг энг муҳим жиҳати, албатта, халқаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариш десам, янглишмаган бўламан. Ислоҳотларга ҳамоҳанг тарзда олийгоҳимиз халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ўзининг энг устувор вазифаларидан бири сифатида қараб келмоқда, бунинг натижасида қатор ижобий натижаларга эришмоқда. Ҳозирда университетимиз АҚШ, Италия, Германия, Буюк Британия, Испания, Жанубий Корея, Хитой, Латвия, Польша, Туркия, Россия, Беларус Республикаси каби ривожланган олий таълим тизимига эга давлатларнинг 42 та етакчи олий таълим муассасалари билан икки томонлама манфаатли алоқаларни йўлга қўйган. Бундан ташқари, қўшни Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон давлатлари олийгоҳлари билан ҳамкорлик алоқалари қизғин давом эттирилмоқда. Ушбу йўналишда сўнгги йилларда эришилган энг катта ютуқлардан бири Россиянинг рейтинги юқори Томск (ҚС халқаро рейтингида 250-ўринда) ҳамда Мордовия (Россиянинг 1100 та ОТМлари ичида 16-ўринда) давлат миллий тадқиқот университетлари ҳамда Беларуснинг Полоцк давлат университети билан биргаликда қўшма таълим дастурлари ташкил этилиши бўлди. 7 та йўналиш бўйича қабул қилинган талабалар 2+2 дастури асосида мамлакатимизда ва ҳамкор университетда 2 йилдан таҳсил олади ҳамда иккита дипломни қўлга киритади. Халқаро ҳамкорлик алоқалари нафақат академик, балки илмий соҳада ҳам жадал ривожланмоқда. Университет олимларидан профессор Раимжон Алиев ўз илмий йўналиши доирасида Германия, Италия, Латвия ва бошқа кўплаб давлатларнинг етакчи олимлари билан илмий ҳамкорлик натижасида қайта тикланувчи энергия манбалари технологияларини ривожлантиришда катта ютуқларга эришмоқда. Ўнлаб ёш олимларимиз Буюк Британия, Россия, Туркия, Хитойнинг машҳур университетларида докторантура, стажёрлик ва малака ошириш курсларида таҳсил олиб қайтдилар.

Сўнгги йилларда университетда ёшларни қўллаб-қувватлаш соҳасида амалга оширилаётган ишлар уларнинг иқтидорини намоён этиши, келажакда ўз ўрнини топишида катта ёрдам бермоқда. Яқин йилларда ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида 20 дан ортиқ ижтимоий акциялар, 100 дан ортиқ кўрик-танлов ҳамда мусобақалар ўтказилди. Узоққа бормайлик, жорий йилнинг ўзида 4 нафар битирувчимиз 24 млн дан, 38 нафар «темир дафтар»да турувчи оила фарзандлари 3,7 млн дан, 8 нафар «аёллар дафтари»га киритилган 2,9 млн дан ҳамда 10 нафар «ёшлар дафтари»га киритилган талабаларимиз 2,2 млн сўмдан рағбатлантирилди. Бундан ташқари, 17 ноябрь – Халқаро талабалар куни муносабати билан университетимизда грантда таҳсил олувчи барча талабаларга 400 минг сўмдан берилган бўлса, барча кундузги таълим шаклида шартнома асосида таҳсил олувчи талабалар контрактига 200 минг сўмдан ўтказиб берилди. Бундай эътибор ва рағбатлантиришлар ўз мевасини бермоқда, албатта. Жумладан, сўнгги беш йилда турли спорт турлари бўйича мусобақаларда талабаларимиздан 30 нафари жаҳон, 60 нафари Осиё, 120 нафари Ўзбекистон чемпионатларида ғолиб ва совриндор бўлдилар. Айниқса, тўрт йилликнинг энг йирик мусобақаси бўлмиш Олимпия ўйинларидаги талабаларимиз иштироки бутун Ўзбекистонни ҳайратга солди десак, асло муболаға бўлмайди. 2016 йилда Риода ўтган ёзги Олимпия ўйинларида бир йўла икки талабамиз олтин медални қўлга киритиши инсонга беихтиёр фахр бағишлайди. Оғир атлетикачи талабамиз Руслан Нуриддинов Рио-2016 да олтин медални қўлга киритиш билан бирга Олимпия рекордини ўрнатган бўлса, бокс бўйича вакилимиз Ҳасанбой Дўстматов олтин медаль билан бирга мусобақанинг энг яхши боксчисига бериладиган «Вел Баркер» совринини ҳам ўзиники қилиб олди.

Шунингдек, университетимизнинг 60 га яқин талабалари турли жамоавий ва яккаликда ўтка-

зилган республика миқёсидаги кўрик-танловларда ғолиб бўлдилар. Талабаларимиздан иборат «Андижон ёшлари» жамоаси «Тафаккур синовлари» республика кўрик-танловларида бир марта биринчи, уч марта учинчи ўринни эгаллаб, танлов тарихидаги энг совриндор жамоага айланди. «Универсал» интеллектуал жамоаси 2021 йилда ОТМлар талабалари ўртасидаги «Заковат» турнирида ғолибликни қўлга киритди.




2018 йилда университет тузилмасида шу турдаги бошқа музейлар учун намуна бўла оладиган Қатағон қурбонлари хотираси музейи ташкил этилди.

Охирги беш йилликда университет моддий-техник базаси уч-тўрт баробарга яхшиланди десак, тўғри бўлади. Талабалар сони ошишига ҳамоҳанг тарзда учта қўшимча бинолар университет балансига олинди ва қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бу учун 2019 – 2020 йилларда 13 млрд сўмга яқин маблағ йўналтирилди. Жами 1000 ўринли иккита ётоқхона қурилиши бошланди. Ўқув жараёнида фойдаланиш учун 1000 га яқин компьютер ва электрон қурилмалар харид қилинди, бу учун 2 млрд 300 млн дан ортиқ маблағ йўналтирилди. Шунингдек, 1 млрд 900 млн сўмдан ортиқ маблағга ўқув-лаборатория жиҳозлари сотиб олинди. Буларнинг барчаси университет талабаларининг сифатли таълим олишига хизмат қилмоқда.

Ташкил этилганидан то ҳозирга қадар олийгоҳимиз халқ хўжалигининг турли тармоқларига 100 мингга яқин кадрларни етказиб берди. Улар орасида таниқли олимлар ва ёзувчилар, давлат ва жамият бошқаруви органлари раҳбарлари, етук педагоглар борки, юртимиз тараққиётида уларнинг ўзига хос ўрни бор. Таниқли ёзувчи ва шоира Саида Зуннунова, шоир ва драматург Фарид Усмон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган рационализатор олим, товарлар кимёси фани асосчиси Иброҳимжон Асқаров, Бутунжаҳон Бокс Ассоциацияси (WБA) версияси бўйича супероғир вазнда жаҳон чемпиони Руслан Чагаев, 27-ёзги Олимпия ўйинлари ғолиби Муҳаммадқодир Абдуллаев, 31-Олимпия ўйинлари ғолиби, Олимпия ўйинлари ва жаҳон рекордчиси Руслан Нуриддинов, 31-Олимпия ўйинлари ғолиби, Халқаро «Вел Баркер» кубоги соҳиби Ҳасанбой Дўстматов, 15-ёзги Параолимпия ўйинлари ғолиби, Параолимпия ўйинлари рекордчиси Фирдавс Мусабеков, 15-ёзги Параолимпия ўйинлари иккита кумуш медали совриндори Муслима Одиловалар ҳам айнан университетимиз битирувчиларидир.

Бугун 90 ёшни қарши олган университетимиз ўзининг мақсадини аниқ белгилаб олган, бу сифатли ва креатив таълим, юқори технологияларга асосланган илмий муҳит ҳамда замонавий инновацион ёндашувлар таклиф этадиган университетга айланишдир.

# КЎҲНА ВА НАВҚИРОН ДАРГОҲ, ТЎЙИНГ МУБОРАК

**Равшанбек Шамситдинов, АДУ тарих факультети декани**
**Шимолий Жоржия Университети (UNG), Дахлонега шахри,**
**Жоржия, АҚШ. 2021 йил 7 декабрь**

Ҳозирги кунда принципиал аҳамиятга эга ҳодиса олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг янада чуқурлашаётгани, ривожланаётгани, энг асосийси, орқага йўл йўқлигини халқимиз тушуниб етаётганида. Фаровон ҳаёт, ижтимоий адолат қарор топган барқарор жамият қуриш учун жамиятимизнинг барча қатламлари бир бўлиб ҳаракат қилиши лозимлиги аён бўлиб турибди.

Шубҳасиз, жаҳонда шиддат билан ривожланаётган глобаллашув жараёнида рақобатбардошликни таъминлашнинг инсон омилига, капиталига боғлиқлиги янада ортиб бориши кузатилмоқда. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ш.Мирзиёев мамлакат келажагини таъминловчи энг асосий омилларидан бири таълим эканлигини таъкидлаши бежиз эмас. Мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш, жамиятимиз аъзоларининг, айниқса, ёшларнинг онгини, билим ва малакаларини ошириш, маънавий-марифий савиясини кўтариш сингари вазифалар устувор даражага кўтарилди.

Ана шундай ўта масъулиятли вазифани 90 йил давомида Андижон давлат университети ҳам шараф билан бажариб келмоқда. Таваллудинг, тўқсон ёшинг муборак, маънавият бешиги, илм ўчоғи бўлган жонажон университетим!

Мен ҳам юртимизнинг юз минглаб ёшларидек шу даргоҳда таълим-тарбия олганимдан, касблар ичида энг улуғи бўлган ўқитувчиликни танлаганимдан фахрланаман. Ўтган асрнинг 80-йилларида университет раҳбариятида ишлаган А.Қосимов, Қ.Парпиев, Б.Жалилов; профессор-ўқитувчилар Ғ.Абдуллаев, С.Жалилов, К.Қосимбеков, О.Ниёзов, З.Қутибоев, П.Исроилов, С.Исаев, М.Султонов каби инсонлардан таълим-тарбия олганимдан миннатдорман. 1989 йили университетни тамомладим, 1993 йили Москвада Ўзбекистон тарихи бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилдим. Аммо тақдир тақозоси билан педогогик фаолият ўрнига Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимида ва бошқа соҳаларда ишлашимга тўғри келди.

2017 йили ҳаётимда туб бурилиш йили бўлди, чунки яна олий таълим тизимига, қадрдон университетимга қайтдим. Бунга Президентимиз Ш.М.Мирзиёев бошлаган сиёсат натижасида Ўзбекистон тарихида янги давр – миллатимиз равнақи, давлатимиз барқарорлиги, халқимиз фаровонлигини таъминлашдек буюк ишларга кенг имкониятлар очилганлиги сабаб бўлди. Янги Ўзбекистонни барпо этишда кузатувчи бўлиб қолишни эмас, унинг кўп миллионлик иштирокчилари қаторида бўлишни маъқул топдим.

Жамиятимизнинг барча жабҳаларини қамраб олган кенг кўламли ислоҳотларни, айниқса, олий таълим тизимидаги мисли кўрилмаган ўзгаришларни алоҳида қайд этиш лозим. Бу жараённинг меваларини Андижон давлат университетининг биргина тарих факультети бўйича қуйидаги қисқа маълумотлардан ҳам англаса бўлади.

Факультетда 2017 йилда талабалар сони 320 нафар бўлган бўлса, ҳозирда 901 нафарга етди, фақат тарих йўналишига қўшимча 4 та: «Архившунослик», «Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш», «Ижтимоий маданият» ҳамда «Архившунослик ва ҳужжатшунослик» (Қўшма дастур) йўналишлари ташкил этилиб, фаолият юрита бошлади.



**Томск давлат университети халқаро алоқалар бўйича проректори А.Рикун, бўлим бошлиғи С.Юннинг факультетимизга ташрифи**

Шу ўқув йилида Архившунослик мутахассислиги бўйича биринчи битирувчиларимиз ўз дипломларини қўлга киритиши кутилмоқда.

Факультет Россия Федерациясининг кекса олий ўқув юртларидан, дунё университетлари рейтингини белгиловчи QS тизими бўйича жаҳонда 250-ўринни эгаллаб турган Томск давлат университети билан яқиндан алоқалар ўрнатди. Ҳамкорлик натижасида «Архившунослик ва ҳужжатшунослик» қўшма дастурини амалга оширишга эришилди. Университет ректори, профессор А.Юлдашевнинг топшириғига биноан менежмент ва биология йўналишлари бўйича ҳам ушбу университет билан қўшма дастурлар очилди.

Ўтган қисқа давр мобайнида 3 нафар педагогимиз докторлик (DSc), 8 нафари эса PhD диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилишиб, факультет, университет илмий салоҳиятини оширишга ўз ҳиссаларини қўшдилар. 20 дан ортиқ монография, 30 га яқин ўқув қўлланма, юқори рейтингга эга бўлган хорижий нашрларда 155 та, нуфузли маҳаллий журналларда эса 220 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этилди. Иккита халқаро илмий конференция ўтказилди, шу билан бирга, профессор-ўқитувчиларимиздан 40 нафари халқаро ва республика илмий конференцияларида иштирок этишди.

Профессор Р.Т.Шамсутдинов яратган илмий мактаб унинг раҳбарлигида «Ўрта Осиёда коллективлаштириш, қулоққа тортиш, сургун қилиш ва унинг фожиали оқибатлари», «Ўзбекистонда 1937 – 1938 йиллардаги «Катта террор» сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари», «Ўзбе-



кистон халқларининг Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси», «Кўҳна ва ҳамиша навқирон Андижон тарихи» сингари мавзуларга бағишланган монографиялар, ўқув қўлланмалари, кўплаб мақолалар, дарсликлар чоп этилди. Бу мавзуларни ўрганиш, янги маълумотларни илмий истеъмолга киритиш, халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига тарғиб этиш мақсадида конференциялар, семинарлар ўтказилди, телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинди.



Факультет талабалари Ислом Каримов стипендияси (Ш.Ходжиев), Навоий стипендияси (Д.Собиров) совриндорлари бўлишди. Шунингдек, 30 дан ортиқ талабаларимиз халқаро ва республика миқёсидаги конференцияларда иштирок этиб, мақола ва тезислар чоп қилдиришди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус бўйича 100 дан ортиқ турли тадбирлар, танловлар ташкил қилинди ва университетлар доирасида ўтказилган фестивалда биринчи ўринни эгаллади. Факультет талабаларидан ташкил топган университетнинг «Ҳумо» талабалар театр жамоаси танловларда вилоят ва минтақа босқичларида юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. «Заковат», «Энг фаол китобхон» танловлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Талабалар ўртасида спорт, мусиқа ва санъат таълимини ривожлантириш ва оммалаштириш мақсадида қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Талабаларда умуминсоний қадриятларни шакллантириш мақсадида факультет педагог-ходимлари ва талабалари иштирокида вилоятдаги «Қариялар уйи», «Меҳрибонлик уйлари»га моддий ва маънавий ёрдам бериш тизими йўлга қўйилган.

АҚШнинг Индиана университети профессори Назиф Шаҳрони факультет биринчи босқич талабаларига «Антропология» фанидан тўлиқ бир курс маъруза ўқиди.

Доцент М.Алиҳожиев «Этнография», доцент Т.Ҳамраева «Нумизматика» фанидан Томск давлат университети (Россия Федерацияси) талабаларига курс маърузаларини олиб бормоқда.

Факультет декани Р.Шамситдинов АҚШ Давлат Департаменти раҳнамолигидаги Америка Кенгашларининг Ўқитувчилар малакасини ошириш дастури (FEP) бўйича республикамиз миқёсида эълон қилинган конкурсда ғолиблар қаторидан жой олди. АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси молиялаштирган бу дастурнинг 26396 АҚШ долларига тенг грантига эришиб, Американинг Шимолий Жоржия университетида (University of North Georgia, GA, USA) малака оширмоқда. Ушбу университетнинг тарих факультети талабаларига ўқув дастурида мавжуд бўлган Марказий Осиё, Ўзбекистон тарихининг ўрта асрлар даврига, мустақиллик йилларида Ўзбекистон ташқи сиёсати, Америка Қўшма Штатлари билан алоқаларига доир қатор маърузалар қилди.



АҚШнинг Марказий Осиё тарихини ўрганиш бўйича етакчи ҳисобланган Индиана уни-

верситетида Р.Р.Шамситдинов «Ўзбекистон 30 ёшда: Келажакка назар» мавзусида маъруза қилди. Маъруза YouTube нинг «Марказий Осиё тарихи» каналига жойлаштирилди ва жаҳон жамоатчилиги эътиборига ҳавола этилди.




Факультетнинг халқаро миқёсда олиб бораётган ишлари унинг 90 йиллик тўйини нишонлашда намоён бўлди. Россиянинг Томск давлат университети халқаро алоқалар бўйича проректори А.Рикун, бўлим бошлиғи С.Юн; Америка Қўшма Штатлари Шимолий Жоржия университети тарих факультети декан ўринбосари, профессор Тимоти Мэй, Ҳартвик университети (Нью-Йорк штати) Халқаро алоқалар директори, фалсафа доктори П.С.Саппесларнинг университет раҳбарияти ва жамоасини қизғин табриклаши анжуманга ўзгача шукуҳ ва кўтаринки руҳ бағишлади.

Камолот ёшига етган университетимиз жамоаси кўҳна ва муқаддас тарихига содиқ, ватанпарвар, жаҳон цивилизациясига ўзининг бетакрор ҳиссасини қўшган буюк аждодларига муносиб авлодлар бўлишга ҳамиша тайёр, миллий қадриятлар билан умуминсоний қадриятларни уйғунлаштирган иймони бутун, матонатли, малакали мутахассислар (кадрлар) тайёрлашни Яратганнинг мадади ила оғишмай давом эттиришига ишончимиз комил.

Муҳтарам Президентимиз Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрами арафасида «Янги Ўзбекистон» газетасига берган интервьюсида айтган «Янги Ўзбекистон жаҳон майдонида кучли салоҳият, муносиб обрў-эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакатга айланади. Мен бунга нафақат ишонаман, балки шу йўлда бор билим ва тажрибамни, куч-ғайратимни сафарбар этишга ҳамиша тайёрман. Барча юртдошларимизни ана шундай улуғ сафда – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари қаторида бўлишга даъват этаман» деган сўзлари барчамизга, жумладан, университетимиз жамоасига ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилади.






Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университетининг кўп минг сонли педагог ходимлари, хизматчилари ва талабалари ҳам бундай ўта маъсулиятли, лекин жуда шарафли мақсад – Янги Ўзбекистонни барпо этишда олдинги сафларда бўлишини Аллоҳдан сўраб қоламиз.

Яна бир бор 90 ёшинг муборак, азиз ва қадрдон университетим!

# ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИДА ЖАМИЯТНИНГ ИЖТИМОИЙ СТРАТИФИКАЦИЯСИ

Н.Р.Маҳкамова

Туркистон ўлкаси Россия империяси томонидан босиб олиниши унинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида, маҳаллий аҳоли ижтимоий муносабатларида жиддий ўзгаришларга олиб келган. Бу жараёнлар ўлканинг ўша даврда юқорироқ тараққиёт босқичида бўлган Россия хўжалик ҳаёти фаолияти доирасига жалб этилишига олиб келган, товар-пул муносабатларини, саноатлаштириш ва темир йўллар қурилишини жадаллаштирган. Бу эса ўлка аҳолисининг бутунлай мустақилликни йўқотишига, ушбу бой минтақанинг метрополия учун хомашё етиштириб берувчи мустамлакага айланишига олиб келган. Истилочилар ўлкага келган пайтда мавжуд бўлган «сипо» (ҳарбий хизматчилар), «уламо» (диндорлар) каби олий табақа ва «фуқаро» (оддий халқ) каби қуйи қатламлардан ташкил топган маҳаллий ижтимоий тузилма тубдан ўзгартирилган. Подшо ҳукумати бу даврда табақавий давлат бўлишига қарамай, мавжуд табақавий тузилмани тан олишни ва уни сақлаб қолишни керакли деб ҳисобламаган.[1] Россия империясида 1897 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш материалларининг кўрсатишича, Туркистон генерал-губернаторлигида фақатгина европалик аҳоли табақаланишига кўра рўйхатга олинган, бошқа барча маҳаллий аҳоли бутунлай янги бўлган ва «ғайритабақалар» («инородцы») деб аталган ижтимоий категорияга жамланган. Шундай қилиб, ўлка маҳаллий аҳолисининг табақавий мансублиги жамиятда шахс ҳолатининг кўрсаткичи бўлмай қолган ва олий табақа таркибига кирган ижтимоий страталар ўзларининг барча имтиёзларидан маҳрум бўлганлар. Табақалар фақатгина маиший ҳаётда психологик стереотип тарзида кундалик онгнинг қолдиғи сифатида қолди. Жамиятни стратификациялашда касбий фаолиятига кўра ижтимоий тоифалаштириш объектив тарзда қисман ижобий аҳамиятга ҳам эга бўлган, чунки табақавий чегараланишларнинг тугатилиши барча ижтимоий страталарга ўз яширин кучларини сафарбар қилишда тенг имкониятларни берган.

Янги сиёсий ва иқтисодий вазият, Туркистон генерал-губернаторлиги аҳолиси ижтимоий таркибида маҳаллий аҳолига ёт ва бутунлай бегона бўлган мустамлака маъмурияти амалдорлари, Россия армияси ҳарбий хизматчилари, христиан руҳонийлари, фирмалар ва банклар хизматчилари, кўчиб келган деҳқонлар каби янги страталар мавжуд бўлишига сабаб бўлди. Уларнинг барчаси ўлка аҳолисининг атиги 4%ни ташкил этган келгинди аҳоли (европаликлар) бўлиб, янги ҳукуматнинг таянчи ҳисобланганлар ва улкан имтиёзларга эга бўлганлар.

Тадқиқ этилаётган даврда Туркистон генерал-губернаторлиги жамиятининг стратификация асосини анъанавий машғулотлар билан банд бўлган аҳоли – деҳқонлар, ҳунармандлар, усталар, савдогарлар, мусулмон руҳонийлари, миллий зиёлилардан иборат бўлган страталар ташкил этган.

[1] Иванова Н.А., Желтова В.П. Сословно-классовая структура России в конце XIX – начале XX века. – М., 2004. – С.269.

Мустамлака Туркистонида энг кўп сонли страта деҳқонлар эди. 1908 йилда улар аҳолининг 86,17% ни ташкил этган.[1] Арзон хомашёга эҳтиёжи бўлган чор ҳукумати протекционистик сиёсат асосида ўлкада пахтачиликни фаол тараққий эттирган. XX аср бошларида ишлаб чиқарувчилар учун катта фойда келтирувчи маҳсулот ҳисобланган пахта етиштиришнинг кенг кўламда тарқалиши деҳқон хўжаликларининг натурал хўжалик шаклидан чиқиб, товар ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлишига олиб келган ва ер муносабатларида ҳамда қишлоқнинг ички структурасида бир қатор ўзига хос хусусиятларни келтириб чиқарган. XX асрнинг бошларида ижтимоий табақаланиш кучайиб борган, ўрта тоифа хўжаликлари мустаҳкамланган, уларнинг сони сезиларли даражада ошган, ўзига тўқ деҳқонлардан янги ижтимоий гуруҳ – бойлар шакллана бошлаган. Умуман олганда, бу даврда қишлоқ хўжалигида асосий пахта етиштирувчи куч ўртача 2-3 десятина ерга эга бўлган унча катта бўлмаган хўжаликлар ҳисобланган.

Бу даврда Туркистон қишлоқларининг ичидаги ички ижтимоий муносабатлар ҳам ўзига хос аҳамиятга эга эди. Ижтимоий ҳолат ва моддий таъминотдаги ижтимоий нотенгликлар мавжудлигига қарамай, камбағаллар ва бойлар ўртасида очиқ қарама-қаршиликлар мавжуд эмас эди. Бундай ҳолат қишлоқ ҳаётининг кундалик хусусиятлари, қишлоқ жамоасининг ўзаро ёрдам ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш бўйича мустаҳкам анъаналари мавжудлиги, минтақадаги маҳаллий халқнинг ўзига хос менталитети билан изоҳланар эди. Лекин XX аср бошларида қишлоқларда ижтимоий барқарорлик мавжуд бўлган дейиш ҳам нотўғри, чунки уларда асосий суғорма ерларни эгаллаб олган келгинди рус деҳқонлари ва мустамлака маъмуриятига қарши норозиликлар кучайиб бораётган эди. «Аграр низо, – деб ёзади А.Парк, – ана шу сабабдан бу ҳудудда миллий можарога айланиб бораётган эди».[2]

Туркистон жамиятининг хўжалик алоқаларида уста ва ҳунармандларнинг страталари катта ўринга эга бўлган. Уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти минтақада қадимдан кенг тараққий этган ва аҳоли талабларини қондиришга яхши мослашган эди. Барча ҳунар турларига дин томонидан рухсат берилган бўлиб, цех уставлари «рисолалар»да аниқ белгилаб берилган, асрлар давомида шаклланган шогирдлик тизими касблар давомийлигининг асосий шакли ҳисобланган. XIX аср охирида Сирдарё, Фарғона, Самарқанд вилоятларида 184 мингта рўйхатдан ўтган уста ва ҳунарманд фаолият кўрсатган, бу меҳнатда банд аҳолининг 25% ни ташкил этган. Уларнинг деярли 99% маҳаллий аҳоли вакилларидан иборат бўлган.[3] Уларнинг фаолияти тўлалигича маҳаллий бозор талабларини қондиришга қаратилган эди. Улар пахтани қайта ишлаш, таъмирлаш-қурилиш ишлари, метални қайта ишлаш, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги меҳнат қуроллари ясаш, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари, мебель, аравалар ясаш, кулолчилик ва бошқа соҳаларда банд бўлганлар. Россиядан келтирилган фабрика маҳсулотлари кўпайтирилиши натижасида маҳаллий шароитда металл идишларни ишлаб чиқариш, тўқимачилик, кулолчилик, металга ишлов бериш кабиларнинг анча қисқаришига қарамай, Туркистон уста ва ҳунармандлари 1917 йилга келиб ҳам ёғочни қайта ишлашда, маҳаллий қишлоқ хўжалик асбобларини ясашда, металга қайта ишлов беришда, кийим-кечак соҳасида, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда, қурилиш ишларида ва транспорт хизматида якка ҳукмронлик қилганлар ва ўз маҳсулотларини муаммосиз сотганлар.[4]

Тадқиқ этилаётган даврда Туркистон генерал-губернаторлигида савдо билан шуғулланувчи кишиларни ўз ичига олган страта муҳим иқтисодий куч ҳисобланган. XIX аср охирларида ўлканинг етакчи уч вилоятида бу соҳада ишбилармон аҳолининг 6% банд

[1] Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Часть 1. – СПб., 1911. – С.32.

[2] Park A.Bolshevism in Turkestan. 1917 – 1927. Columbia University Press, New York. 1957. – P.294.

[3] Первая всеобщая перепись населения Российской империи 1897 г. Том 83. – С.IX; Том 86. – С.XIII; Том 89. – С.IX, 114.

[4] Статистический ежегодник. 1917 – 1923. – Ташкент, 1924. Том II. Часть 1. – С.46 – 47.

эди.[1] Худди ҳунармандлар билан бўлганидек, бу соҳада банд бўлганларнинг ҳам каттагина қисмини маҳаллий халқ вакиллари ташкил этган. Истило туркистонлик савдогарларнинг фаолиятини чеклаб қўйган. Улар фақатгина чакана савдони қўлларида сақлаб қолганлар, йирик улгуржи савдо эса россиялик тўқимачи магнатлар ва йирик савдо уйлари қўлига ўтиб кетган. XX аср бошларидаёқ йирик маҳаллий савдогар миллионерлардан бўлган Муҳаммад Саид-бой Содиқжонов ўғиллари ва неваралари билан, Миркомил Мирмўминбоев, Мирсаид Азимбоев, Юсуф Давидов ва бошқалар йирик савдо операцияларида иштирок этганлар, россиялик савдогарлар ва саноатчилардан ўрнак олган ҳолда ўз савдо сармояларини саноат корхоналарини қуришга ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга жалб эта бошлаганлар. Ўлкадаги йирик савдо уйининг бошлиғи бўлган ва 1884 йили Тошкентдаги биринчи пахта тозалаш заводини барпо этган Юсуф Давидов[2] XX аср бошларида 6 та пахта тозалаш заводига эгалик қилган, Россия бозорларига йилига 1 млн пуд пахта хомашёси ва 15 млн сўмлик пахта толаси етказиб берган.[3] Бу Туркистон генерал-губернаторлиги жамиятининг ижтимоий таркибида янги ижтимоий стратанинг фаол ҳаракатлари ўша даврда маҳаллий савдо-саноат буржуазияси шаклланганини англатади. Бу ижтимоий табақа ўлканинг ишлаб чиқариш кучлари тараққиётига сезиларли ҳисса қўшган ҳолда фаол маърифатпарварлик, хайрия фаолиятларини олиб борган ва маҳаллий жамият ижтимоий ҳаётида аҳамиятли ижобий куч ҳисобланган.

Туркистон жамиятининг маънавий ҳаётида жуда муҳим ижтимоий жараёнлар содир бўлган. Унинг маълумотга эга қисмининг энг яхши вакилларидан, яъни зиёлилардан XIX аср охири – XX аср бошларида янги ижтимоий страта – тараққийпарвар миллий зиёлилар шаклланган ва улар маданий, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўзларини фаол намоён қила бошлаганлар. Туркистон жадидлари унинг ўзагини ташкил этган. Чоризмнинг мустамлака сиёсати моҳиятини тушунган ҳолда улар жамият тараққиётини белгилаб берувчи ислоҳотлар ўтказилиши учун курашганлар. Маҳаллий аҳолининг турли ижтимоий страта вакилларини ўз сафида бирлаштирган ҳолда жадидлар ҳаракати уларнинг манфаатлари ва орзу-умидларини тартибга солиб, ўзининг фаол ижтимоий-сиёсий фаолиятида амалга оширишга уринган. Миллий зиёлилар бу даврда кам сонли бўлган бўлсаларда, уларнинг тараққиёт ва мустақилликка қаратилган ғоялари жамият учун катта аҳамият касб этган.

Маҳаллий жамият ҳаётида мусулмон руҳонийлари катта таъсир кучига эга бўлганлар. Улар аввал уламо табақасига тегишли бўлганлар ва энди касбий таснифига кўра страталарга мансуб бўлган ҳолда маънавий-ахлоқий соҳада, суд ишларида, халқ маорифи тизимида етакчи мавқеларини сақлаб қолганлар. XIX асрнинг охирида ўлканинг уч вилоятида мусулмон мазҳабининг диний унвонига эга 7,7 минг нафар шахс ҳисобга олинган ва улар меҳнатга лаёқатли аҳолининг 0,8%, умумий аҳолининг 0,2% ни ташкил этганлар.[4] Туркистон генерал-губернаторлигида мусулмон руҳоний етакчиларининг катта қисми ўта мутаассиб эдилар. Лекин уларнинг ичида ҳам илғор-тараққийпарвар кучлар мавжуд бўлган, улар маҳаллий жамият янгиланишга муҳтожлигини яхши англаганлар, мусулмон анъаналарини замонавийлаштириш ва таълим тизимини ислоҳ этиш учун курашганлар. Уларнинг катта қисми туркистонлик жадидлар ҳаракатининг фаол иштирокчисига айланганлар.

XX аср арафасида ўлкада саноат тараққиёти меҳнат билан банд аҳоли ичида яна бир янги ижтимоий страта – ишчиларнинг шаклланишига олиб келган. 1917 йил октябрига келиб Туркистонда 76 минг ишчи[5] ҳисобга олинган ва у аҳолининг 1,5% ни ташкил этган. Уларнинг кўпчилигини майда хусусий дўконларда

[1] Первая всеобщая перепись населения Российской империи 1897 г. Том 83. – С.94; Том 86. – С.116; Том 89. – С.114.

[2] ЎзР МДА, И-269-фонд, 1-рўйхат, 148-йиғма жилд, 51-варақ.

[3] ЎзР МДА, И-1-фонд, 17-рўйхат, 954-йиғма жилд, 26-варақ.

[4] Первая всеобщая перепись населения Российской империи 1897 г. Том 83. – С.94; Том 86. – С.116; Том. 89. – С.114.

[5] Қаранг: Вексельман М.И. О численности рабочего класса Средней Азии накануне Октября // Общественные науки в Узбекистане. 1985. №9. – С.29.

ва ҳунармандчилик устахоналарида банд бўлган маҳаллий миллат вакилларининг малакасиз ишчилари ташкил этган. Уларнинг ичида саноатда банд ишчилар жуда оз эди, юқори малакали ишчи гуруҳлари асосан европалик ишчилардан иборат бўлиб, турли имтиёзларга эга бўлганлар. Умуман, Туркистондаги саноат ишчилари бирлашмаган ва миллий мансубликларига кўра ажраган ҳолда тарқоқ бўлиб, фаол мустақил сиёсий куч эмасдилар.

Яна бир ижтимоий гуруҳ – мулкдорлар стратаси турли турдаги, кўринишдаги ва миқдордаги мулк эгаларидан ташкил топган. Товар-пул муносабатлари, саноат ва темир йўллар қурилишининг тараққиёти XX асрнинг бошларида Туркистон генерал-губернаторлигида ушбу мулкдорлар ҳолатини мустаҳкамлаш учун қулай шарт-шароитларни яратган. 1917 йилга келиб меҳнатга лаёқатли эркак аҳолининг (18 ёшдан юқори бўлган) 76% турли ҳажмдаги ва кўринишдаги мулкка эгалик қилганлар, 11,2% аҳоли эса ҳеч қандай мулкка эга бўлмаган (ерсиз деҳқонлар 0,5% ни, завод ишчилари, устахоналар ёлланма ишчилари 7,4% ни, хизматчилар, толиблар, ногиронлар 3,3% ни ташкил этган). 0,5 десятина ерга эга бўлиб, аҳолининг 12,8% ни ташкил этган деҳқон-мардикорлар ўз ерларини бутунлай йўқотиш ва ерсиз деҳқонлар ёки шаҳар ишчиларига айланиб қолиш хавфи остида қолганлар, бу эса икки ижтимоий гуруҳ оралиғидаги бир тоифани ташкил этган эди.[1]

XX асрнинг бошларида йирик саноатчилар, ер эгалари, ўзига тўқ деҳқонлар, уста ва ҳунармандлар мулкдорлар табақасининг етакчи қисмини ташкил этганлар. Бу ёлланма ишчиларга эга ва улар меҳнатидан тушадиган даромад ҳисобига яшовчи хўжайинлар гуруҳи эди.

Уларнинг умумий сони меҳнатга лаёқатли эркаклар ичида 19,6% ни ташкил этган.[2]

Мазкур табақа асосан ўртача бойлик миқдорига эга, жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучи ҳисобланган мулкдорлардан ташкил топган. Улар кичик ер участкалари, ун тегирмонлари, шоли тегирмонлари, кичик ишлаб чиқариш корхоналари, ҳунармандчилик устахоналари, дўконлар, савдо расталари, карвонсаройлар, чойхоналар ва бошқаларнинг эгаси бўлганлар. Бу табақа вакилларининг қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ишлаб чиқариши, савдо соҳасидаги устунлиги тадқиқ этилаётган давр минтақа ижтимоий структурасининг характерли хусусияти ҳисобланади. Фақатгина мулк эгалари бўлмасдан, уларнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш жараёнининг ҳам бевосита иштирокчилари бўлиб, ўз тимсолларида ишчи кучи ва сармояни бирлаштирган эдилар. Ижтимоий нотинчликлар уларнинг манфаатларига зид бўлган. Ўзларини жамиятнинг бир бўлаги сифатида ҳис қилган ҳолда улар жамиятдаги барқарорликдан жуда манфаатдор бўлганлар ва унинг тинчлигининг кафолати ҳисобланганлар.

Мулкнинг мавжудлиги, шу билан бирга, ўлка маҳаллий аҳолиси ичидаги хайрихоҳликка ва ўзаро ёрдамга асосланган ўзига хос ички ижтимоий муносабатлар шаҳарларда маҳалла ва қишлоқ жойларида қишлоқ жамоалари каби институтлар билан мустаҳкамланган эди, бу ҳолат Туркистонда на қишлоқ жамоасида ва на шаҳар аҳолисида барқарорликни издан чиқаришга уринишлар бўлмаган деган хулосаларни тасдиқлайди. Бу эса уларнинг октябрь тўнтариши пайтидаги суст фаолияти билан изоҳланади.

[1] Статистический ежегодник. 1917 – 1923. Том I. Ч. 3. – С.42 – 44.

[2] Статистический ежегодник. 1917 – 1923. Том I. Ч. 3. – С.42.

# ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАН ЎРТА ОСИЁЛИКЛАР УХТА-ПЕЧОРА ЛАГЕРИДА[1]

**Рустамбек Шамсутдинов, Жасур Ҳасанов,**
**Дилшод Хомидов, Азизбек Маҳкамов**

Бундан 20 йил муқаддам Коми АССР пойтахти Сыктывкарда «Покаяние» номли сиёсий қатағон қурбони бўлганларнинг хайрия жамоат фонди ташкил этилган. «Покаяние» сўзи интернетда «Тавба» деб талқин қилинган. Русча-ўзбекча луғатда эса «покаяние» «айбига иқрор бўлиш», «қилмишига пушаймон бўлиш», «ўкиниш» маъносини англатиши кўрсатилган. Бизнингча ҳам ўзбек тарихшунослигида «ўкиниш» ибораси қўлланиши мақсадга мувофиқдир. Бу «Покаяние» фонди сиёсий қатағон қилинганларни номма-ном аниқлаш ва уларнинг номларини абадийлаштириш мақсадида 2017 йилгача умумий ҳажми 1363 босма табоқдан иборат 12 томлик 19 та китобни нашр қилди. Қатағон қилинганларнинг турли категориялари бўйича 140 минг киши ҳақида маълумотлар эълон қилинди. 100 дан ортиқ муаллифлар иш олиб боришди, 109 та эсдалик, 1422 та ҳужжат, 1200 дан зиёд фотосуратлар эълон қилинди.

Бу кўп жилдлик «Покаяние» номли китоб сиёсий қатағон қурбонлари хотирасига бағишланган Россия бўйича янги хужжатлар тўпламларидир. Унда Коми АССР лагерларида ва сургунларида бошқа минтақалардан, жумладан Ўзбекистон ССРдан репрессия қилиниб, ГУЛАГ лагерларига сургун қилинганлар ҳақида ҳам кўплаб материаллар бор. Айниқса, Ухта-Печора (8-том, уч китобдан иборат), Ухта-Ижемск (9-том, тўрт китобдан иборат) меҳнат тузатув лагерларидаги ўзбекистонлик сиёсий маҳбуслар ҳақида хам маълумотлар мавжуд.




Муаллифлар таркиби 16 илмий ходим, тузувчи А.Е.Невская, масъул муҳаррир тарих фанлари доктори И.Л.Жеребцов, таҳририят таркиби М.Б.Рогачёв (раис), Н.П.Бушманова (масъул котиб), И.Л.Жеребцовдан иборат. Бу ноёб ҳужжатлар ва материаллар тўпламларидан иборат китоб «Северсталь» оммавий акциядорлик жамияти раиси А.А.Мордашев, «СевЛесПил» масъулияти чекланган жамияти директорлар кенгаши раиси М.Ю.Магийнинг молиявий кўмагида нашр қилинган.

[1] Бу мавзу ўзбек тарихшунослигида биринчи бор қуйидаги мақолаларда қисман акс этган: Шамсутдинов Р. Маҳбус юртдошлар қисмати // Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. – Тошкент: Шарқ, 2006. – Б.158 – 164; Шамсутдинов Р.Т., Холмирзаев Э. ГУЛАГ лагерларидаги ўзбек маҳбусларининг қисмати // АнДУ Илмий хабарнома. 2011. №1. – Б.51 – 56; Шамсутдинов Р.Т., Холмирзаев Э. Сандармох қатлгоҳида отилган юртдошлар // Мустақиллик: фан ва таълим тараққиёти. Илмий тўплам. – Андижон, 2011. – Б.106 – 111; Холмирзаев Э.Р. Дмитров лагеридаги ўзбек маҳбуслари тақдири // Мустақиллик: фан ва таълим тараққиёти. Илмий тўплам. – Андижон, 2011. – Б.124 – 128; Холмирзаев Э.Р. Магадан жазо лагерларидаги ўзбек маҳбусларининг фожиали тақдири // «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак» мавзуидаги конференция материаллари. – Навоий, 2011. – Б.33 – 36; Шамсутдинов Р.Т., Холмирзаев Э. ГУЛАГ лагерларидаги ўзбек маҳбуслари // Тарихнинг номаълум саҳифалари: илмий мақолалар, ҳужжат ва материаллар, хотиралар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. Китоб 3. – Б.51 – 68; Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари (Биринчи китоб). – Тошкент: Шарқ, 2012. – Б.281 – 323.



И.Л.Жеребцов

**Игорь Любомирович Жеребцов –** 1960 йил 24 ноябрда Сыктывкарда туғилган, 1983 йили Сыктывкар давлат университети тарих факультетини аъло баҳолар билан битирган, СССР Фанлар академияси Коми АССР тил, адабиёт ва тарих институтини битирган. 1989 йили фан номзоди, 1999 йили фан доктори илмий унвонига эга бўлган. И.Л.Жеребцов – Россия Федерациясининг етакчи тарихчи олимларидан бири. Унинг асарлари Россия, Белоруссия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Қозоғистон, Молдавия, Словакия, Туркманистон, Финляндия, Швеция, Эстония, Жанубий Кореяда 450 дан зиёд асарлари эълон қилинган, кўплаб халқаро илмий конгресс, конференция ва симпозиумлар иштирокчиси. Коми АССР миллий музейи илмий кенгаши раиси, «Покаяние» номли сиёсий қатағон қурбонлари хайрия-жамоат фонди раиси, «Очерки по истории политических репрессий в Коми» (2006) ўқув қўлланмасини тайёрлаган олимлар жамоасининг раҳбари. У бошлиқ илмий жамоа билан Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси, университет тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи, «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фонди ўзаро илмий алоқада. Бунда «Покаяние» мартирологи фонди аппаратининг етакчи илмий ходими Марина Николаевна Климованинг ўрни бениҳоя каттадир.

Фонд аппарати Марина Николаевна Климова, Тамара Николаевна Коллегова, Ольга Николаевна Патракеева, Андрей Евгеньевич Смирновдан иборат экан. Биз ажойиб инсон, дилбар шахс Марина Николаевна Климова орқали «Покаяние» мартирологи китобини олишга муваффақ бўлдик. Бу китоблар Сыктывкар шаҳридан самолёт орқали Москвага жўнатилди, Москвадан эса ўша ерда яшаётган Фарҳодбек Шамсутдинов томонидан Андижондаги Қатағон қурбонлари хотираси музейига юборилди.

«Покаяние»нинг юқорида кўрсатилган қатор жилдларида Ўрта Осиёдан, жумладан, Ўзбекистондан қатағон қилиниб, Ухта-Печора лагерида маҳбуслик муддатини ўтаганларнинг рўйхатлари ҳам берилган. Биз ана шу рўйхатлардан ўзбекистонлик маҳбуслар ҳақидаги маълумотларни эълон қилмоқдамиз. Номлари эълон қилинган қатағон қурбонларининг шахсий ишлари Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати архивида ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги архивида сақланаётганини биламиз. Бизнинг фикримизни фонд аппарати ходимаси Марина Николаевна Климова ҳам тасдиқламоқда. Унинг айтишича, Ўрта Осиёдан, жумладан, Ўзбекистондан Ухта-Печора ва Ухта-Ижевск меҳнат тузатув лагерларига келтирилганлар ҳақидаги автобиографик ҳужжат ва материаллар фотосуратлари ГУЛАГ лагерларида мавжуд эмас экан. У ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлади. Ана шу лагерларда тутқунликда бўлган юртдошларимизнинг тақдири ҳақидаги манба ва материалларни ўрганишимиз учун Тошкентдаги юқорида номлари зикр этилган архивлар мутасаддилари тадқиқотчилар учун архивларда ишлашга рухсат беришлари зарур. Шунингдек, изланишларнинг кўрсатишича, ГУЛАГ лагерларига этап қилинган ўзбекистонлик қатағон қурбони бўлган маҳбуслар ҳаёти ва фаолияти, тақдири ҳақида айрим маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида ҳам сақланмоқда.

Коми АССР ҳудудидаги нефть ва кўмир саноати комплекси ГУЛАГ лагери қарамоғида бўлган. Унинг таркибида 1931 йил 6 июнда Ухта-Печора лагери ташкил этилган. 1938 йил 10

майда бу лагерь ёпилган. 1931 йил июлида ОГПУнинг Ухта экспедицияси Ухта-Печора меҳнат тузатув лагери ташкил бўлди. ВКП (б) Марказий Комитети 1932 йил 13 ноябрда «Ухта-Печора тресті»ни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ҳақда ўша йилнинг 16 ноябрида СССР Халқ Комиссарлари Совети ҳам қўшимча қарор қабул қилган. Бу икки қарорга асосланган ГУЛАГ бошлиғи М.Д.Берман 170-сонли буйруқ эълон қилган.

1. **Абдулла Хўжам Бердиев –** 1903 йили Мари шаҳрида туғилган, туркман, Туркманистон ССР. Ашхободда 1936 йил 9 декабрда қамоққа олинган. СССР НКВДси ҳузуридаги "уч"лик 1937 йил 28 январда Махсус Кенгаш аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этган. 1937 йил 5 апрелда Ашхобод турмасидан Ухта-Печора лагерига келтирилган, 1938 йил 8 декабрда вафот этган.

2. **Абдулметов Қора Дуға –** 1918 йили Туркманистон ССР Кўҳна Урганч шаҳрида туғилган, туркман. 1936 йил 15 апрелда қамоққа олинган. 1936 йил 10 сентябрда Тошкент округ суди Туркманистон ССР Жиноят кодексининг 54-17-моддаси билан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этган. Тошкент шаҳри турмасидан 1937 йил 14 июнда Ухта-Печора лагерига келтирилган. 1939 йил 9 январда вафот этган.

3. **Абдуқаюмов Мирзаали –** ўзбек, 1887 йили Ўзбекистон ССР Фарғона области Қўқон шаҳрида туғилган, шу жойда яшаган, 1931 йил 2 июнда қамоққа олинган, ЎзССР Олий суди 1932 йил 2 майда ЎзССР Жиноят кодексининг 14-64-моддаси бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган, 1937 йил 24 майда Сибирь лагеридан Ухта-Печора лагерига келтирилган, 1941 йил 3 июнда озод этилган.

4. **Абдурасулов Бозор ўғли** – ўзбек, 1889 йили Туркманистон ССР Эски Урганч райони Чўкоктепа қишлоғида туғилган, шу жойда яшаган, 1931 йил 6 ноябрда қамоққа олинган, 1931 йил 12 ноябрда Туркманистон ССР Жиноят кодексининг 54-10-моддаси 1-қисми бўйича айбланиб, 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, Ухта-Печора лагерига 1937 йил 10 августда келтирилган, 1938 йил 22 июнда озод қилинган.

5. **Абдураҳмонов Қурбонбой –** ўзбек, 1885 йили Ўзбекистон ССР Ҳазорасп райони Саид қишлоғида туғилган, шу жойда яшаган, 1940 йил 21 октябрда қамоққа олинган, 1942 йил 11 декабрда сув транспорти суди Туркманистон ССР Жиноят кодексининг 54-17-моддаси билан 5 йил қамоққа ҳукм этган, 1941 йил 20 майда Чоржўй шаҳридаги турмадан Ухта-Печора лагерига келтирилган, 1943 йил 10 июлда озод қилинган.

6. **Агамиров Мирмаҳмуд –** 1872 йили Ўзбекистон Ширин районида туғилган, турк, Чимкент шаҳрида яшаган. 1936 йил 26 апрелда қамоққа олинган. СССР НКВДси ҳузуридаги махсус кенгаш томонидан аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, Чимкент шаҳридан Ухта-Печора лагерига 1937 йил 2 апрелда келган. 1939 йил 13 апрелда вафот этган.

7. **Алиев Исҳоқ Бегимқулович** – ўзбек, 1905 йили Ўзбекистон ССР Андижон округи Блока қишлоғида туғилган, Ленинград шаҳрида яшаган, 1935 йил 15 январда ҳибсга олинган, 1935 йил 7 апрелда СССР НКВД ҳузуридаги махсус кенгаш томонидан аксилинқилобий тарғибот учун 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган, 1935 йил 29 майда Ленинград маҳбуслар уйидан Ухта-Печора лагерига келган, 1940 йил 15 январда озод қилинган, 1989 йил 31 июлда Ленинград области прокуратураси томонидан реабилитация қилинган.

8. **Алимбетов Кушкян** – 1890 йили Қорақалпоғистон АССР Куйбишев райони Қўтанча қишлоғида туғилган. 1938 йил 9 январдан НКВД Архангельск области бошқармаси ҳузуридаги учлик РСФСР Жиноят кодексининг 82-моддаси билан отувга ҳукм этган. 1938 йил 29 мартда отилган. Отилган жойи – Новая Ухтарка.

9. **Алимов Раҳим Аҳадович** – 1912 йили Эски Бухоро шаҳрида туғилган, Бухоро амири Олимхоннинг Афғонистонга муҳожир бўлиб чиқиб кетган ўғли, ўқувчи. ОГПУ коллегияси 1933 йил 9 мартда 10 йил муддат билан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилган, жазони Соловецкий лагерида ўтаган. НКВДнинг Ленинград области бошқармаси махсус учлиги 1937 йил 9 октябрда

олий жазога ҳукм қилган. 1937 йил 27 октябрда Сандармох қатлгоҳида отилган.

10. **Алланежаров Иноят** – қорақалпоқ, 1905 йили Қорақалпоғистон АССР Лумбин районида туғилган, шу жойда яшаган, 1936 йил 24 апрелда қамоққа олинган, Қорақалпоғистон АССР Бош суди томонидан 1936 йил 22 июнда РСФСР Жиноят кодексининг 58–10-моддаси билан 2 йилга озодликдан маҳрум этилган, 1937 йил 6 июнда Хўжайли турмасидан Ухта-Печора лагерига келтирилган, 1938 йил 26 мартда озод қилинган.

11. **Анарқулов Тўхтасин** – қирғиз, 1912 йили Қирғизистон ССР Ўш шаҳрида туғилган, шу жойда яшаган, 1934 йил 16 февралда қамоққа олинган. Қирғизистон ССР Бош суди томонидан 1936 йил 7 декабрда РСФСР Жиноят кодексининг 58-7-моддаси билан 5 йил озодликдан маҳрум этилган. 1939 йил 28 июнда озод қилинган.

12. **Отабоев Кўмак** – туркман, 1898 йили туғилган, Туркманистон ССР Измир райони Қораят овулида яшаган. 1936 йил 14 январда қамоққа олинган, Туркманистон ССР Олий суди махсус коллегияси томонидан Туркманистон ССР Жиноят кодексининг 17–54–17-моддаси билан 1936 йил 8 майда 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Лагерга 1936 йил 18 июлида келган.

13. **Отаболи Режапов** – туркман, 1903 йили Туркманистон ССР Тежен райони Амаш овулида туғилган, шу жойда яшаган, 1934 йил 26 февралда қамоққа олинган, Туркманистон ССР ГПУ коллегияси томонидан РСФСР Жиноят кодексининг 58-16-моддаси билан 1934 йил 2 февралда 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Лагерга 1934 йил 13 июнда келган, 1942 йил 1 январда Интин меҳнат тузатув лагерига кўчирилган.

14. **Аҳмедов Топиболди** – 1918 йили Фарғона области Марғилон районида туғилган, ўзбек. НВКДнинг Воркута лагерида маҳбус, педагог, Воркута лагери №3 шахтаси лагерь пунктида ишчи. 1942 йил 10 январда РСФСР Жиноят кодексининг 58–10-моддаси 2-қисми билан айбланиб ҳибсга олинган, тергов давом этаётган 1942 йил 27 октябрда «Еджыд-Кырта» шахтаси стационарида вафот этган.

15. **Аҳмедов Шокир Аббосович –** 1913 йилда туғилган, НКВД Архангельск области “учлиги” СССР НКВДнинг 00447-сонли буйруғи билан 1938 йил 15 февралда отувга ҳукм қилган, отилган жойи – Новая Ухтарка.

16. **Аҳмадбеков Комилжон** – ўзбек, 1908 йилда Андижон шаҳрида туғилган, 1934 йил 14 мартда ҳибсга олинган, ОГПУнинг Ўрта Осиё бўйича коллегияси томонидан 1934 йил 11 апрелда РСФСР Жиноят кодексининг 17-58-6-моддаси, 84-моддаси 1-қисми билан айбланиб, 10 йилга озодликдан маҳрум этилган, 1934 йил 7 июнда Қарағанда лагеридан Ухта-Печора лагерига келтирилган. 1942 йил 27 майда вафот этган.

17. **Аҳмедов Фозил** – ўзбек, 1919 йилда Андижон области Сталин райони Қозиқўрғон қишлоғида туғилган, Ички ишлар вазирлиги Усть-Вым лагери маҳбуси. 1947 йил 22 февралда ҳибсга олинган. 1947 йил 28 мартда Ички ишлар вазирлиги Усть-Вым меҳнат тузатув лагерининг махсус лагерь суди томонидан РСФСР Жиноят кодексининг 58–14-моддаси билан айбланиб, 5 йилга озодликдан маҳрум этилган.

18. **Ашуров Умарали** (бошқа исми Полвон) – 1909 йилда туғилган, ўзбек, Ўзбекистон ССР Наманган райони Қозоноши қишлоғида туғилган, шу жойда яшаган, 1935 йил 3 октябрда қамоққа олинган. ЎзССР Олий суди 1936 йил 7 сентябрда ЎзССР Жиноят кодексининг 78-моддаси билан айблаб, 10 йилга озодликдан маҳрум қилган. 1936 йил 20 июлда Тошкент шаҳридаги қамоқхонадан Ухта-Печора лагерига келтирилган. 1939 йил 9 мартда вафот этган.

19. **Ашуров Ҳожиқурбон** – ўзбек, 1893 йилда Ўзбекистон ССР Самарқанд шаҳрида туғилган, шу ерда яшаган, 1929 йил 7 ноябрда ҳибсга олинган. ОГПУнинг Ўрта Осиё бўйича доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик томонидан 1930 йил 24 февралда ЎзССР Жиноят кодекси 78-моддаси билан айбланиб, 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1933 йил 21 июнда озод қилинган.

20. **Бекназаров Чори** – ўзбек, 1916 йилда туғилган, туғилган жойи Сталинобод шаҳри, шу жойда яшаган, 1935 йил 8 сентябрда ҳибсга олинган, Тожикистон ССР Олий суди томонидан 1937 йил 23 февралда Тожикистон ССР

Жиноят кодексининг 68-, 78-моддалари билан 10 йилга озодликдан маҳрум этилган. Ухта-Печора лагерига 1937 йил 9 апрелда Сталинобод шаҳридаги турмадан келтирилган. 1938 йил 31 январда вафот этган.

21. **Бердиев Шатур** – ўзбек, 1910 йилда Бойсун районида туғилган, шу жойда яшаган, 1930 йил 6 майда қамоққа олинган, ОГПУнинг Ўрта Осиё бўйича доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик томонидан 1930 йил 8 октябрда РСФСР Жиноят кодексининг 58–10-, 58-11-моддалари бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, Ухта-Печора лагерига 1932 йил 22 апрелда келтирилган ва 1932 йил 27 августда қочиб кетган.

22. **Бистрова Александра Николаевна** – эстон, 1899 йилда Печерск уезди Большая Калка қишлоғида туғилган, партиясиз, аниқ машғулоти бўлмаган, Тошкент шаҳрида яшаган, СССР НКВДси ва прокуратураси коллегияси томонидан 1937 йил 15 июлда қамоққа олинган, 13 ноябрда РСФСР Жиноят кодексининг 58-6-моддаси бўйича айбланиб, олий жазога ҳукм қилинган, ҳукм 1937 йил 18 ноябрда Ленинград шаҳрида ижро этилган.

23. **Бобоқулов Эсонқул** – ўзбек, 1909 йилда Ўзбекистон ССР Бойсун райони Дарбанд қишлоғида туғилган, шу жойда яшаган, ОГПУнинг Ўрта Осиё бўйича доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик томонидан 1930 йил 8 октябрда ЎзССР Жиноят кодекси 58–10-моддаси 2-қисми, РСФСР Жиноят кодексининг 58-11-, 59-3-моддалари билан айбланиб, 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1931 йил 20 январда Самара маҳбуслар уйидан келтирилган. 1933 йил 3 майда вафот этган.

24. **Бозоров Тоғай –** 1910 йилда Ўзбекистон ССР Бухоро райони Қашхадим қишлоғида туғилган, ўзбек, НКВД Печора лагеридаги 11-колонна 5-бўлимининг маҳбуси, 1945 йил 11 июнда СССР НКВД ҳарбий қўшинлар трибуналининг Шимолий Печора темир йўл магистрали қурилиши бошқармаси томонидан РСФСР Жиноят кодексининг 58–14-моддаси билан айбланиб, 10 йилга озодликдан, 5 йилга сайлов хуқуқидан маҳрум этилган.[1]

25. **Боис Қориев Олтой Олтоевич** – ўзбек, 1903 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, шу ерда яшаган, 1930 йил 26 июлда қамоққа олинган, ОГПУ коллегияси томонидан 1933 йил 31 мартда РСФСР Жиноят кодексининг 58-4-моддаси билан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, 1936 йил 1 декабрда Ухта-Печора лагери Воркута бўлимига келтирилган, 1940 йил 26 июлда озод қилинган.

26. **Болтабоев Девонбек** – қозоқ, 1901 йилда Ўрта Чирчиқ райони Ангор қишлоғида туғилган, ВКП (б) аъзоси, хизматчи, ОГПУ коллегияси томонидан 1933 йил 4 февралда РСФСР Жиноят кодексининг 58–10-11-моддаси бўйича айбланиб, отувга ҳукм қилинган, жазо 10 йил меҳнат тузатув лагерига юбориш билан алмаштирилган, жазони Соловки турмасида ўтаган, НКВД бошқармаси махсус учлиги томонидан 1937 йил 25 ноябрда РСФСР Жиноят кодекси 58–10-11-моддаси билан айбланиб, отувга ҳукм қилинган, ҳукм 1937 йил 8 декабрда ижро этилган, отув ва кўмилган жойи тахминан лагернинг Лодейнопол пункти ҳудудида.

27. **Брюллова-Шаскольская Надежда Владимировна** – рус, Ленинград шаҳридан, дворян оиласидан, Аёллар олий курсининг тарих-филология бўлимини битирган, эсерлар партияси билан ҳамкор бўлган, дин ва миллий масала тарихи бўйича бир қатор асарлар муаллифи, Буюк Пётр номидаги антропология ва этнография музейи Африка бўлими мудираси, олий ўқув юртлари ўқитувчиси, 1922 йил 25 июлда қамоққа олиниб, 3 йил муддатга Ўрта Осиёга сургун қилинган, Ленинградга 1929 йили қайтиб келган, Рус этнография музейида илмий ходим бўлиб ишлаган, 1933 йил 25 февралда яна қамоққа олинган, ОГПУ коллегияси махсус кенгаши томонидан 1933 йил 28 июнда РСФСР Жиноят кодексининг 58–10-11-моддаси билан айбланиб, 3 йилга сургун қилинган, жазони Тошкент шаҳрида ўтаган, бу ерда Ўрта Осиё Молия-иқтисод институтида хорижий тиллар кафедрасида доцент бўлиб ишлаган, 1937 йил 24 апрелда Ўзбекистон ССР НКВДси учлиги томонидан «советларга қарши тарғибот ва ташвиқот» қилгани учун олий жазога

[1] Покаяние: Мартиролог. Т. 7. Ч. 2 / Сост.: М.Б. Рогачев. – Сыктывкар, 2007. – С.260 – 263.

ҳукм этилган, 1937 йил 9 октябрда Тошкентда отилган.

28. **Бувашев Абду Мулгин (Абдумўмин)** – ўзбек, 1887 йилда Омскда туғилган, шу жойда яшаган, ОГПУнинг доимий вакиллиги томонидан РСФСР Жиноят кодексининг 58–10-, 59-2-моддалари бўйича айбланиб, 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилган. Ухта-Печора лагерига 1931 йил 16 июлда келтирилган. 1932 йил 19 ноябрда озод этилган.

29. **Гадзядская Ирадиада Евстафьевна** – рус, 1908 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган, шу жойда яшаган, 1935 йил 11 сентябрда ҳибсга олинган, 11 ноябрда СССР НКВДсининг махсус кенгаши томонидан аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланиб, 5 йилга озодликдан маҳрум этилган, 1940 йил 11 сентябрда Ухта-Печора лагери Воркута бўлимидан озод қилинган.

30. **Ғаниматшоев Исматшо** – тожик, 1910 йили Тожикистон ССР Дарвоз районида туғилган, шу жойда яшаган, 1940 йил 28 ноябрда Ўрта Осиё ҳарбий округи ҳарбий трибунали томонидан Тожикистон ССР Жиноят кодексининг 52-1-моддаси билан отувга ҳукм этилган, ҳукм ўзгартирилиб, 10 йил қамоқ жазоси белгиланган. 1941 йил 19 майда Уствымлагга Сталинград турмасидан келтирилган. 1944 йил 18 июлда вафот этган.

31. **Ғаниматшоев Ҳукуматшо** – тожик, 1904 йили Тожикистон ССР Дарвоз районида туғилган, шу жойда яшаган, 1940 йил 28 ноябрда Ўрта Осиё ҳарбий округи ҳарбий трибунали томонидан Тожикистон ССР Жиноят кодексининг 52-1-моддаси билан отувга ҳукм этилган, ҳукм ўзгартирилиб, 10 йил қамоқ жазоси белгиланган. 1941 йил 19 майда Сталинобод турмасидан Уствымлагга келтирилган. 1942 йил 28 февралда вафот этган.

32. **Генко Евгений Несторович –** рус, 1892 йилда Верро-Лифлянд губерниясида (Ленинград) туғилган, дворян оиласидан, техник-қурувчи, Тожикистон ССР Олий суди махсус коллегияси томонидан 1935 йил 7 декабрда Тожикистон ССР Жиноят кодекси 61-моддаси 1-қисми билан айбланиб, 10 йилга озодликдан маҳрум этилган, жазони Пахтаорол лагерида ўтаган, ЎзССР НКВД учлигининг 1937 йил 14 августдаги қарори билан «маҳбуслар орасида фашистча-троцкийча аксилинқилобий тарғибот» олиб борганликда айбланиб, олий жазога ҳукм этилган. 1937 йил 20 августда жазо ижро қилинган.

33. **Горохов Илларион Иванович** – рус, 1910 йилда Оренбург области Забилье қишлоғида туғилган, тураржойга эга бўлмаган, 1937 йил 28 мартда ҳибсга олинган, ЎзССР НКВД бошқармаси ҳузуридаги учлик томонидан 1937 йил 5 апрелда ижтимоий хавфли унсур сифатида 6 йил озодликдан маҳрум этилган, 1943 йил 6 апрелда Ухта-Печора лагери Воркута бўлимидан озод қилинган.

34. **Гуртовенко (Шмидт) Валентина Густовна** – рус, 1928 йил 22 октябрда Андижон шаҳри Узумзор кўчасида туғилган, деҳқон оиласидан, 1941 йили Қозоғистон ССРга сургун қилинган, 1997 йил 6 декабрда Новгород области ички ишлар бошқармаси томонидан реабилитация қилинган.

35. **Дадахўжаев Сайидхон** – ўзбек, 1916 йили туғилган, Қирғизистон ССР Новқат районида туғилган, НКВДнинг Беломор-Болтиқ комбинати маҳбуси, НКВД Карелия АССР учлиги 1937 йил 28 декабрда 82-модда билан отувга ҳукм этган (қочган), 1938 йил 21 январда Медвежья гора станциясидаги Сандармох қатлгоҳида отилган.

36. **Дашевский Даниил Давидович** – рус, 1916 йилда Ўзбекистонда туғилган, Архангельск шаҳрида яшаган, ишчи ёшлар театри актёри, 1937 йил 21 июлда ҳибсга олинган, НКВД Архангельск области бўлими учлиги томонидан РСФСР Жиноят кодексининг 58–10-моддаси 1-қисми бўйича 8 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилган, кейинги тақдири ҳақида маълумотлар йўқ. 1989 йил 13 сентябрда реабилитация қилинган.

37. **Дашевский Эммануил Давидович –** 1906 йилда туғилган, ўзбекистонлик, Архангельск шаҳрида яшаган, Сульфатқурилиш заводи бошлиғи ўринбосари бўлиб хизмат қилган, 1937 йил 7 апрелда ҳибсга олинган, СССР Олий суди суд коллегияси томонидан РСФСР Жиноят кодексининг 58-7-, 58-11-моддалари билан айб-

ланиб, 1938 йил 27 апрелда ноқонуний отилган. Ўлимидан сўнг 1956 йил 31 мартда реабилитация қилинган.

38. **Девон Қулиев –** туркман, 1909 йилда Туркманистон ССР Қозондин районида туғилган, Шарлауқ овули Қизил Атрак районида яшаган, 1937 йил 1 декабрда қамоққа олинган. Туркманистон ССР НКВДси учлиги томонидан аксилинқилобий фаолияти учун 1937 йил 5 декабрда 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1944 йил 21 августда Архенгельскдаги меҳнат тузатув лагери колониясига кўчирилган.

39. **Денисов Дмитрий Андреевич** – рус, 1902 йилда Қўқон шаҳрида туғилган, НКВДнинг Уствимлаг лагери маҳбуси, 1941 йил 1 ноябрда ҳибсга олинган, Коми АССР Олий суди суд коллегияси томонидан 1941 йил 6 декабрда РСФСР Жиноят кодексининг 58–10-моддаси 2-қисми билан айбланиб, олий жазога ҳукм этилган, СССР Олий Совети Президиумининг 1942 йил 24 апрелдаги қарори билан олий жазо 10 йил қамоқ жазосига алмаштирилган.

40. **Диннер Давид Андреевич** – немис, 1912 йилда Волгабўйи немис автоном республикасида туғилган, яшаш жойи Ўзбекистон ССР Янгийўл райони Кауфман станцияси, 1937 йил 15 сентябрда қамоққа олинган, 1937 йил 3 ноябрда ЎзССР НКВДси ҳузуридаги учлик томонидан аксилинқилобий фаолияти учун 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, 1947 йил 15 сентябрда Ухта-Печора лагери Воркута бўлимидан озод қилинган.

41. **Долинбоев Абдулазиз** – ўзбек, 1882 йили Ўзбекистон ССР Янгиқўрғон райони Ҳазратча қишлоғида туғилган, шу жойда яшаган, 1930 йил 24 январда ҳибсга олинган, ОГПУнинг Ўрта Осиё бўйича доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик томонидан 1930 йил 21 январда ЎзССР Жиноят кодексининг 78-моддаси бўйича айбланиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Ухта-Печора лагерига 1930 йил 18 апрелда келтирилган. 1933 йил 8 авустда озод қилинган.

42. **Дониёров Куюк** – ўзбек, 1905 йили Туркманистон ССР Козим Мозорида туғилган, шу жойда яшаган, 1934 йил 20 майда ҳибсга олинган. Туркманистон Олий судининг 1934 йил 28 июндаги қарори билан РСФСР Жиноят кодексининг 58-8-моддаси бўйича айбланиб, 5 йилга озодликдан маҳрум этилган. 1939 йил 20 майда озод қилинган.

43. **Дубровский Павел Семенович –** рус, 1908 йили Витебск губернияси Себежский уезди Слобода қишлоғида туғилган, партиясиз, 1930 – 1933 йилларда Болтиқ флотида ҳайдовчи, Киров ўлкаси Шабалин район халқ суди 1933 йили РСФСР Жиноят кодексининг 162-моддаси бўйича 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этган, 1937 йили Тошкент шаҳрида қурилиш ташкилотида ҳайдовчи бўлиб хизмат қилган, 1937 йил 12 февралда ҳибсга олинган. ЎзССР Олий суди махсус коллегияси томонидан 1937 йил 22 апрелда ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси билан 5 йилга озодликдан маҳрум этилган, Жазони Севвостлагда (Колима, «Разведчик» кони) ўтаган. 1938 йил 9 январда НКВДнинг Далстрой бошқармаси томонидан қайта ҳибсга олинган ва 1938 йили «аксилниқилобий ташкилот аъзоси» сифатида олий жазога ҳукм этилган, 1938 йил 9 мартда отилган.

44. **Дуев-Моржаков Иван Михайлович –** 1914 йилда Горький ўлкаси Биково қишлоғида туғилган, ички ёнув двигателли машиналар ҳайдовчиси, Тошкентда яшаган ва шу ерда ҳибсга олинган, СССР Олий судининг махсус коллегияси томонидан 1936 йил 26 мартда Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 74-моддасига асосан 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазони Соловкида ўтаган, НКВДнинг лагерь бўлими бошқармаси махсус учлиги томонидан 1937 йил 25 ноябрда олий жазога ҳукм қилинган, 1937 йил 8 декабрда отилган тахминан лагернинг Лодейнопол пункти ҳудудида кўмилган.

45. **Дурнов Андрей Николаевич** – рус, 1938 йил 5 январда Ўзбекистонда отилган. Унинг отаси Дуронов Николай Николаевич 1876 йили Москва шаҳрида туғилган, дворян оиласидан, Москва давлат университетини битирган, СССР Фанлар академияси мухбир аъзоси, Белорус Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Саратов, Белорус ва Москва университетлари профессори, 1924 – 1928 йилларда Чехословакияда

яшаган, 1933 йил 29 декабрда «Россия миллий партияси» иши бўйича қамалган, ОГПУ коллегияси 1934 йил 29 мартда РСФСР Жиноят кодексининг 58-4-11-моддаси бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этган. Жазони Соловкида ўтаган.

46. **Дўстмуродов Бозор** – ўзбек, 1887 йилда Ўзбекистон ССР Хонтаги райони Тута-Гета қишлоғида туғилган, шу жойда яшаган, 1931 йил 26 декабрда қамоққа олинган, ОГПУнинг Ўрта Осиё бўйича доимий вакиллиги ҳузуридаги учликнинг 1932 йил 9 майдаги қарори билан ЎзССР Жиноят кодексининг 64-моддаси бўйича айбланиб, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Ўрта Осиё лагеридан 1932 йил 25 июлда Ухта-Печора лагерига келтирилган. Шу жойда 1938 йил 20 декабрда вафот этган.

47. **Ёқубов Бобош** – ўзбек, 1904 йили Тошҳовуз округи Тошҳовуз райони Хомен қишлоғида туғилган, шу жойда яшаган, 1933 йил 27 сентябрда қамоққа олинган, ОГПУ доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик РСФСР Жиноят кодексининг 58-7, 58-11-моддалари бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, 1935 йил 15 декабрда Ухта-Печора лагерига келтирилган ҳамда 1943 йил 27 сентябрда озод қилинган.

48. **Ёқубов Муҳаммаднур** – 1910 йили туғилган, Архангельск области НКВД бошқармаси ҳузуридаги учлик томонидан РСФСР Жиноят кодексининг 82-моддаси бўйича айбланиб, 1938 йил 4 январда отувга ҳукм қилинган. Ҳукм 1938 йил 14 апрелда ижро этилган. Отилгани жойи – Новая Ухтарка.

49. **Еримбоев Шариф** – ўзбек, 1879 йили Қорақалпоғистон АССР Хўжайли районидаги 2-овулда туғилган, Урганч районидаги 4-овулда яшаган, 1932 йил 2 декабрда қамоққа олинган, Қорақалпоғистон АССР Бош суди томонидан РСФСР Жиноят кодексининг 58–10-моддаси билан 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Ухта-Печора лагерига Хўжайли турмасидан 1937 йил 6 июнда келтирилган. 1939 йил 6 февралда вафот этган.

50. **Ефретов Николай Иванович** – 1896 йили Ленинградда туғилган, 1917 – 1935 йилларда ВКП (б) аъзоси, 1921 йил январидан Почта ва телеграф халқ комиссарлиги аъзоси, Алоқа, почта ва телеграф халқ комиссарлиги ишчи ва хизматчилари Бутунроссия иттифоқи марказий кенгаши раиси, 1922 йили «Пролетарий связи» журнали редактори, ВКП (б) бирлашган оппозицияси аъзоси, 1928 йил 8 январда ҳибсга олинган, ОГПУ коллегияси қошидаги махсус кенгаш томонидан РСФСР Жиноят кодексининг 58–10-моддаси билан айбланиб, 3 йил сургун жазоси тайинланган, жазони Канскда ўтаган, 1929 йили озод бўлиб, Москвага қайтган, ҳибсга олинишидан олдин Ўзбекистон алоқа бошқармаси режа-молия бўлими бошлиғи бўлган. 1936 йил 12 августда ҳибсга олинган. СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессияси 1938 йил 2 мартда Олма-ота шаҳридаги йиғилишида РСФСР Жиноят кодексининг 58-8-11-моддаси билан айблаб, олий жазога ҳукм қилган. 1938 йил 2 март куни Олма-ота шаҳрида отилган (қабри «Жаналик» қабристонида).

51. **Жумаев Холмурод –** ўзбек, 1910 йили туғилган, тураржойи аниқланмаган, Ўзбекистон ССР, 1937 йил 4 сентябрда қамоққа олинган, Туркманистон ССР НКВД ҳузуридаги учлик томонидан ижтимоий зарарли унсур сифатида 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, жазони Коми АССР Ухта-Печора лагери Воркута бўлимида ўтаган. 1946 йил 20 августда озод қилинган.

52. **Жумали Қурбон** – тожик, 1899 йили туғилган, 1938 йил 20 январда қамоққа олинган. Тожикистон ССР НКВД ҳузуридаги учлик томонидан 1938 йил 15 апрелда аксилинқилобий фаолияти учун 10 йилга озодликдан маҳрум этилган. 1938 йил 2 августда Шимолий темирйўл лагерига ўтказилган.

53. **Жўз Кертик** – туркман, 1915 йилда Туркманистон ССР Мене овулида туғилган, шу ерда яшаган. 1937 йил 12 июлда қамоққа олинган, Туркманистон ССР Олий суди 1937 йил 13 сентябрда Туркманистон ССР Жиноят кодексининг 54-3-моддаси билан 6 йилга озодликдан маҳрум қилган.

54. **Жума Аббос ўғли** – туркман, 1900 йилда Туркманистон ССРда туғилган, шу ерда яшаган. 1932 йил 23 октябрда қамоққа олинган. Туркманистон ССР ОГПУ ҳузуридаги учлик томони-

дан Туркманистон ССР Жиноят кодексининг 58-6-моддаси билан 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган, 1942 йил 14 майда вафот этган.

55. **Жўра Тўхтамишев** – ўзбек, 1895 йили Туркманистон ССРда туғилган, шу жойда яшаган, 1938 йил 20 январда қамоққа олинган, Туркманистон ССР НКВД ҳузуридаги учлик томонидан 1938 йил 29 январда аксилинқилобий фаолияти учун 10 йилга меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. 1944 йил 14 январда вафот этган.

56. **Жўраев Хол Хомитович –** ўзбек, 1917 йилда Самарқанд области Қизил Москва қишлоғида туғилган, 1946 йил 24 февралда 81-захира ўқчи полкининг Горковец лагерида ҳибсга олинган, Ички ишлар вазирлиги қўшинлар ҳарбий трибунали томонидан 1946 йил 27 апрелда РСФСР Жиноят кодексининг 58–10-моддаси бўйича айбланиб, 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, Вильнюс шаҳридаги турмадан 1946 йил 1 июлда Ухта-Печора лагерига келтирилган, 1950 йил 11 сентябрда озод қилинган.

57. **Зоитов Уста Халил –** ўзбек, 1884 йили Ўзбекистон ССР Балиқчи райони Ёзмачек қишлоғида туғилган, шу жойда яшаган, 1930 йил 14 мартда қамоққа олинган, ОГПУнинг Ўрта Осиё бўйича доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик томонидан 1930 йил 18 мартда РСФСР Жиноят кодексининг 58–10-, 58-11-модалари билан айбланиб, 3 йилга озодликдан маҳрум этилган, 1932 йил 1 ноябрь куни Ухта-Печора лагеридан озод қилинган.

58. **Зокиров Мирсоат** – 1911 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, шу жойда яшаган, 1937 йил 14 августда ҳибсга олинган, 1937 йил 5 ноябрда НКВД бошқармаси қошидаги учлик томонидан аксилинқилобий фаолияти учун 10 йилга озодликдан маҳрум этилган, 1947 йил 14 августда Ухта-Печора лагери Воркута бўлимидан озод қилинган.

59. **Зорин Николай Георгиевич** – 1892 йили Самарқандда туғилган, НКВДнинг Инта лагерида жазони ўтаган, мусиқачи, лагернинг 1-бўлимидаги ҳаммомда ишлаган, 1946 йил 15 июлда ҳибсга олинган, 1947 йил 28 июнда Ички ишлар вазирлиги Меҳнат тузатув лагери махсус лагерь суди томонидан РСФСР Жиноят кодексининг 58–10-моддаси биринчи қисми билан айбланиб, 5 йилга озодликдан маҳрум этилган ва 3 йилга ҳуқуқлари чекланган.

60. **Ибрагимов Фарид Тазлеевич** – 1893 йили туғилган, татар, Татаристон АССР Новая қишлоғидан, 1936 йил 16 февралда Ўзбекистонда ҳибсга олинган, 1936 йил 2 июлда СССР НКВД қошидаги махсус кенгаш томонидан аксилинқилобий фаолиятда айбланиб, 3 йилга озодликдан маҳрум этилган, 1939 йил 15 февралда Ухта-Печора лагери Воркута бўлимидан озод қилинган.

61. **Ибрагимов Холмамад** – туркман, 1913 йилда Эронда туғилган, 1938 йил 10 февралда қамоққа олинган. Туркманистон ССР НКВД ҳузуридаги учлик томонидан аксилинқилобий фаолияти учун 8 йил озодликдан маҳрум қилинган.

62. **Иванов Григорий Евстафьевич** – рус, 1917 йили Чкалов области Бузулук шаҳрида туғилган, Андижон шаҳрида яшаган, 1937 йил 3 ноябрда Олма-ота области НКВД бошқармаси ҳузуридаги учлик томонидан ижтимоий хавфли унсур сифатида 10 йилга озодликдан маҳрум этилган, 1946 йил 1 июлда Инта лагеридан Ухта-Печора лагери Воркута бўлимига келтирилган. 1948 йил 25 сентябрда озод қилинган.

63. **Иминов Қосимохун** – уйғур, 1914 йили Хитойнинг Ношпора шаҳрида туғилган, 1937 йил 15 сентябрда Тошкентда ҳибсга олинган, Ўзбекистон ССР НКВД ҳузуридаги учлик томонидан 1937 йил 21 апрелда ижтимоий хавфли унсур сифатида 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган, 1940 йил 15 сентябрда Ухта-Печора лагери Воркута бўлимидан озод қилинган.

64. **Иминохунов Аҳмадохун** – уйғур, 1905 йили Хитойда туғилган, Ўзбекистон ССР Тошкент шаҳрида яшаган, 1938 йил 18 февралда ҳибсга олинган, 1938 йил 10 апрелда СССР НКВД қошидаги махсус кенгаш томонидан аксилинқилобий фаолиятда айбланиб, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган, 1948 йил 19 февралда Ухта-Печора лагери Воркута бўлимидан озод қилинган.

65. **Исаев Саидамин** – 1909 йилда туғилган, Архангельск области НКВД бошқармаси ҳузуридаги учлик томонидан РСФСР Жиноят кодексининг 82-моддаси бўйича айбланиб, 1938 йил 9 январда отувга ҳукм этилган. Ҳукм 1938 йил 14 апрелда ижро қилинган. Отилган жойи – Новая Ухтарка.

66. **Исломова Раҳима –** ўзбек, 1917 йилда ЎзССР Каттақўрғон райони Алижон қишлоғида туғилган, шу жойда яшаган, 1938 йил 28 январда қамоққа олинган, СССР Олий суди ЎзССР Жиноят кодексининг 14-64-, 67-моддалари бўйича айблаб, 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этган, Ухта-Печора лагерига 1942 йил 13 мартда келтирилган, 1942 йил 18 декабрда озод қилинган.

67. **Исмоилжонов Эгамберди** – ўзбек, 1906 йилда Ўзбекистон ССР Фарғона области Қўқон шаҳрида туғилган, Янгиқўрғон шаҳрида яшаган, 1935 йил 21 февралда қамоққа олинган, СССР НКВД ҳузуридаги махсус кенгаш томонидан аксилинқилобий иғвогарлик фаолияти учун 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган, Тошкент шаҳридаги турмадан Ухта-Печора лагерига 1935 йил 23 августда келтирилган, 1936 йил 24 майда вафот этган.

68. **Йўлдошев Мулла Тожибой –** ўзбек, 1895 йили Ўзбекистон ССР Косон райони Косон қишлоғида туғилган, шу жойда яшаган, 1930 йил 11 июнда қамоққа олинган, ОГПУнинг Ўрта Осиё бўйича доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик томонидан 1930 йил 27 октябрда РСФСР Жиноят кодексининг 58-2-, 58-11-, 59-3-моддалари бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, 1937 йил 4 июлда Волга лагеридан Ухта-Печора лагерига келтирилган, 1938 йил 14 ноябрда озод қилинган.

69. **Йўлдошев Тўрақул** – ўзбек, 1901 йили Ўзбекистон ССР Митан райони Баргин қишлоғида туғилган, шу жойда яшаган, 1933 йил 12 декабрда ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик томонидан 1934 йил 29 мартда ЎзССР Жиноят кодексининг 66-, 67-моддалари бўйича 8 йилга озодликдан маҳрум этилган, 1942 йил 23 майда озод қилинган.

70. **Казлас Александр Петрович** – литвалик, 1899 йили Ригада туғилган, ҳибсга олинган вақтда Самарқандда яшаган, 1935 йил 25 февралда ҳибсга олинган, 1936 йил 7 декабрда СССР НКВД ҳузуридаги махсус кенгаш томонидан аксилинқилобий террорчилик фаолиятида айбланиб, 5 йилга озодликдан маҳрум этилган, 1946 йил 18 апрелда Ухта-Печора лагери Воркута бўлимидан озод қилинган.

71. **Калантарев Моисей Якубович** – яҳудий, 1903 йили Самарқандда туғилган, НКВДнинг Ихто-Ижемск лагерига жазони ўташ учун юборилган, чилангар, лагернинг 12-пунктидаги 1-ферманинг извошчиси бўлиб ишлаган, 1941 йил 22 июлда ҳибсга олинган, 1941 йил 11 сентябрда Коми АССР Олий суди томонидан РСФСР Жиноят кодексининг 58-2-моддаси, 58–10-моддаси 2-қисми, 58-11-моддаси билан айбланиб, олий жазога ҳукм этилган, жазо 1941 йил 2 декабрь куни ижро қилинган.

72. **Каримов Исмоил** – ўзбек, 1898 йили Ўзбекистон ҳудудида туғилган, 1933 йил 13 февралда қамоққа олинган, ОГПУнинг Ўрта Осиё бўйича доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик томонидан ЎзССР Жиноят кодексининг 66-, 166-, 70-10-моддалари билан айбланиб, 10 йилга озодликдан маҳрум этилган, Ухта-Печора лагерига 1937 йил 29 январда келтирилган, 1938 йил 17 мартда вафот этган.

73. **Каримов Абдусамат** – уйғур, 1893 йилда Хитойда, Қошғар вилояти Кўглич шаҳрида туғилган, шу жойда яшаган, 1938 йил 20 февралда қамоққа олинган, СССР НКВДси махсус кенгаши томонидан аксилинқилобий фаолияти туфайли 1936 йил 8 августда 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1943 йил 14 майда вафот этган.

74. **Кац Вера Елизаровна** – рус, 1902 йили Қўқон шаҳрида туғилган, 1937 йил 4 сентябрда Саратов шаҳрида ҳибсга олинган, 1938 йил 15 апрелда СССР НКВДси ҳузуридаги махсус кенгаш қарори билан аксилинқилобий фаолият билан шуғулланганликда айбланиб, 10 йилга озодликдан маҳрум этилган, 1947 йил 3 ноябрь куни Ухта-Печора лагери Воркута бўлимидан озод қилинган.

75. **Кашкомбаев Абубакр** – қозоқ, 1872 йилда Қозоғистон ССР Шарқий Қозоғистон вилоятида

туғилган, шу ерда яшаган, 1937 йил 25 октябрда қамоққа олинган, НКВД бошқармаси учлиги томонидан аксилинқилобий фаолияти туфайли 1937 йил 3 декабрда 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1939 йил 1 декабрда вафот этган.

76. **Клешинский Иван Францевич** – поляк, 1897 йили Австрияда туғилган, 1937 йил 3 ноябрда Фарғона шаҳрида ҳибсга олинган, 1938 йил 2 январь куни СССР НКВДси ҳузуридаги махсус кенгаш томонидан аксилинқилобий фаолиятда айбланиб, 10 йилга озодликдан маҳрум этилган, 1947 йил 3 ноябрь куни Ухта-Печора лагери Воркута бўлимидан озод қилинган.

77. **Қиличев Гопар (Ғаффор – таҳририят) –** ўзбек, 1914 йили туғилган, Ўзбекистон ССР, ишчи-деҳқон қизил армиясида ҳарбий хизматчи, 1942 йилдан ҳарбий асир, 1946 йили Ички ишлар вазирлиги Воркута лагерида текширувчи-фильтрацион лагерида бўлган. Воркута лагери органлари томонидан 6 йил муддат билан махсус посёлкага юборилган, Коми АССР Койгород махсус посёлкасида бўлган. 1952 йил 13 июлда озод этилган. 1996 йил 9 декабрда Ички ишлар вазирлиги томонидан реабилитация қилинган.

78. **Клява Иван Яковлевич** – латиш, 1884 йили Курляндия губернияси Газенпот уезди Батен волостида туғилган, 1937 йили «қамоқдаги ўғли билан алоқа қилганлиги учун» сургун қилиниб, Ўзбекистон ССР Мирзачўл посёлкасида яшаган, 1938 йил 1 февралда яна қамоққа олинган, НКВД Ленинград округи махсус учлиги томонидан 1938 йил 19 октябрда РСФСР Жиноят кодексининг 58-6-9-11-моддалари бўйича олий жазога ҳукм этилган, 1958 йил 28 октябрда Ленинград шаҳрида отилган (Унинг ўғли Арвид Клява жазони Узоқ Шарқда ўтаган).

79. **Ковалев Михаил Иванович** – рус, туғилган жойи Ўзбекистон ССР, Чоржўйда яшаган, 1938 йил 22 январда қамоққа олинган, 1938 йил 31 мартда ЎзССР НКВД ҳузуридаги учлик томонидан ижтимоий зарарли унсур сифатида 5 йил озодликдан маҳрум этилган, 1943 йил 24 январда Ухто-Печоранинг Воркута бўлимидан озод қилинган.

80. **Королев Константин Николаевич –** рус, 1920 йили Тошкентда туғилган, Воркута-Печора меҳнат-тузатув лагерида маҳбус, машинист, МВДнинг Воркута лагери, алоҳида 15-сонли лагер ишчиси, 1950 йил 27 майда қамоққа олинган, РСФСР Жиноят кодекси 58–14-моддаси бўйича 5 йилга озодликдан маҳрум қилган.

81. **Краснов Михаил Ефимович –** рус, 1918 йили Куйбишев областида туғилган, 1937 йил 22 декабрда қамоққа олинган, Ўзбекистон ССР НКВД ҳузуридаги учлик томонидан 1938 йил 2 февралда ижтимоий зарарли унсур сифатида 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, жазони Ухта-Печора лагерининг Воркута бўлимида ўтаган.

82. **Круглов Виктор Анатольевич –** рус, Андижон шаҳрида туғилган, 1944 йили онаси миллий белгига қараб махсус посёлкага кўчирилган, 1997 йил 10 декабрда Новгород областида ички ишлар бошқармаси реабилитация қилган.

83. **Круглова (Шмидт) Лидия Густавовна –** рус, 1931 йил 16 июнда Тошкент шаҳрида туғилган, Андижон шаҳрида яшаган, хизматчи оиласидан, миллий белгига қараб 1943 йили оиласи таркибида сургун қилинган, 1997 йил 10 декабрда реабилитация қилинган (Новгород области ички ишлар бошқармаси).

84. **Қодирқулов Тошмурод** – ўзбек, 1907 йилда Ўзбекистон ССР Зомин райони Пешағор қишлоғида туғилган, шу жойда яшаган, 1936 йил 10 февралда ҳибсга олинган, Ўзбекистон ССР Олий суди томонидан ЎзССР Жиноят кодексининг 78-моддаси бўйича айбланиб, 1936 йил 30 июлда 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Ўрта Осиё лагеридан 1937 йил 12 майда Ухта-Печора лагерига келтирилган. 1939 йил 21 майда вафот этган.

85. **Қосимов Равшан** – ўзбек, 1904 йилда Ўзбекистонда туғилган, шу жойда яшаган, 1937 йил 16 октябрда ҳибсга олинган, Тожикистон ССР НКВДси ҳузуридаги учлик томонидан 1937 йил 10 декабрда аксилинқилобий қўзғолончи ташкилот аъзоси сифатида айбланиб, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган, 1946 йил 2 июлда Ухта-Печора лагери Воркута бўлимида вафот этган.

86. **Қора Мамад Аннаберди ўғли** – туркман, 1908 йилда Туркманистон ССР Гат овулида

туғилган, шу ерда яшаган, 1938 йил 17 январда қамоққа олинган, Туркманистон ССР НКВДси ҳузуридаги учлик томонидан Туркманистон ССР Жиноят кодексининг 58-6-моддаси билан 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1948 йил 17 январда озод қилинган.

87. **Қорабоев Ҳусайн** – қозоқ, 1915 йилда Қозоғистон ССР Семипалатинск шаҳрида туғилган, шу ерда яшаган, 1938 йил 31 мартда қамоққа олинган. Қозоғистон ССР НКВДси ҳузуридаги учлик томонидан ижтимоий хавфли унсур сифатида айбланиб, 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1943 йил 31 мартда вафот этган.

88. **Қувватов Алмат –** ўзбек, 1898 йили Тожикистон ССР Қизилмозор райони Кулисой қишлоғида туғилган, шу жойда яшаган, 1934 йил 25 январда қамоққа олинган, Тожикистон АССР Олий суди 1934 йил майида РСФСР Жиноят кодексининг 58-8-, 58-9-моддалари бўйича 5 йилга озодликдан маҳрум этган, Дмитров лагеридан Ухта-Печора лагерига 1937 йил 9 мартда келтирилган, 1939 йил 14 февралда озод қилинган.

89. **Қулаҳмедов Абдураҳмон –** ўзбек, 1917 йили Чимкент области Сайрам райони Чимкент қишлоғида туғилган, Шимолий темирйўл НКВД лагерида яшаган, маҳбус, 7-бўлим, 1941 йил 10 октябрда Коношада ҳибсга олинган, 1942 йил 13 январда НКВДнинг қўшинлар ҳарбий трибунали томонидан РСФСР Жиноят кодексининг 58–14-моддаси билан судланган. Иш тўхтатилган.[1]

90. **Қулматов Алмат –** ўзбек, 1904 йили туғилган, яшаш жойи Ўзбекистон, 1937 йил 29 октябрда қамоққа олинган, ЎзССР НКВДси ҳузуридаги учлик томонидан 1938 йил 4 февралда аксилинқилобий фаолияти учун 10 йилга меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазони Ухта-Печора лагери Воркута бўлимида ўтаган, 1947 йил 30 октябрда озод қилинган.

91. **Қулмуродов Худойберди –** ўзбек, 1919 йили Ўзбекистон Косон райони Тўлак қишлоғида туғилган, шу жойда яшаган, НКВДнинг Ухта-Печора лагерида маҳбус, платформага ёғоч юклайдиган ишчи, 1942 йил 26 мартда қамоққа олинган, 1942 йили НКВДнинг Шимолий Печора темирйўл магистрали ҳарбий трибунали РСФСР Жиноят кодексининг 58–14-моддаси бўйича 10 йил озодликдан маҳрум қилган.

92. **Қурбонниёзов Ортиқ** – ўзбек, 1897 йили Қорақалпоқ АССР Куйбишев райони Нукус қишлоғида туғилган, шу жойда яшаган, 1934 йил 10 декабрда ҳибсга олинган, Қорақалпоғистон АССР Бош суди томонидан РСФСР Жиноят кодексининг 58–14-моддаси бўйича айбланиб, 1934 йил 10 декабрда 10 йил озодликдан маҳрум қилинган, Ухта-Печора лагерига 1937 йил 6 июнда келтирилган ва 1938 йил 1 июлда вафот этган.

93. **Мавашев Борис Иосифович –** яҳудий, 1922 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган, НКВДнинг Интин меҳнат тузатув лагери (Инталаг)да ишчи, 1943 йил 20 майда қамоққа олинган, 1943 йил 8 августда Коми АССР Олий суди РСФСР Жиноят кодексининг 58–14-моддаси бўйича 10 йилга озодликдан маҳрум этилган.

94. **Мадғозиев Мулла Мансур** – ўзбек, 1887 йили Ўзбекистон ССР Тўрақўрғон қишлоғида туғилган, шу жойда яшаган, 1936 йил 28 февралда ҳибсга олинган, Ўзбекистон ССР Олий суди томонидан 1936 йил 1 августда ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 2-қисми билан айбланиб, 5 йилга озодликдан маҳрум этилган. 1937 йил 4 апрелда Тошкентдаги Ўрта Осиё лагеридан Ухта-Печора лагерига келтирилган, шу жойда 1939 йил 4 январда вафот этган.

95. **Мақсудов Шоёқуб –** ўзбек, 1900 йили туғилган, яшаш жойи Тошкент шаҳри, Коми АССРга сургун қилинган, 1930 йил 22 декабрда қамоққа олинган, ОГПУнинг шимолий ўлка доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик томонидан 1931 йил 7 февралда РСФСР Жиноят кодексининг 58–10-моддаси бўйича 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

96. **Масютин Антон Павлович –** рус, 1904 йили Самара губернияси Матвеевка қишлоғида туғилган, яшаш жойи Ўзбекистон ССР Самарқанд шаҳри, 1935 йил 26 мартда СССР НКВДси ҳузуридаги махсус кенгаш томонидан аксилинқилобий фаолияти учун 5 йилга озодликдан маҳрум этилган, Ухта-Печора лагери Воркута бўлимига келтирилган, 1938 йил 25 июлда шу лагердан озод этилган.

[1] Ўша жойда. – Б.493 – 494.

97. **Маткаримов Абдураҳмон** – ўзбек, 1909 йили туғилган, Қирғизистон ССРнинг Жалолобод шаҳридан, шу жойда яшаган, 1940 йил 25 июлда қамоққа олинган, 1940 йил 27 августда Жалолобод суди РСФСР Жиноят кодексининг 58–10-моддаси бўйича 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этган, Ухта-Печора лагерига 1941 йил 12 февралда келган, 1945 йил 25 июлда озод этилган, реабилитация қилинган.

98. **Маҳкамов Усмон –** ўзбек, 1902 йили Ўзбекистон ССР Каганович райони Яйпан қишлоғида туғилган, тикув фабрикаси директори ёрдамчиси, Қўқон шаҳрида яшаган, СССР НКВДси ҳузуридаги махсус кенгаш томонидан «аксилинқилобий фаолияти учун» 1935 йил 16 июлда 5 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазони Соловецк турмасида ўтаган, НКВД Ленинград бўлими махсус учлиги томонидан РСФСР Жиноят кодексининг 58-8-11-моддаси бўйича 1937 йил 21 ноябрда отувга ҳукм этилган, 1937 йил 8 декабрда отилган.

99. **Махнадзаров (Махматназаров) Ортиқ –** тожик, 1885 йили Бойсун райони Питау қишлоғида туғилган, шу жойда яшаган, НКВДнинг Уствим лагерида маҳбус ишчи, 1941 йил 19 сентябрда қамоққа олинган, 1941 йил 27 сентябрда Коми АССР Олий суди РСФСР Жиноят кодексининг 58–14-моддаси бўйича олий жазога ҳукм қилган, 1941 йил 29 ноябрда жазо ижро этилган.

100. **Машков (Мошков) Владимир Георгиевич –** рус, 1904 йили Фарғона шаҳрида туғилган, НКВДнинг Воркута лагерида маҳбус, инженер қурувчи, ЦЭС қурилиши бўйича 3-районда прораб, 1941 йил 29 ноябрда қамоққа олинган, 1943 йил 13 январда СССР НКВДсининг махсус кенгаши РСФСР Жиноят кодексининг 58–10-моддаси 2-қисми, 58-11-моддаси бўйича 10 йилга озолликдан маҳрум этган.

101. **Маъруфжонов Абдулаҳад** – ўзбек, 1890 йилда Самарқанд округи Хорог районида туғилган, шу ерда яшаган, 1931 йил 15 январда қамоққа олинган. ОГПУ ҳузуридаги учлик томонидан РСФСР Жиноят кодексининг 58-4, ва 11 моддалари бўйича айбланиб, 10 йилга озодликдан маҳрум этилган. Ухто-Печора лагерига 1931 йил 13 июлда келган. 1939 йил 4 мартда озод қилинган.

102. **Маъруфжонов Абдулаҳад –** ўзбек, 1890 йили Самарқанд округи Хорог районида туғилган, шу жойда яшаган, 1931 йил 15 январда қамоққа олинган, ОГПУ ҳузуридаги учлик РСФСР Жиноят кодекси 58-4-моддаси билан 10 йилга озодликдан маҳрум этган, 1931 йил 13 июлда лагерга келтирилган, 1939 йил 4 мартда Ухта-Печора Воркута бўлимидан озод қилинган.

103. **Мелибоев Шокир (ҳужжатда Минибаев)** – 1907 йили туғилган, Архангельск области НКВД бошқармаси ҳузуридаги учлик томонидан РСФСР Жиноят кодексининг 82-моддаси бўйича айбланиб, 1938 йил 4 январда отувга ҳукм қилинган. Ҳукм 1938 йил 4 мартда ижро этилган. Отилган жойи – Новая Ухтарка.

104. **Миржалилов Мирзаҳамдам Маҳмуд –** ўзбек, 1921 йили Тошкент шаҳрида туғилган, НКВДнинг Уствим меҳнат тузатув лагеридаги маҳбус, 1942 йил 19 июнда қамоққа олинган, 1942 йил 19 июлда Коми АССР Олий суди томонидан НКВДнинг Уствим лагерида РСФСР Жиноят кодексининг 58–14-моддаси билан 10 йил қамоқ жазосига маҳкум этилган, 2 йил сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган. 1942 йил 25 декабрда иккинчи марта қамоққа олинган, НКВД Уствим лагери оператив бўлими 1942 йил 31 декабрда РСФСР Жиноят кодекси 58–14-моддаси бўйича айблаган, тергов жараёнида вафот этган.

105. **Мирзаев Саъдулла –** ўзбек, 1892 йили Ҳамза қишлоғида туғилган, Бухоро округида яшаган, 1930 йил 11 мартда ҳибсга олинган, 1930 йил 16 апрелда ОГПУнинг Ўрта Осиё бўйича доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик РСФСР Жиноят кодексининг 58–10-моддаси 2-қисми билан айблаб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этган, Ухта-Печора лагерига 1932 йил 7 декабрда келтирилган, 1933 йил 18 ноябрда озод қилинган.

106. **Муллабоев Мирбарот** – ўзбек, 1897 йили Олма-ота области Кўктоб қишлоғида туғилган, Семипалатинск областида яшаган, 1939 йил 11 сентябрда қамоққа олинган, Қозоғистон ССР НКВДси қўшинлар ҳарбий трибунали РСФСР Жиноят кодекси 58-6-, 84-моддалари бўйича 1940 йил 14 сентябрда 15 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган, 1941 йил 15 мартда Чимкент шаҳридаги турмадан Ухта-Печора лагерига келти-

рилган, 1943 йил 19 февралда вафот этган. 1999 йил 4 мартда Қозоғистон Республикаси бош ҳарбий прокуратураси томонидан реабилитация қилинган.

107. **Мўминов Акром** (бошқа исми **Мўмин Хўжа, Пирназаров Абдулла**) – ўзбек, 1910 йили Тошкент шаҳрида туғилган, шу жойда яшаган, 1928 йил 8 сентябрда қамоққа олинган, 1929 йил 4 ноябрда ОГПУ коллегияси РСФСР Жиноят кодексининг 58–6-, 77-, 82-моддалари бўйича 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этган, Тошкентдан Ухта-Печора лагерига 1930 йил 1 январда келтирилган, 1936 йил 12 июнда озод қилинган.

108. **Муродил Абдуваҳоб (махсус учлик баённомасида Абду Ваҳоб Муроди) –** ўзбек, 1901 йили Тошкент шаҳрида туғилган, партиясиз, Берлин шаҳрида Пруссия олий қишлоқ хўжалиги мактабини битирган, агроном, ОГПУ коллегияси 1931 йил 25 апрелда РСФСР Жиноят кодексининг 58-3, 10-моддалари билан отув ҳукмини 10 йил меҳнат тузатув лагерига ўзгартирган, жазони Соловкида ўтаган, Ленинград области НКВД махсус учлиги 1937 йил 9 октябрда Карелия АССР (Сандармох)да олий жазога ҳукм этган.

109. **Мусахонов Ғафуржон** – ўзбек, 1892 йили Тошкент шаҳрида туғилган, шу жойда яшаган, 1929 йил 6 декабрда қамоққа олинган, ОГПУ коллегияси 1931 йил 55 апрелда РСФСР Жиноят кодексининг 58–4-, 58–10-моддалари бўйича отувга ҳукм қилган, кейин 10 йил қамоқ жазосига ўзгартирилган. 1931 йил 19 июнда Тошкент шаҳар маҳбуслар уйидан Ухта-Печора лагерига келтирилган, 1939 йил 31 январда озод этилган.

110. **Муҳаммадиев Содиқ** – тожик, 1890 йили Бухоро шаҳрида туғилган, Сталинобод шаҳрида яшаган, 1933 йил 21 октябрда қамоққа олинган, ОГПУ коллегияси 1934 йил 27 мартда РСФСР Жиноят кодексининг 58-7-, 58-11-моддалари билан 8 йилга озодликдан маҳрум этган, 1934 йил 11 июлда Вологда шаҳридаги маҳбуслар уйидан Ухта-Печора лагерига келтирилган, 1942 йил 19 июнда озод қилинган.

111. **Набиев Абдураҳмон** – ўзбек, 1917 йили Ўзбекистон ССР Самарқанд райони Хўжасод қишлоғида туғилган, НКВДнинг Печора лагери 4-колонна 2-бўлими маҳбуси, 1942 йил 28 сентябрда ҳибсга олинган, 1942 йил 27 декабрда СССР НКВДнинг ҳарбий қўшинлари трибунали Шимолий Печора темирйўл магистрали қурилиш бошқармаси РСФСР Жиноят кодексининг 58–14-, 59-3-моддалари билан айблаб, 10 йилга озодликдан, 5 йилга сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этган.[1]

112. **Нижевенко Леонид Семенович –** рус, 1909 йилда, Ўзбекистон ССР, Каттақўрғон районида туғилган, Ички ишлар вазирлиги Шимолий Печора лагери маҳбуси, 1949 йил 16 мартда қамоққа олинган, 1949 йил 20 июнда Ички ишлар вазирлиги меҳнат тузатув лагери махсус лагерь суди томонидан РСФСР Жиноят кодексининг 58-11-, 58-2-моддалари бўйича айбланиб, 5 йилга озодликдан маҳрум этилган.

113. **Нижевенко Леонид Семенович** – рус, 1909 йили Ўзбекистон ССР Каттақўрғон шаҳрида туғилган, Ички ишлар вазирлиги Шимолий Печора лагери маҳбуси, 1949 йил 16 мартда ҳибсга олинган. 1949 йил 20 июнда Ички ишлар вазирлиги «АН» меҳнат тузатув лагерининг махсус лагерь суди томонидан РСФСР Жиноят кодексининг 58–2-, 58–11-моддалари билан айбланиб, 5 йилга озодликдан маҳрум этилган.

114. **Норинов Равшан** – ўзбек, 1913 йили Тожикистон ССР Кўктош районида туғилган, Тожикистоннинг Қизилмозор райони Тананги қишлоғида яшаган. 1933 йил 17 январда ҳибсга олинган. ОГПУнинг Ўрта Осиё бўйича доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 64–78-моддаси бўйича айблаб, 10 йил озодликдан маҳрум этган. Ухта-Печора лагерига 1936 йил 29 апрелда келтирилган. Лагердан 1946 йил 28 мартда озод қилинган.

115. **Норинов Равшан –** ўзбек, 1913 йили Тожикистон ССР Кўктош районида туғилган, 1933 йил 17 январда қамоққа олинган, ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик Ўзбекистон СССР Жиноят кодексининг 64–, 78-моддалари билан 10 йил озодликдан маҳрум этган, лагерга 1936 йил 29 апрелда кел-

[1] Ўша жойда. – Б.568.

тирилган, 1946 йил 28 мартда Ухта-Печоранинг Воркута бўлимидан озод қилинган.

116. **Нургатуров кўса Ҳожи –** ўзбек, 1866 йили туғилган, Қирғизистон АССР Бозорқўрғон районида яшаган, 1930 йил 18 мартда қамоққа олинган, ОГПУ коллегияси томонидан 1930 йил 13 апрелда РСФСР Жиноят кодексининг 58–2-, 58–10-моддалари билан айбланиб, 3 йилга озодликдан маҳрум этилган, Ухта-Печора лагерига 1930 йил 16 июнда келтирилган, 1932 йил 2 ноябрда озод қилинган.

117. **Нусратов Ибод** – ўзбек, Бухоро шаҳридан, ОГПУ томонидан РСФСР Жиноят кодекси 58–10-моддаси билан айбланиб, 3 йилга озодликдан маҳрум этилган, 1933 йил 31 июлда Ухта-Печора лагеридан озод қилинган.

ный халат. В тот же день Бухарские гости посетили также редакцию газеты «Правда», при чем А.Юсуф-заде просил передать от имени трудящихся Бухары приветствие секретарю редакции М.И.Ульяновой.

Много сил вложил А.Юсуф-заде в социально-экономическое и культурное развитие Бухарской Республики, умело использовав все рычаги организации помощи и сотрудничество со стороны РСФСР и СССР. Благодаря его энергичной деятельности Краснопресненский район города Москвы стал шефствовать над Бухарой, они обменовались делегациями. А.Юсуф-заде написал книгу под названием «Бухара», которая



Абдураҳим Юсуфзода аёли Ойимчахон ва ўғли Фотиҳ билан. Москва, 1924



ГРАМОТА.

Дана сия гражданину Бухарской Народной Советской Республики

АБДУРАХИМ-ХАН-ЮСУФ-ЗАДЕ

в том, что в знак признания его выдающейся деятельности по закреплению тесной дружбы между Бухарскими трудовыми массами и Красной Армией борющейся за счастье Бухарского Народа и его плодотворных забот о нуждах Красных бойцов.

Революционный Военный Совет 13 стрелкового корпуса приподносит ему почетный боевой подарок

ВИНТОВКУ

настоящая грамота является удостоверением на право ношения и хранения оружия-трех линейной винтовки №57125. которая как дарственная, ни конфискации, ни даже временному отобранию не подлежит.

Революционный Военный Совет 13 арм. корп.

Командир корпуса

Член

В сентябре 1924 года 5-Всебухарский курултай Советов провозгласил БНСР – Бухарской Советской Социалистической Республикой. В этой связи А. Юсуф-заде 3 октября 1924 года был принят наркомом иностранных дел СССР Г.В.Чичериным. В те же дни из Бухары в Москву прибыла чрезвычайная делегация Бухарской ССР. 4 октября она посетила редакцию газеты «Известия» для вручения пожертвования ленинградскому пролетариату. После ознокамления с отделами редакции А.Юсуф-заде вручил для передачи отсутствовавшему по болезни редактору Стеклову дар делегации-националь-

была издана в 1924 году Краснопресненской типографией, она служила первоисточником для ознакомления с жизнью и бытом Бухары, рассказывала о положении подшефной Бухарской Республики.

Кипучая деятельность А.Юсуф-заде в Москве нашли свои отражения во многочисленных архивных документах. Приводим некоторые из них:

Нам в свое время приходилось участвовать во Всесоюзной научной конференции, посвященной 70-летию Бухарской революции. На одном из её заседаний был поднят вопрос о необ-

Копия.

О Т З Ы В :

Дан ячейкой Р.К.П. при государственном фарфоровом заводе "Изолятор" - члену указанной ячейки тов. ЮСУФ-ЗАДЕ, полномочному представителю БУХАРСКОЙ С.С.Р., в том, что при его содействии и тесной связи с нашим заводом была завязана связь с широкими массами Бухарского народа, вылившаяся в взятии шефства Красно-пресненским районом над БУХАРСКОЙ С.С.Р.

В этой работе тов. ЮСУФ-ЗАДЕ принимал самое активное участие и содействие, почему и удалось на деле осуществить смычку рабочих Москвы с народами далекой БУХАРЫ,- и кроме того ЮСУФ-ЗАДЕ принимал самое активное участие в ячейке завода "Изолятор", где несколько раз выступал перед рабочими на общих собраниях.

№ 140

11/XI-1924г. Секретарь ячейки /подпись не разборчива/

С подлинным верно:

Секретарь С.К.К. /Куватов/

---

ПОЛНОМОЧНОЕ ПРЕДСТАВИТЕЛЬСТВО БУХАРСКОЙ НАРОДНОЙ СОВЕТСКОЙ РЕСПУБЛИКИ — В — Р. С. Ф. С. Р.

По части ...

... 1924

г. МОСКВА

Телеф. № ...

В НАЗАРАТ ПРОСВЕЩЕНИЯ.-

ПОЛНОМОЧНОЕ ПРЕДСТАВИТЕЛЬСТВО БУХАРСКОЙ НАРОДНОЙ СОВЕТСКОЙ РЕСПУБЛИКИ в Москве препровождает Вам дубликат накладной Ср.Аз.ж.д. за № 088317, на отправленные Вам книги для Бухарского Университета, в количестве 10 мест-20п.30ф.н. - 340 килограмм;

Кв. № 111133, на 89 коп. за местный сбор и накладную, а также кв. № 431 на 2р.50к. за гужевую доставку книг до станции жел.дороги и расписка №-5422 на 3р.-извозщика з подвоз груза на городскую станцию.-

ПОЛНОМОЧНЫЙ ПРЕДСТАВИТЕЛЬ БНСР в Москве /Юсуф-Заде

СЕКРЕТАРЬ



ПОЛНОМОЧНОЕ ПРЕДСТАВИТЕЛЬСТВО БУХАРСКОЙ НАРОДНОЙ СОВЕТСКОЙ РЕСПУБЛИКИ В Р.С.Ф.С.Р.

Из числа общей

Июля 26 1924 г.

№ 2949

В НАЗАРАТ ПРОСВЕЩЕНИЯ

Копия ГОСТОРГУ БНСР.-

Препровождая при сем копию протокола Совещания по организации Бухаро-Русского Кино Товарищества, просим Вас в скорейшем порядке приступить к исполнению вытекающих из задач Т-ва обязательств по взносу соответствующих денежных сумм.

Для Вашего сведения сообщаем, что нашим Уполномоченным для работы в Русско-Бухарском Кино Т-ве назначен Зав.Эконом. Отделом тов. ШАТУНОВСКИЙ.-

ПОЛНОМОЧНЫЙ ПРЕДСТАВИТЕЛЬ БНСР в Москве /Юсуф-Заде/

СЕКРЕТАРЬ



Заключение

по делу увеличения п/пенсии т. Юсуп-Заде - получающему 200 р. в м-

Характеристика дела: т. Юсуп Заде - 1880 г. рождения, ч/ партии 1918 года. - до 1917 г. учителем. В 1912 г. участвовал в организации «Младо-бухарцев» до 1917 г. был арестован бух. правительством откуда был освобожден русскими революционерами 1918 г. В 1919 г. - Председатель Чардж. Исполкома, затем Нар. Ком. Юстиции в Бухаре. Является старым деятелем в Бухаре, много известен т. Файзулле Ходжаеву. Работал активно по [illegible] в [illegible] районе. В данное время болен [illegible]. Имеет семью из 6 душ.-

Предложение. Принимая во внимание исключительные заслуги т. Юсупзаде пред революцией - п/пенсию ему увеличить до 250 р с 1 мая 34 г.

prawsajuz
ПРОМСОЮЗ
__________ 192 г.
№ 1037
гр. Самарканд
samarqand

14

Удостоверение.

Дано сие тов. ЮСУП-ЗАДЕ в том, что он действительно с 6-го Октября 1927 г. по 2о-е Мая 193о г. состоял на службе в Узпромсоюзе в должности Секретаря узбекской части с последующим исполнением обязанностей Зав.Общим Отделом.

Уволен со службы ввиду болезненного состояния на основании постановления врачебной комиссии.-

Возложенные на тов.Юсуп-Заде обязанности исполнял аккуратно.-

Председатель Правления

---

19

Российская Социалистическая
Федеративная
Советская Республика.

Народный Комиссариат
по
Иностранным Делам.
Секретариат Коллегии.
3" ______ 1924 г.
№ —
МОСКВА.
Телефон № 5-21; 2-82-00 доб. 82
и В. Комут. Кремля.

**Служебная записка.**

Согласно распоряжения Наркома по Иностранным Делам тов. ЧИЧЕРИНА и Секретаря Цик тов. ЕНУКИДЗЕ просьба допустить пред,явителя сего делегата Бухарской Народной Советской Республики тов. ЮСУФ - ЗАДЕ к Дому Союзов для встречи тела тов. ЛЕНИНА.

Секретарь тов. ЧИЧЕРИНА /СУВОРОВ/

ОСНОВАНИЕ:Телефонные переговоры с т. ЕНУКИДЗЕ



ئوزبیکستان ئیجتماعی شورالار جومهوری
خلق کمیسارلری شوراسینینگ
رئیسی.

УЗБЕКСКАЯ
Советская Социалистическая
РЕСПУБЛИКА.
РЕДСЕДАТЕЛЬ
СОВЕТА
АРОДНЫХ КОМИССАРОВ.
№ 278

5 Января 1930 г.

Тов. ЮСУП-ЗАДЕ.

По Вашей просьбе подтверждаю:

I) мне известно, что Вы в I9I9 году действительно состояли сотрудником Совета Интернациональной Пропаганды в качестве литературного переводчика;

2) в сентябре I920 года Вы были назначены Зам. Пред. Ревкома в Чарджуе;

3) в I920 году после приезда из Чарджуя были назначены назиром земледелия Бухреспублики;

4) в I92I году Вы были назначены представителем БНСР в Афганистан.

(ФАЙЗУЛЛА-ХОДЖАЕВ)

2-СТ
-30 г.



ПОЛНОМОЧНОЕ ПРЕДСТАВИТЕЛЬСТВО
БУХАРСКОЙ НАРОДНОЙ СОВЕТСКОЙ РЕСПУБЛИКИ
— В —
Р. С. Ф. С. Р.
По части общей
Июля 19 дня 1924
г. МОСКВА
Телеф. №

В НАРОДНЫЙ НАЗАРАТ ПРОСВЕЩЕНИЯ.-

Настоящим ПОЛНОМОЧНОЕ ПРЕДСТАВИТЕЛЬСТВО считает своим долгом сообщить, что прибывший в Москву, в служебную командировку Ваш Представитель тов. Кары БАСЫТ наилучшим образом выполнил все возложенные на него поручения, произвел закупку необходимых учебных пособий и материалов, наладил прочные связи с Издательством " Народов СССР" и получил возможность издания лучших произведений по истории Бухары и Туркестана для трудящихся БНСР.

Сообщая о вышеизложенном, ПОЛПРЕДСТВО выражает полное удовлетворение по поводу

н/обороте



Ком,ячейка
№ 56.
Госуд.Фарфор.З-да
"Изолятор"
№ 126
Ноября 8. дня
1923 г.
С.Успенск.-
Тел.I-76-84.-

УДОСТОВЕРЕНИЕ.

Выдано настоящее Уполномоченному Представителю Бухарской Советской Социалистической Союзной Республики Чл.Р.К.П./б/т.Ю С У П – ЗАДЕ в том, что Он состоит Почетным Членом Ячейки Р.К.П./б/ и Почетным Членом Заводского комитета, Государственного Фарфорового З-да "И З О Л Я Т О Р".

Что подписями и печатью Завкома удостоверяется.-

Член Бюро Ком,ячейки:-

...м:-

С... ...чейки:-



КОМИССИЯ ПО ШЕФСТВУ КРАСНО-ПРЕСНЕНСКИХ РАБОЧИХ И РАБОТНИЦ НАД ТРУДЯЩИМИСЯ СОВЕТСКОЙ БУХАРЫ

ПОЛПРЕДУ БУХАРЫ тов. ЮСУФ-ЗАДЕ.

В своей работе с Июня по Ноябрь месяц 1924 года Комиссия по шефству над Бухарской Республикой всегда встречала с ВАШЕЙ стороны теплое сочувствие и товарищеское содействие.

Вы поддерживали связь с Районной Шефской Комиссией, идя навстречу запросам Комиссии или ее отдельных Представителей.

За братскую связь с нами, за помощь в работе ТОВАРИЩЕСКОЕ СПАСИБО Вам от Комиссии по шефству Красной Пресни над БУХАРОЙ.-

КОМИССИЯ ПО ШЕФСТВУ НАД БУХАРОЙ

(следуют двенадцать подписей)



mehnət çədvəli

ТРУДОВОЙ СПИСОК

laqavь
Фамилия

ismi
Имя

atasьnьŋ ismi
Отчество

„mehnət məsələlər" nəşrijatьnьŋ orta asьja mərkəzi taqsьmatь.

Издательство „Вопросы Труда"
Ср.-Аз. Центр. Распределитель

taşkent—1929
Ташкент—1929

Ф-т А5
145×210

Узб.-рус. язык.



ymymij məʼlymatlar

ПЕРВЫЙ РАЗДЕЛ
ОБЩИЕ ДАННЫЕ

| ВОПРОС | ОСНОВАНИЯ | Отм. |
|---|---|---|
| Год рождения | | |
| millati / Национальность | | |
| ijtimaij ahvali / Социальн. положение: işci 1) Рабочий, dehqon 2) Крестьянин, hьzmətci jakij 3) Служащий или 4) | | |
| øz øzidən savadlьqь 0) Самообразование, past 1) Низшее, orta məktən tamam qьlmaqan 2) Незаконч. среднее, ortaca 3) Среднее, alьj məktən tamam qьlmaqan 4) Незаконч. высшее, alьj 5) Высшее | | |

kelgysidəgi taʼlimatlar

ПОСЛЕДУЮЩИЕ СВЕДЕНИЯ

| vaqьt / Дата | øzgəriş / ИЗМЕНЕНИЕ | asas / ОСНОВАНИЯ | Отм. |
|---|---|---|---|
| | | | |



birinci qism
ymymij mə'lymatlar

ПЕРВЫЙ РАЗДЕЛ
ОБЩИЕ ДАННЫЕ

varaqə san
Лист №

| № | savai ВОПРОС | asas ОСНОВАНИЕ | bilg Отм | vaqtь Дата | ezgəriş ИЗМЕНЕНИЕ | asas ОСНОВАНИЕ | bilg Отм |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 5 | kəsəb Профессия: | учитель | | | | | |
| | hьzmətdə turuvcьlьq ... jьl со стажем 17 лет | с 1912 года | | | | | |
| 6 | fьrqasьz 0) Беспартийный, в. k. (в) f. a'zasь 1) Член ВКП(б), в. k. (в.) f. kandidati 2) Кандидат ВКП(б), в. l. k. j. u. a'zasь 3) Член ВЛКСМ. | Член ВКП(б) с 1918 г. билет № [illegible] | | | | | |
| 7 | kəsəbə ujuşmada turmajman 0) В профсоюзе не состою, kəsəbə ujuşma a'zasь 1) Член профсоюза 192 jьl ... dən с ... / ... 192 года | Состою в [illegible] с 1920 г. [illegible] | | | | | |
| 8 | hərbij ryjixatda turmajman 0) На военном учете не состою, həj'ətdə 1) ... состава guryhda ... dərəçədə ... группа ... катег. | Нет | | | | | |

tə'limat beryvcinin ьmzasь
Подпись лица, давшего сведения:
192 jьl ... da ... 192 г.



ikinci qism
hьzmətdən etkənlik toqrusьda mə'lymatlar

ВТОРОЙ РАЗДЕЛ
ДАННЫЕ О ПРОХОЖДЕНИИ СЛУЖБЫ

varaqə san
Лист №

В хронологической последовательности указывать: зачисления, назначения, ...рения, награждения, наказания и взыскания, связанные с про... увольнения, освобождения от должности, выполнения особых заданий, прохождением службы (судебные и административные), отпуска

| № | vaqtь ДАТА jьl Год | aj Мес. | kun Чис. | qьlьnqan iş ФАКТ | asas ОСНОВАНИЕ | qoşьmcalar Примечания |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | | | 3 | 4 | 5 |
| | с 1892 по 1905 г. | | | Учился в Андижане и Бухаре | | |
| | с 1905 по 1917 г. | | | Преподавателем восточных языков в Бухарском медресе „Мазор-Бай" | | |
| | с 1917 г. | | | за агитацию против Эмира в Бухаре был арестован, откуда сбежал в Ташкент. | | |
| | с 1918 г. | | | учителем в Ташкенте в 56-й школе | | |
| | с 1920 г. | | | На агитационной работе в Бухарском и Чарджуйском вилоятах | | |
| | с 1922 г. | | | Назир Земледелия БНСР | | |
| | | | | [illegible] в Андижане | | |



ƟZ. Ь. Ş. Ç.
xalq kəmisərlər şorasьnьŋ işlər mydirijjəti
УзССР
УПРАВЛЕНИЕ ДЕЛАМИ
Совета Народных Комиссаров
Отдел..................................... şo'bə

10 « Июня 1930 г. № 27/15-2418

samarqand şəhəridə
гор. Самарканд,
Бульвар Всеобуча.

НКСобез УзССР

тов. МАВЛЯНБЕКОВУ.

При сем посылается Вам заявление тов. ...ЗАДЭ с резолюцией Пред.СНК тов. Ф.ХОДЖАЕВА - для исполнения.

ЗАМ.СЕКРЕТАРЯ
Совета Народных Комиссаров
УзССР (СОКОЛОВ)

БЮРО ЖАЛОБ И ЗАЯВЛЕНИЙ (ЗАХИРОВ)

...КОМИССАРИАТ
...ОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ
« 20 » Июня 1930 г.
№ 1326



ходимости реставрации памятников истории, исскуства и культуры Бухары. На страницах газеты «Советская культура» было опубликовано письмо от имени 32 народных депутатов СССР (в их числе такие знаменитые люди как академик А.Сахаров, поэт Расул Гамзатов, космонавт В.Терещенко и др.) на имя Верховного Совета СССР с просьбой на уровне центральной власти решить вопрос о реставрации исторических памятников Бухары. Узнав об этом, невольно вспомнили, что такое начинание было предпринято нашим земляком родом из Андижана Абдурахимом Юсуф-заде в Москве в далеком 1924 году.

В архиве обнаружили докладную записку профессора, архитектора М.Я.Гинзбурга, адресованной Председателью Совета Народных Назиров Бухарской Республики. Приведем эту докладную записку:

«Согласно договора заключенного мною по Вашему распоряжению, а также по согласованию с Назиром Народного Просвещения в Туркестанской Комиссией по Охране памятников страны и искусств, настоящим предлагаю нижеследующий план работ:

Т/В ст. Бухаре, располагающей очень большим количеством древнейших исторических и художественных памятников старины и искусства штатными единицами от 3 человек, примерно в следующем виде:

1. Заведующий отделом Охраны архитектурных памятников.

2. Заведующий музеем.

3. Секретарь – делопроизводитель.

Желательно, чтобы указанный штат был набран из постоянного местного населения и на его обязанности должно лежать непрерывное наблюдение за сохранением памятников и своевременный проведением исполнение всех необходимых для этого мер.

2. Помимо указанного постоянного штата у целях целесообразного исполнения поставленной задачи, ежегодно на срок от 3-х и 4-х месяцев, в Бухару приезжает специальная рабочая группа, состоящая из 5 специалистов, опытная в целях охраны, для охраны для выполнения самой сложенной и ответственной работы, по примеру организуемой мною в настоящее время.

3. По предварительному осмотру Бухарских архитектурных памятников, а также по согласованию с Назиром Народного Просвещения мною выделено в первую голову нижеследующая группа важнейщих архитектурных памятников:

1/ Мечеть Султана Исмаила
2/ Медресе Улуг Бек
3/ Абдул Азис
4/ Соборная мечеть
5/ Мечеть Кульдаш
6/ Надир диван Баги
7/Фатх аббат /могила Шайх-Уль Аллам/
8/ Абдулла хана
9/ Матери Абдула хана
10/ Хыябан
11/ Мир-Араб
12/ Намозгох
13/ Усыпальница Сайфутдина Бахрбай
14/ Минорет смерти
15/ Чашми Аюб
16/ М. Калабат
17/ М. Чар-Мунар

Означенные 17 памятников имеющие чрезвычайно важное историческое и художественное значение должно быть переданы в ведении организуемой комиссии по охране памятников старины и искусства. Необходимо проведение специального декрета, согласно которого помимо Комиссии никакие переделки, ремонты и реставрации производится не могут, в целях предотвращения каких либо ошибок или искажения подлинного облика памятников.

Все перечисленные памятники под моим наблюдением будут сейчас научно зарегестрированы и зафотогрофированы. При чем будут произведены по отношению к ним предварительные архитектурные обмеры технический осмотр и составлены на основания этого подробные смета, которая позволяет и продолжение зимнего периода провести их через все необходимые инстанции, согласовать их

с Главмузеем СССР для того чтобы в будущий сезон можно было бы уже непосредственно приступить к производству реставрационных работ.

4/ Помимо перечисленного списка памятников, могила Эмира Балян Кулихан в Фатх Абат, как памятник чрезвычайно в художественно-историческом отношении и техническое состояние которого таково, что он еще в этом году может окончательно разрушится, выделяется особо. Считаю необходимом в виду чрезвычайно опасного технического состояния его немедленно приступить к неотложимым реставрационнам работам. Схема реставрации и смета будет мною предоставлено дополнительно.

5/ Помимо вышеуказонного пологаю необходимом попутно вести предварительную регистрацию в фотографирование остальных памятников. Ст. Бухары и окрестностей, а так же в некоторых других важнейших городов Бухарской Республики.

6/ Парралельно в указанного работами пологаю необходимо немедленно приступить к научной системизации и разстановке собранного Назиратом Просвещения музейного материала, а так же пополнению его с тем уже через 2-3 месяца можно было произвести открытие музея. Таковое открытие пологаю необходимым для популяризаций идей музейного дела в широких народных массах туземного населения, что облегчит дело дальнейшего расширения музея.

7/ В целях рационального выполнения указанного в первых шести пунктах, считаю необходимом следующее:

1/ Немедленное предоставление находящего помещения, годного для размещения музея для расположения необходимых рабочих помещений / чертежной и фотографической лаборатории для временного жилья рабочей группы.

2/ Предоставление в моё распоряжение имеющегося в назирате просвещение фотографа не для снимания, а лишь для проявления и печатании снимков.

3/ Предоставление право пользования фоэтоном или верховыми лошадьми.

Немедленное ассигнование нижеследующей суммы:

1/ Жалование мне и двум ближайщим помощникам, согласно заключенного договора... ..................650р. Х. З. мес. 1950 р.

2/ Жалование двум младшим сотрудникам которых необходимо выписать из Москвы 250 руб. Х 2 мес, 500 р.

3/ Закупке в Москве необходимого фотографического и чертежного оборудования, которое сможет быть привезено моими помощниками...............................650 р.

4/ Приезд на 2-3 недели архитектора ЗАСЫПКИНА и его 2-х помощников, которых вследствие работы сейчас в Самаркандской Комиссии по Охране памятников старины можно использовать с наибольшими затратами, для помощи в производстве наиболее спешных и ударных работ..................500 р.

5/ Поездки для обследования отделенных памятников, а также в других городах Бухарской Республики.

6/ Обратная дорога в Москву, согласно договора около.........................................400 р.

---

ИТОГО.........................4600 р.

В случае немедленного ассигнования указанной суммы намечаемый план работ может быть выполнен вполне успешно».[1]

1 августа 1924 года был заключен договор между доктором наук, профессором архитектуры М.Я.Гинзбургом и А.Юсуф-заде. М.Я.Гинзбург с группой специалистов приехал в Бухару и начал реставрацию 28 памятников. Но дело не завершилось, так как уже в конце 1924 года было проведено национально-государственная размежевание, а в феврале 1925 года образовалось Узбекская ССР со столицей в Самарканде, а Бухара стало областным центром.

Абдураҳим Юсуфзода 51 ёшида саломатлиги оғирлашиб, ногирон бўлиб қолди. Унга нафақа тайинлашди. Қўлимизда унинг Ўзбекистон Республикаси Марказий Ижроия Комитети раиси

[1] Ўзбекистон Миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 90-иш, 21 – 23-варақлар.

П О Д П И С К А

15 Октября 1924г. Ст. Бухара

Я, нижеподписавшийся, профессор М.Я.Гинзбург, даю сию подписку Народному Назарату Просвещения Бухреспублики в том, что я согласно предложенного договора с Наркпросом Б.С.С.Р. обязуюсь в[illegible] полученный материал обработать в Москве и по исполнении сдать [illegible] и систематическом порядке в Бухконсульство в Москве для пере[illegible] в Наркпрос.

I. В число работ входит акварельные, зарисовки, планы ф[illegible]фии следующих памятников.

1. Мозар Султана Исмаила
2. Улуг Бек
3. Абдул Азис
4. Мачит Калян
5. Минорет матчите калян
6. Кукольдаш
7. Мечеть Надир Диван Беги
8. Мадр. " " "
9. Оратх абот. Биян Кули хан
10. - " Ма Сейфутд. Борхдары
11. Абдулла хан
12. Мадерихан
13. Хы-абан
14. Мир араб
15. Накагга×
16. Чешмэ-Аюб
17. Коль абот
18. Ходжа-Зайнет Дин
19. Чар бакр /если будет устроена посадка туда/
20. Богаудин
21. Маюк аттори
22. Маюк урпа
23. Зин-Дан
24. Мич. поянда
25. Хоноко и Болехаця
26. Мечеть Болан /по дороге в Богаудин/
27.
28. Частные дома узбеков
29

Йўлдош Охунбобоевга ёзган аризаси. Уни ўзбек тилида айнан келтирамиз:

**«Ушбу билан сизларга шуни маълум қиламанки, мен 1912 йилдан бошлаб 1917 йилгача Бухоро яширин ташкилотида Бухоро амирлигига қарши кураш олиб бордим. 1917 йилдан 1924 йилга қадар ўрток Файзулла Хўжаев билан ҳамкорликда Бухоро Халқ Республикасининг турли лавозимларида хизмат қилдим. 1924 йилдан 1930 йилгача ЎзССРда ҳам кучим борича ўз малакамга лойиқ турли лавозимларда ишладим.**

**Сўнгги вақтларда оғир касалликни бошдан кечириб, саломатчилигим издан чиқиб, ишлаш қобилиятини йўқотдим. Қўл ва оёқларим кучли оғриқ, ревматизмдан қалтирайдиган бўлиб қолди. Эшитишдан ҳам маҳрум бўлдим, секин гапларни эшита олмайман, кўзим заиф, кўзойнаксиз кўра олмай қолдим. Даволаниш мумкин бўлмайдиган даражада асаб ва ўпка касаллигига йўлиқдим... Бундай сурункали касалликларнинг барчасига қарамай, мен сўнгги вақтларгача хизмат қилдим. Ҳозирги пайтда эса бу хасталик мени мутлақо йиқитди.**

**Юқоридагилардан келиб чиқиб ўзимизнинг доҳийларимизга мурожаат қилиб, менинг носоғломлигимни эътиборга олиб бошқа биродарларимиз қатори доимий, умримнинг охиригача нафақа билан таъминлашингизни сўрайман. Умид қиламан ва ишонаманки, сизларнинг виждонингиз 51 ёшли меҳнатга лаёқатсиз, ҳаёт кечиришнинг ҳар қандай воситасидан маҳрум бўлган, бошпанасиз қолган мендек биродарингиз илтимосини эътиборсиз қолдиришга йўл қўймаса керак.**

**Ушбуга илова қилиб таржимаи ҳолимни тақдим этмоқдаман.**

**Биродарларча салом деб Юсуфзода».**[1]

Бундан Файзулла Хўжаев ҳам бохабар эди. Шу боис аризани ижобий ҳал этиш ҳақида Файзулла Хўжаев Марказижроқўм раиси Йўлдош Охунбобоевга ҳам оғзаки, ҳам ёзма равишда топшириқ берган. Масала ижобий ҳал қилинган. 1930 йил 15 июнда 150 сўм миқдорида республика аҳамиятига молик шахсий нафақа тайинланган. Кўп ўтмай нафақа 200 сўмга оширилган. Нафақа белгилаш ҳайъати ўз хулоса тавсияномасида А.Юсуфзоданинг 1912 йилдаёқ «Ёш бухороликлар» партиясига асос солишдаги иштироки, амир истибдодига қарши кураши, Бухорода олиб борган маърифий, инқилобий, хориждаги дипломатик фаолияти, Файзулла Хўжаев билан ҳамкорликда қилган эзгу ишлари қайд этилган. Унинг саломатлиги оғирлашгани, қарамоғида 6 жон борлиги эътиборга олиниб нафақа миқдори 250 сўм қилиб белгиланган. У 1936 йил 22 мартга қадар республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер сифатида айрим имтиёзлардан баҳраманд бўлган. Аммо 1936 йил 22 мартда Самарқанд шаҳридаги Карл Маркс кўчасидаги 85-уйдан хаста Абдураҳим Юсуфзода қамоққа олинади, 4 ой тергов қилинади. Ўзбекистон ССР Олий суди махсус ҳайъатининг кўчма сессияси Абдураҳим Юсуфзоданинг 190-сонли жиноий ишини кўриб чиқади, суд йиғилиши яширин шароитда олиб борилиб, 5 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилади. Жазо муддати 1936 йил 22 мартдан ҳисобланган. Унга шахсий нафақа бериш 1936 йил 4 июлдан тўхтатилган. 6 жондан иборат оиласи ягона таъминот манбаидан маҳрум этилади. Унинг ўғиллари Фотиҳ ва Улуғбеклар ёш бола бўлиб, мактабда ўқишган, онаси, аёли ва қизлари ҳам ишлаш имкониятига эга эмас эди. Абдураҳим Юсуфзоданинг ўзи Тоштурмага олиб кетилганди. Маҳбус А.Юсуфзода 1937 йил 11 апрелидан 14 октябрига қадар ҳибсхонанинг махсус камераларида бир неча бор сурункасига тергов қилинади. Оғир бетоблигига қарамай, терговчининг саволларига жавоб беришга мажбур қилинган. Қуйида 1937 йил 20 июлда ЎзССР НКВД Давлат хавфсизлик бошқармаси 4-бўлими 4-шўъбаси бошлиғи, Давлат хавфсизлиги комитети катта лейтенанти Лацис томонидан олиб борилган тергов баённомасини ўзбек тилида келтирамиз:

**Савол:** Сиз фуқаро Мукомил Бурҳоновни кўпдан бери биласизми ва у билан муносабатингиз қандай?

[1] Ўзбекистон Миллий архиви, 96-фонд, 4-рўйхат, 1805-иш, 2 – 6-варақлар.

**Жавоб:** Мен Бурҳонов Мукомилни инқилобгача бўлган даврдан бери биламан, у билан муносабатим яхши, биз ҳар доим дўстлик алоқаларимизни мустаҳкам тутганмиз.

**Савол:** Мукомил Бурҳоновнинг «Миллий иттиҳод» ташкилотига дахлдорлиги тўғрисида ва унинг бу аксилинқилобий миллатчи ташкилотнинг аъзоси сифатидаги фаолияти ҳақида айтиб беринг.

**Жавоб:** 1932 йили мен Бурҳонов хонадонида бўлганман. Мукомил Бурҳонов менга қуйидагиларни айтиб берган: Мен Тошкент шаҳрида 1919 йили бўлганимда Мунавварқори Абдурашидхонов билан мулоқотда бўлганман, у мени аксилинқилобий миллатчи ташкилот «Миллий иттиҳод»га тортган. Қуръон олдида мен «Миллий иттиҳод» ташкилоти топшириғи билан фаол иш олиб боришга қасамёд қилганман. Менинг зиммамга аксилинқилобий миллатчи ташкилотга янги аъзоларни тортиш бўйича иш олиб бориш вазифаси юклатилган. Мен Каттақўрғонда биринчи ташкилотга асос солдим, кейинчалик Бухоро амирлиги ағдарилгач, Бухорога келганимдан сўнг Бухорода «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий миллатчи ташкилотига бир қанча кишиларни тортдим.

**Савол:** Сизга Мукомил Бурҳонов айни кимларни «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий миллатчи ташкилотига тортишни айтганмиди?

**Жавоб:** Бурҳонов «Миллий иттиҳод»га янги аъзоларни жалб этиш асосий вазифа ҳисобланганини айтган, Бурҳонов аксилинқилобий ташкилотга жалб этилган қатор шахсларни айтган, ҳозирда мен уларнинг исм-шарифларини эслай олмайман.

**Савол:** Мукомил Бурҳоновнинг Германияга бориб келиши сабаблари ҳақида кўрсатма берсангиз.

**Жавоб:** 1922 йили даволаниш мақсади билан Германияга борган Мукомил Бурҳонов Файзулла Хўжаевнинг энг яқин кишиси бўлган ва ўзининг даволаниши кераклигини важ қилиб Файзулла Хўжаев билан хорижга кетган.

**Савол:** Файзулла Хўжаев ва Мукомил Бурҳоновларнинг Германиядаги сиёсий фаолияти ҳақида сизда нималар бор?

**Жавоб:** 1923 йили мен БХСРнинг Москвадаги СССР давлатидаги доимий вакили этиб тайинландим. Бу вақтда Бурҳоновдан иш қоғозларини олганман. Шу вақтда Бурҳонов Берлинда бўлганларида Файзулла Хўжаев билан биргаликда Германия газетаси мухбирларига интервьюлар берган, бундан ташқари, уч-тўрт марта Германия ҳукуматидаги вакиллар билан махфий учрашган. Бу учрашувлар улар жойлашган меҳмонхонада бўлган, улар шу жойда яшардилар. Бу учрашувларда Файзулла Хўжаевдан ташқари бухороликлардан Мукомил Бурҳонов, Абдувоҳид Бурҳонов ва Олимжон Идрислар бўлишган. Бу учрашувлардаги суҳбатлар мазмуни Германия ҳукумати билан яхши муносабатлар ўрнатиш, Бухоро Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлаш бўйича ҳамкорлик муносабатларини, савдо бўйича ўзаро муносабатларни ўрнатиш ҳақида бўлган.

**Савол:** Мукомил Бурҳонов аксилинқилобий мухожират билан учрашганми?

**Жавоб:** Мукомил Бурҳоновнинг менга айтишича, у ва Файзулла Хўжаев Германияда бўлганларида Берлинга хориждаги эмигрантлардан, Бухородаги аксилинқилобий раҳбарлардан Носир Ҳакимов келган, Мукомил Бурҳонов ва Файзулла Хўжаев Носир Ҳакимов билан учрашганлар, ҳатто Файзулла Хўжаев Носир Ҳакимов эмиграцияда бўлганидан норозилик билдирган ва Бухородаги миллатчи ходимларнинг камчиликларидан қониқмаётганини изҳор этган. Носир Хўжаев Файзулла Хўжаев билан келиша олмаган ва ўзининг мухожирликда юришини мақсадга мувофиқ деб билган.

**Савол:** Берлинда Бухородаги аксилинқилобий миллатчи «Миллий иттиҳод» ташкилотининг филиали ҳақида кўрсатма берсангиз.

**Жавоб:** Мукомил Бурҳонов мен билан суҳбатда Туркия ва бошқа мусулмон мамлакатларда миллатчи ташкилот «Иттиҳоди ислом»нинг фаолияти яхшилигини айтгани ҳолда Германия хусусида тўхталиб, Мукомил Бурхонов менга Берлинда турган Абдувохид Бурхонов ва Олимжон Идрис томонидан Бухородаги аксилинқилобий миллатчи ташкилот - «Миллий иттиход»нинг филиали очилганини, бу филиал

ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўйганини айтган:

Германияда турган мусулмон миллатчи ходимларни бирлаштириш.

Туркия, Афғонистондаги аксилинқилобий мухожирлик билан Бухородаги миллатчи арбоблар ўртасидаги ўзаро алоқани амалга оширишга эришиш.

Германияда яшаётган бухоролик ўқувчиларни шу қадар миллатчилик руҳида тарбиялаш керакки, оқибатда улар Германиядан қайтганларидан кейин совет ҳокимиятига қарши кураш олиб борувчи миллатчи ходимлар тайёрлашлари лозим.

**Савол:** Сўнгги вақтларда Мукомил Бурҳонов қандай антисовет фаолият олиб бормоқда?

**Жавоб:** Мукомил Бурҳонов эътиқодли буржуа миллатчисидир, унинг барча суҳбатлари «Мустақил Ўзбекистон» ғоясини оммалаштиришга йўналтирилган, моҳиятан миллий буржуа давлатига эга бўлишни мақсад қилган, бир вақтнинг ўзида у совет ҳокимиятининг душмани ҳамдир, унинг сўзи билан айтганда, кофирлардан иборат бу ҳукумат ўзбекларни эзмоқда. Мен аниқ қуйидаги далилларни келтираман:



**Шоҳрух Холботиров (1890 – 1938)**

1. 1931 йил январь ойида Самарқанд шаҳрида Холботиров Шоҳрух[1] квартирасида йиғилиш бўлиб, унда мен Юсуфзода ва Бурҳонов иштирок этдик. Умумий суҳбат жараёнида Мукомил Бурҳонов совет ҳокимиятининг пахта мустақиллиги учун кураш тадбирларини шармандали тарзда масхара қилди ва шундай чақириқ қилди: Совет ҳокимияти бошқарув аппаратига овсар ва безориларни қўйдиларки, улар деҳқонларга шу қадар зулм қилмоқдаларки, оқибатда уларни ўлим ёқасига олиб келишмоқда.

2. 1935 йил февраль ойида мен Самарқанд шаҳрида Бурҳонов квартирасида бўлдим. Суҳбат давомида Мукомил Бурҳонов шундай деди: «Мухаррам» – мусулмончасига янги йил, католикчасига «Воскресенье», шунда катта уруш бўлади, СССРга қарши Япония ва Германия туради, совет ҳокимияти ағдарилади ва шунда яхши бўлади, шу билан бирга, Япония ва Германия СССРга нисбатан техник жиҳатдан кучли, биз шу урушни кутишимиз керак.

**Савол:** Мукомил Бурҳоновнинг «Қизил партизан» билети олгани ҳақида кўрсатма беринг.

**Жавоб:** Бурҳонов Мукомил ҳеч қачон «Қизил партизан» билетини олган эмас ва «Қизил партизан» билетини алдов йўли билан Файзулла Хўжаевнинг тавсияси билан олган. Бундай ҳолатдан ташқари шундай воқеа юз берган: 1918 йили ёш бухороликларнинг инқилобий қисми Колесов отряди билан Бухоро амирига қарши чиққан. Шу воқеа туфайли Мукомил Бурҳонов уларни сотқин деб атаган, русларга сотилган «аблаҳ кофирлар» деб атаган.

**Савол:** БХСР даврида давлат бойликларининг Мукомил Бурҳонов томонидан ўғирланганини сизга маълумми?

**Жавоб:** Бухоро Халқ Совет Республикаси даврида Мукомил Бурҳонов МИҚ раиси ва ўринбосари бўлган амир амалдорларининг мусодара қилинган барча бойликлари Марказий Ижроия Комитети тасарруфида бўлган. Бундан Мукомил Бурҳонов фойдаланган, энг қимматбаҳо бойликлар ва буюмларни ўзига олган. Шахсан мен ўғирланган бойликларни, қимматбаҳо гиламлар, стол устида турадиган олтин соатлар, катта миқдордаги ипакли матолар ва бошқа зеб-зийнатларни кўрганман. Хусусан, Мукомил Бурҳоновда ерга кўмилган сандиқдаги тиллалар бўлган. Бурҳонов ёш бухоролик сифатида қочиб кетганидан сўнг бу бойликлар Бурҳонов уйида хизмат қилаётган амир амалдорлари қўлида қолиб кетган.

[1] Қатағон қурбони Шоҳрух Холботировнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қаранг: Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар… – Б.207 – 220.




**Абдураҳим Юсуфзоданинг 1936 йил 22 мартда Самарқанд шаҳри Карл Маркс кўчасидаги 85-уйдан қамоққа олинган пайтда терговчилар томонидан олинган сурати. Бу сурат унинг жиноят ишлари бўйича ишига тиркаб қўйилган. Бу иш ҳозирда Ўзбекистон Давлат хавфсизлик хизмати архивида сақланмоқда.**

Мендан ёзиб олинганлар ҳақидаги баённома тўғри, менга ўқиб берилди».[1]

ЎзССР НКВДси ҳузуридаги учликнинг 1937 йил 14 октябрдаги йиғилишида Давлат хавфсизлиги бошқармаси 4-бўлими бошлиғи Лацис тақдим этган 615-сонли иш бўйича биргина Бухоро шаҳридан қуйидаги 17 нафар миллий раҳбар ходимлар олий жазога ҳукм қилинганлар: Алимов Муинжон – 1890 йили туғилган Бухоро шаҳридан, Хўжаев Ота Пўлатович – 1880 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, Саиджонов Мухторжон – 1893 йил туғилган, Бухоро шаҳридан, Хўжаев Саттор – 1898 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, Ёқубзода Наимжон – 1890 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, Бурҳонов Мукомил – 1889 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, Бурҳонов Муҳаммад – 1897 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, Мукомилов Абдурашид – 1901 йили туғилган, Туркманистон ССР Керки райони Бакир қишлоғидан, Бурҳонов Масхар – 1876 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, Музаффаров Раҳматулла – 1898 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, Хўжаев Хамра – 1892 йили туғилган, Самарқанд шаҳридан, Абдусаидов Аҳмаджон Махсум – 1877 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, Хўжаев Порсо – 1877 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, Абдуллаев Абдулла Абдуллаевич – 1878 йили туғилган, Доғистондан, Бурҳонов Мисбах Мазайилович – 1905 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, Юсуфзода Абдураҳим – 1880 йили туғилган, Андижон шаҳридан.[2]



**Хўжаев Порсо**

Орадан 28 йил ўтиб, 1965 йил 22 сентябрда ЎзССР Олий суди Жиноий ишлар бўйича суд коллегияси ўша мудҳиш учликнинг 1937 йил 14 октябрда 17 нафар ўзбек истиқлолчилари ҳақида чиқарган ҳукмини бекор қилди, улар фаолиятида жиноят таркиби йўқлигини исботлади. Уларнинг барчаси, жумладан, Абдураҳим Юсуфзода ҳам оқланди.

Қатағон қурбони бўлган бу ватандошларимиздан бирортасининг номи ҳозиргача абадийлаштирилмаганини эътиборга олиб улар номи ҳеч бўлмаганда кўчалар, хиёбонлар, мактаб ва муассасаларга қўйилса адолатдан бўлур эди. Бу ҳақда Андижон ва Бухоро вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари тегишли чоралар кўришига умид қиламиз.

[1] Ўзбекистон Давлат хавфсизлик хизмати архиви, П-31922-фонд, 199 – 201-варақлар.

[2] Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари. Иккинчи китоб. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б.181 – 184.

# РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ЮРТДОШЛАР

Дилшод Хомидов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мустабид совет режими даврида қатағон қилинган Ўзбекистон фуқароларининг аянчли тақдирини ўрганиш ва уларнинг босиб ўтган шонли ҳаёт йўли ва фожиасини очиб бериш, бу жабрдийда юртдошларимизнинг номини абадийлаштириш тўғрисидаги ғоя, фикр, кўрсатмалари амалга оширилмоқда. Бунинг ёрқин мисолларидан бири 2021 йил 25 август куни мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор бир гуруҳ қатағон қурбонларининг жиноят ишлари Олий суд раиси ўринбосари Икром Муслимов раислигида ўтказилган очиқ суд мажлисларида кўриб чиқилиши бўлди. Натижада Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасига асосан жами 6 жиноят иши бўйича 115 нафар шахс оқланди.

1918 – 1934 йилларда мустақиллик учун, истиқлол учун курашган юртимиз фарзандларининг қаҳрамонона, фожиали ҳаёт йўлини ўрганишимиз, улар ҳақидаги бор ҳақиқатни рўёбга чиқаришимиз лозимдир. Биз, тарихчилар, архив ҳужжатларини ўрганаётганимизда фақат ғолиб томоннинг – Қизил Армиянинг фаолиятини ёритиб, мағлуб томон бўлган «босмачилар»нинг фаолияти ҳақида сўз юритмадик. «Босмачилар» билан боғлиқ асосий архив ҳужжатлари Москва ва Санкт-Петербург архивларида сақланмоқда. Қўрбошилар эса ўз ҳужжатларининг асосий қисмини Ватанни тарк этганларида хорижга олиб кетишган. Бу ҳужжатлар ҳозир АҚШ, Туркия ва Покистонда сақланмоқда. Уруш қатнашчиларининг 50-йилларда нашр қилинган хотиралари ўша даврдаги коммунистик мафкуранинг тазйиқи билан тайёрланган бўлиб, унда воқеалар бузиб кўрсатилган.

Юқорида таъкидланган архив ҳужжатлари ва юртимиз тарихшунослиги учун янги материалларни қидириб топиш мақсадида 2001 йили Андижон шаҳрида «Мерос» илмий-амалий халқаро экспедиция жамоат фонди ташкил этилган. «Мерос» фонди ва Андижон давлат университети «Ўзбекистон тарихи» кафедраси ходимлари томонидан Россия Федерацияси Федерал хавфсизлик хизмати архиви (Архив Федеральной службы безопастности Российской Федерации – АФСБРФ), Россия ижтимоий-сиёсий ташкилотлар тарихи давлат архиви (РГАСПИ), Россия давлат ҳарбий архиви, Украина, Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон архивлари, Ҳиндистон, Покистон, Миср, Буюк Британия, Саудия Арабистони, АҚШдаги кутубхоналарда сақланаётган манбалар юртимизга олиб келинган. Ушбу мақолада Россия ижтимоий-сиёсий институтлар тарихи давлат архивида сақланаётган тарихий маълумотлар асосида 13 нафар юртдошимиз тақдири ҳақидаги маълумотларни биринчи бор эълон қилмоқдамиз.

1929 йилнинг 23 ноябрь куни Андижон округи Наманган уезди Тўрақўрғон қишлоғида Ўзбекистон ССР Олий суди Жиноий-судлов коллегиясининг сайёр сессияси мажлиси бўлиб ўтади. Суд мажлисига Хаспулатов раислик қилади, Абдураҳмонов ва Турғун Эгамбердиевлар халқ маслаҳатчилари сифатида иштирок этадилар.

«Нусха»

Ҳ У К М

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси номидан, 1929 йил 19 – 23 ноябрь, Ўзбекистон ССР Олий суди Жиноий-судлов коллегияси сайёр сессияси. Раислик қилувчи Хаспулатов,

халқ маслаҳатчилари Абдураҳмонов ва Турғун Эгамбердиевлар бўлган. Судда Наманган участкаси прокурори Эгамбердиев ва жамоатчи қораловчи – Андижон округи партия комитети тарғибот ва сиёсий ташвиқот бўлими мудири Худойбердиев, ҳимоячи тарафидан Андижон коллегияси аъзолари: Кўрпибоев, Сўфиев ва Нишонбековлар иштирокида Тўрақўрғон қишлоғидаги очиқ суд мажлисида Андижон округи Косонсой райони Косон қишлоғи фуқароларини айблаш бўйича иш кўриб чиқилади. **Каримхонов Яҳёхон**, 42 ёшда, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган, бой, ер-сув ислоҳотида ери мусодара қилинган, муқаддам судланмаган, саводли; **Бўтабоев Абдусамад**, 54 ёшда, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган, бой, диний уламо ва савдогар, ер-сув ислоҳоти даврида 19 таноб ери давлат ихтиёрига мусодара қилинган, муқаддам судланмаган, саводли; **Бўтабоев Абдулҳамид**, 48 ёшда, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган, бой ва савдогар, ер-сув ислоҳоти даврида 24 таноб ери давлат ихтиёрига мусодара қилинган, муқаддам судланмаган, саводли; **Бойбобоев Мулла Уста Пўлат**, 54 ёшда, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган, ер-сув ислоҳоти даврида 20 таноб ери давлат ихтиёрига мусодара қилинган, муқаддам судланмаган, саводли; **Мадалихўжаев Парпихон**, 61 ёшда, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган, бой ва савдогар, саводли, ер-сув ислоҳотида ери мусодара қилинган, оч қолганларга ёрдам кўрсатиш комиссиясининг раиси бўлган вақтида жамият маблағларини талон-торож қилишда айбланиб 1925 йили судланган, 1 йил муддатга шартли равишда ҳукм қилинган, муддатидан олдин озод қилинган; **Мадалихўжаев Бобохон**, 56 ёшда, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган, бой, ер-сув ислоҳоти даврида 20 таноб ери давлат ихтиёрига мусодара қилинган, муқаддам судланмаган, саводли; **Эшонхўжаев Соттихўжа**, 54 ёшда, камбағал деҳқон, маҳалла комиссиясининг раиси, муқаддам судланмаган, чаласавод, партияга аъзо бўлмаган; **Тиллабоев Абдужалол**, 37 ёшда, саводли, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган, собиқ эшон, муқаддам судланмаган; **Қосимбоев Мамажон Афанди**, 58 ёшда, саводли, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган, собиқ диний уламо, муқаддам судланмаган; **Мадаллихўжаев Абдуллахўжа**, 32 ёшда, чаласавод, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган, савдогар, муқаддам судланмаган; **Абдужалилов Абдусамад**, 26 ёшда, чаласавод, камбағал деҳқон, Қилич қишлоғидан, партиясиз, муқаддам судланмаган; **Мадалиев Исмоил**, 48 ёшда, чаласавод, камбағал деҳқон, Қилич қишлоғидан, партиясиз, муқаддам судланмаган; **Каримхонов Маматхон**, 19 ёшда, чаласавод, келиб чиқиши Косондан, бой, айбланувчи Яҳёхоннинг укаси, ўғрилик қилгани учун муқаддам судланган. Бу 13 кишидан 10 нафари ЎзССР ЖКнинг 14–58-моддаси, қолган 3 нафари ЎзССР ЖК 58-моддасида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланганлар.

Суд тергови маълумотларида Косонсой районида фаолият кўрсатувчи аксилинқилобий қуролли босмачилик гуруҳи ишчи ва деҳқонлар ҳокимиятига қарши қўзғолон кўтариб феодаллар ва капиталистлар ҳокимиятини тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлиги, қишлоқдаги социалистик секторга зарба бериб, бир қатор давлат ва кооператив ташкилотларга қарши босқинчилик ҳаракатларини содир этиб маҳаллий аҳолини ҳам, алоҳида партия ва ижтимоий соҳа вакилларини ҳам қўрқувга солиб, 1929 йил 4 октябрь куни эрталабки 9 да қўрбоши Мадумар ва гуруҳнинг ғоявий раҳнамоси Носирхон тўра бошчилигида Косон шаҳрига ҳужум қилганлиги, гуруҳ фаолиятига бой табақа вакиллари, давлатдан норози бўлган «қулоқ»лар ва диний хизматчилар хайрихоҳ бўлиб келишгани, шунинг учун юқорида кўрсатилган тоифадаги одамлардан иборат бўлган гуруҳ аъзоларига турли хил ёрдам кўрсатиб, уларни совет ҳокимиятига қарши курашни давом эттиришга ундаганлари қайд этилган.

Суд ҳужжатида кўрсатилишича, 100 кишидан ортиқ гуруҳ юқорида кўрсатилган вақтда ўзларининг келганларини билдириш мақсадида милтиқларидан осмонга ўқ узиб Косон бозорига кириб келганлар. Улардан қўрққанлар яширинганлар, маҳаллий аҳоли вакилларидан: Каримхонов Яҳёхон, Эшонхўжаев Соттихўжа,

Бойбобоев Мулла Пўлат, Бўтабоев Абдусамад, Бўтабоев Абдулҳамид, Мадалихўжаев Парпихон, Мадалихўжаев Бобохон ва Мадалихўжаев Абдуллахўжалар «босмачилар» таркибига қўшилганлар. Улар «босмачилар»га «Ширкат» ўртоқлик кредит жамияти, Ўзбекбирлашув ташкилотининг кооператив савдо дўконлари ва аёллар буюмлари билан савдо қилинадиган дўконларга йўл кўрсатганлар. Бу инсонлар «босмачилар» сафининг олд қаторида юриб, уларни ислом динининг ҳимоячилари сифатида мақташиб, уларнинг шарафига дуо қилишган.

Икки соатдан сўнг гуруҳ Косондан чиқиб кетган. Улар йўлда косонлик Тиллабоев ва Қосимовларнинг олдида тўхтаганлар. Улар «босмачилар»ни қовун билан меҳмон қилганлар ва камбағалларнинг устидан шикоят қилишиб, камбағаллар уларнинг масжидларини тортиб олаётганлари, бунинг натижасида улар учун намоз ўқийдиган жой қолмаганидан шикоят қилганлар. Бу ишлари билан улар «босмачилар»ни кейинги босқинчиликларга ундаганлар.

Гуруҳ Косондан кетаётган пайтда унинг таркибига косонликлардан бир неча шахс: Абдужалилов Абдусамат, Мамадалиев Исмоил ва Каримхонов Маматхон қўшилганлар, кейинчалик улар ҳам қўлга олинганлар. Улар «босмачи»лик гуруҳи таркибида антисовет элементларнинг вакили бўлиб қишлоқ ва колхозларга қарши уюштирилган босқинчилик ва ҳужумларда иштирок этганлар. Улардан Абдужалилов босмачиларнинг Косонга ҳужум қилган кунлари ҳибсга олинган, бунга унинг аёллар кооператив дўконидаги талон-торож билан машғул бўлиши, «босмачилар»нинг асосий гуруҳидан ортда қолиши сабаб бўлган. Мамадалиев эса Мадумарнинг гуруҳи таркибида 14 кун бўлган. Улар билан биргаликда босқинчилик ва қотилликларда иштирок этган, тоғ шароитида оёғига тақа қоқилмаган отларда юриш имконсиз бўлганлиги учун гуруҳга тегишли отларга тақа қоқтириш учун Косонга келган вақтида қўлга олинган. Каримхонов Маматхон босмачиларнинг Косондаги ишларида фаол қатнашган ва босмачилар сафида 7 кун бўлгач, совуқ тушганлиги туфайли иссиқ кийимларини олиб келиш учун Мадумардан уйга бориб келишга рухсат сўраган, бироқ Парамон қишлоғида қизил аскарлар томонидан қўлга олинган. Уларнинг барчаси қуролсиз қўлга олинган, чунки қишлоқда якка ҳолда қурол билан ҳаракатланиш қишлоқларда ҳарбий гарнизонлар борлиги учун қийин эди.

Шуни қайд этиш керакки, Эшонхўжаев ижтимоий ҳолатига кўра камбағал деҳқон бўлишига қарамай, қишлоқда бойларнинг ёрдамчиси ҳисобланган, доимий равишда совет ҳокимиятига қарши тарғибот олиб борган ва маҳалла комиссиясининг раиси сифатида ўз маҳалласидаги камбағалларнинг сиёсий ва маданий ривожланишига тўсқинлик қилган, бундан ташқари, унинг акаси Мадумарнинг гуруҳи таркибида фаол босмачи ҳисобланган. Айбланувчилар Абдужалилов ва Мадалиевлар бой ва диний хизматчиларнинг вакиллари бўлиб, босмачиларнинг босқин ва талон-торожларида қатнашганлар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб: 1) Каримхонова Яҳёхон ва 2) Эшонхўжаев Соттихўжа, 3) Бойбобоев Мулла Пўлат, 4) Бўтабоев Абдусамад, 5) Бўтабоев Абдулҳамид, 6) Мадалихўжаев Парпихон, 7) Мадалихўжаев Бобохон ва 8) Мадаллихўжаев Абдуллахўжа босмачиларнинг аксилинқилобий гуруҳига Косон шаҳрига ҳужум қилган кунида ёрдам беришда, 9) Тиллабоев Абдужалол ва 10) Қосимбоев Мамажон босмачиларни босқинчилик фаолиятини давом эттиришга ундаб, уларга камбағалларнинг ҳаракатларидан шикоят қилганликда, 11) Абдужалолов Абдусамад, 12) Мамадалиев Исмоил ва 13) Каримхонов Маматхонлар Мадумар гуруҳининг сафида босмачи сифатида иштирок этишда, босқинчилик ва қотилликларда, яъни ЎзССР ЖК 58-моддасида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилиб, улар устидан қуйидаги ҳукм чиқарилган: Каримхонов Яҳёхон, Бўтабоев Абдусамад, Абдулҳамид Бўтабоев, Бойбобоев Мулла Уста Пўлат, Мадалихўжаев Парпихон, Мадалихўжаев Бобохон, Эшонхўжаев Соттихўжа, Мадалихўжаев Абдуллахўжа, Тиллабоев Абдужалол, Қосим-

боев Мамажон, Абдужалолов Абдусамад, Мамадалиев Исмоил, Каримхонов Маматхоннинг барча бойликлари мусодара қилинсин ва совет ҳокимиятининг душманлари сифатида отувга ҳукм қилинсин.

Ҳукм қатъийлиги ва унинг устидан шикоят қилиш мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Ҳужжатнинг асл матнида зарур шахсларнинг имзолари қўйилган:

Ўрта Осиё ҳарбий округи ҳарбий трибуналининг катта секретари имзолаган. Ҳукм ЎзССР Марказий Ижроия Комитетининг буйруғи билан амалга оширилиши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон ССР Олий суди судьяси Хаспулатов Аштернинг Наманган шаҳридан Ўрта Осиё ҳарбий округи ҳарбий трибуналининг раисига 1929 йил 23 ноябрда йўллаган 331-сонли «Мутлақо махфий» грифи қўйилган хатида шундай ёзилган:

«Сизга 269-сс сонли хабарнома билан маълум қилган босмачиликнинг фаол иштирокчилари ва ёрдамчиларидан иборат 13 кишининг Косон иши билан боғлиқ жараён Тўрақўрғон қишлоғидаги очиқ суд иши билан якунланди. 13 нафар айбланувчининг барчаси отувга ҳукм қилинди. Бу ҳақда бугуннинг ўзидаёқ телеграф орқали ЎзССР МИҚ, Олий суд ва республика прокурорларини хабардор қилдим. Суд жараёни 19 – 23 ноябрь кунлари амалга оширилди. Суд иши қишлоқдаги очиқ майдонда ўтказилди. Тўрақўрғон қишлоғи диний уламолар, бойлар ва қўрбоши Дадабоевнинг қароргоҳи жойлашган қишлоқ бўлиб, бу қишлоқ босмачилик авж олгани билан хавфли бўлгани учун менинг ихтиёримга битта пулемёти билан кавалерия эскадронининг 17 отлиқ аскари ва битта пулемёти билан 20 пиёда аскар ажратилди.

Бу жараён аҳоли жуда кўп қатнашган ҳолда амалга ошди ва суд ишини ҳар куни бир неча марта аҳоли талаби билан тўхтатиб туришга мажбур бўлинди, ҳар куни барча районлардан судга байроқлар ва плакатлар билан ташриф буюрдилар, улар судга судланувчиларни қаттиқ жазолаш сўралган қишлоқ йиғинларининг қарорларини топширдилар. Бизнинг бу суд мажлисимиз барча камбағал батракларни босмачиликка қарши курашга сафарбар қилди, уларни бу ишга руҳлантирди. Улар суд мажлисини кузатишлари натижасида совет ҳокимияти меҳнаткашларнинг душманлари билан курашишга тайёр эканига ишонч хосил қилдилар. Улар буни суд мажлисидаги чиқишлари давомида очиқ айтдилар, чунки улар босмачилар томонидан қаттиқ қўрқувга туширилганликлари сабабли совет ҳокимиятининг кучига шубҳа қилаётган эдилар. Паранжисини ташлаган барча аёллар қишлоқларда, ҳатто Наманган шаҳрида ҳам яна паранжи ёпинишаётган эди. Наманган районида қўрбоши Мирвали гуруҳи фаолият олиб бормоқда ва мен Ғалча қишлоғида Мирвалининг ёрдамчилари устидан ўтказиладиган суд ишида ҳам иштирок этишим керак. Наманган районида қўрбоши Мирвали ўз гуруҳи билан фаолият кўрсатмоқда ва яқин кунларда унинг ёрдамчилари устидан ўтказиладиган суд мажлисида иштирок этиш учун Ғалча қишлоғига боришим керак...

Қўрбоши Мадумар 10 йигити билан 21 ноябрь куни таслим бўлди, мен уларни ГПУ идорасида кўрдим.

23 ноябрдан 24 ноябрга ўтар кечаси, яъни суд якунлангандан кейин Ёртепа қишлоғига 10 та қуролли босмачи ҳужум қилди. Улар кооперативни талаб, қишлоқ ўқитувчиси ва миробни ўлдирдилар. Ёртепа қишлоғи суд иши ўтказилган жой, яъни Тўрақўрғондан 3 верст[1] узоқликда жойлашган.

Тўрақўрғондаги гарнизон, ҳукм эълон қилингандан сўнг алоҳида жойларда чиқишлар бўлиши мумкинлиги ҳақидаги огоҳлантиришимга қарамай, фурсатни бой берди, ҳатто гарнизон жойлашган ердан 3 верст масофадаги жойга босмачилар ҳужум қилишиб талон-торож ва қотилликлар содир этдилар».

Мазкур хат Ўрта Осиё ҳарбий округи ҳарбий трибуналининг секретари Костюшко томонидан аслига тўғри деб имзоланган.

[1] Верст – масофа ўлчов бирлиги, 500 саржин ёки 1500 аршинга тенг (ҳозирги 1066,9 метрга тенг, XVIII асрдаги ислоҳотга қадар 1066,781 метр бўлган). Верст ўлчов бирлиги масофа ўлчов бирлиги сифатида фойдаланишдан чиқиб кетган бўлса-да, унинг 1 километрга яқинлиги замонавий оғзаки нутқда сақланиб қолишига сабаб бўлган.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар суд ҳукмидан кўчирмалар бўлиб, бу суд иши материаллари ҳозирда Ўзбекистон миллий архивида 1714-фонд – Ўзбекистон Олий суди фондининг 5-рўйхат 334-йиғма жилдида сақланмоқда. Лекин бу йиғма жилд «махфий» бўлгани учун тадқиқотчиларга ўрганиш учун берилмай келинди. Бу йиғма жилдни «махфий»лик тамғасидан чиқариш мақсадида биз профессор Р.Т.Шамсутдинов билан биргаликда аввал Ўзбекистон Миллий архиви директори ўринбосарига оғзаки, кейинчалик эса Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига ариза билан мурожаат қилдик.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди
раиси Камилов Козимджан Фазиловичга
Андижон давлат университети Ўзбекистон
тарихи кафедраси докторанти Д.И.Хомидовдан

АРИЗА

Мен Хомидов Дилшодбек Илҳомжон ўғли Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедрасида 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи ихтисослиги бўйича таянч докторантурада ўқийман. Мен томонимдан илмий тадқиқот олиб борилаётган диссертация мавзуси «Туркистон мухторияти халқ маорифи вазири Носирхонтўра Камолхонтўраевнинг ҳаёти ва тақдири»дир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 15 июнь куни Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази қуриладиган ҳудудга ташриф буюрганида: «Ҳамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин бизнинг мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказа билишимиз керак», – деб жуда тўғри таъкидлаган эди. Юртбошимиз мустақиллик тараққиётининг янги босқичида барча соҳаларда жуда кенг миқёсли ўзгаришларни амалга оширмоқда. Жумладан, архивларда махфийлик тамғаси остида сақланаётган, лекин ошкор қилиниши миллий хавфсизлигимиз, мустақиллигимизга таҳдид солмайдиган, асосан Россия империяси ва совет мустамлакачилигининг халқимиз бошига солган оғир кунларини ёритувчи кўплаб ҳужжатлардан фойдаланиш ишлари бошланди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги ПФ-5834-сонли «Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига кўра, 2020 йил 1 июнгача давлат архивларида сақланаётган 1917 йилгача бўлган архив ҳужжатларининг ўрнатилган тартибда махфийликдан чиқарилиши белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 сентябрдаги «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4820-сон қарори 1-иловаси «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича «йўл харитаси»нинг 14-бандида «Иккинчи жаҳон уруши даврига оид архив ҳужжатлари нусхалари ва маълумотларни белгиланган тартибда махфийликдан чиқариб, «Шон-шараф» давлат музейи фондига топшириш» мутасадди идоралар олдига муҳим вазифа қилиб юклатилган.

Мен ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги «Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши ижросини таъминлаш бўйича Андижон давлат университетида тузилган ишчи гуруҳ аъзоси сифатида 2021 йил 4 – 15 январь кунлари Тошкент шаҳрига Ўзбекистон Миллий архивига тадқиқот ишларини олиб бориш учун келдим. Бу архивда сақланаётган 1714-фонд – Ўзбекистон Олий суди фондининг 5-рўйхат 334-йиғма жилдида сақланаётган ва мустақиллигимиз учун курашиб совет давлатининг қатағон сиёсати қурбони бўлган 13 нафар ватандошимизнинг 1929 йил ноябрь ойидаги судлов ҳужжатлари «махфий» грифи бўлганлиги учун менга фойдаланиш учун берилмади. Бу йиғма жилддаги материаллар билан танишиш, ундан нусха кўчириш, сканер қилиш, кўчирмалар олиш бугунги кунда ҳам мумкин эмас экан.

Сизга мурожаат қилишимдан мақсадим, ушбу йиғма жилдни махфийлик мақомидан чиқариш учун сиз раҳбарлик қилаётган идора рухсат берар экан, холос. Шу боис сиздан иш билан танишиш, ундан нусха ва кўчирмалар олишим учун ушбу йиғма жилдни махфийлик мақомидан чиқаришда амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Шуни қўшимча қилиш керакки, айнан шу иш бўйича судланган инсонлар Совет давлатининг қатағон сиёсати қурбони бўлганлар ва уларнинг номларини суд тартибида оқлаш бугунги кундаги долзарб масаладир.

Сизга ҳурмат ва эҳтиром билан,
Д.И.Хомидов 21.06.2021»

Ушбу ариза Ўзбекистон Республикаси Олий суди архиви хизмати ходими Тоҳиржон ака томонидан назоратга олинган бўлиб, умид қиламизки, биз – тадқиқотчиларда ушбу суд материаллари билан танишишга яқин кунларда имконият пайдо бўлади.

Совет давлати Ўзбекистонда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун жуда кўп жирканч ишларга қўл урган. Улардан бири ҳақида қуйида тўхталамиз.

«Шарқ юлдузи» журналининг 1995 йил 11 – 12-сонларида эълон қилинган «Истиқлолимизнинг тарихий илдизлари» номли давра суҳбатида тарих фанлари доктори, профессор Ҳ.З.Зиёев қуйидаги фикрни айтган: «Шу ўринда қизиқ бир далилни айтиб ўтмоқчиман. 50-йилларда Тарих институти олими Шомухтор Шомагдиев, партия фахрийси Нишон Ризаев Фарғона водийсида ижодий сафарда бўлишиб, ўша даврда ҳаёт бўлган «босмачилик» ҳаракати иштирокчилари ва гувоҳларининг хотираларини ёзиб олишади. Улар институтга қайтиб келгач, ўзаро суҳбатларнинг бирида Нишон Ризаев шундай деганининг гувоҳиман: «20-йилларда Фарғона водийсида чекистлар «босмачилар»га ўхшаб кийиниб, кечалари қишлоқларни талашган, бегуноҳ одамларни ўлдиришган. Бу билан улар маҳаллий аҳоли орасида «босмачилар» босқинчи, талончи ва қотил деган фикр уйғотишга ҳаракат қилганлар». Шу боис босмачиларни қораловчи айрим ҳужжатларга танқидий кўз билан қараш керак».

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, аждодларимизнинг пок номларини оқлашда Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 8 октябрдаги «Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши ижросини таъминлашнинг аҳамияти ғоят каттадир. Бунинг учун эса ҳозирги кунда архивларда «махфий», «мутлақо махфий» тамғаси остида сақланаётган ва Совет давлатининг Ўзбекистонда амалга оширган қатағон сиёсати ва унинг оқибатларини кўрсатиб берувчи ҳужжатларни тадқиқотчиларга тақдим этиш зарур. Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган 1714-фонд – Ўзбекистон Олий суди фондининг 5-рўйхат 334-йиғма жилдида сақланаётган суд иши материалларини кассация тартибида кўриб чиқиши ва бу йиғма жилдни махфийлик мақомидан чиқариши мақсадга мувофиқдир.

# ЧЎЛПОННИНГ ГАЗЕТА-НАШРИЁТЧИЛИК МЕРОСИДАН

Рустамбек Шамсутдинов, Шуҳрат Қаҳҳоров

Матбуот соҳаси XX аср бошида кўплаб тараққийпарвар зиёлиларимиз каби Чўлпоннинг жўшқин фаолиятида ҳам алоҳида ўрин тутади. Зотан, айни шу соҳа ўтган юзйиллик бошида миллат ва юрт қайғуси билан, эрк ва тараққий орзуси билан ёниб яшаган бир авлоднинг шаклланишида катта роль ўйнаган, унинг мақсад ва ғоялари, алам ва изтироблари минбари вазифасини ўтаган. Бу жабҳада қалами ўткирланган ва ижтимоий-сиёсий қарашлари шаклланган Чўлпон ҳам инқилобгача «Садои Туркистон», «Садои Фарғона» каби даврий нашрларда ўзининг ижтимоий ва адабий мавзулардаги мақола ва асарлари билан фаол қатнашган бўлса, шўролар даврининг илк йилларида ўзининг меҳнат фаолиятини асосан шу соҳага бағишлаган. Дастлаб Фарғонадаги «Янги Шарқ», сўнгра Тошкентдаги «Иштирокиюн» (кейинги номлари «Қизил байроқ», «Туркистон») газеталарида адабий ходим вазифасида, 1921 – 1922 йилларда эса Бухорода «Бухоро ахбори» газетасида муҳаррир вазифасида ишлади. Чўлпон ўша йиллари Бухоро ва бухороликлар ҳаётида кечган янгилик ва ўзгаришларга, маҳаллий инқилобий қўмита олиб борган сиёсатга матбуот орқали, адабиёт ва санъат орқали ҳамиша муносабат билдириб келди. Газетадаги чиқишларида халқ билан ҳукуматнинг баҳамжиҳат бўлиши, ҳукумат ишларида халқнинг ҳам фаол иштирок этишини тарғиб қилди. Бироқ тарозининг палласи тобора бир томонга оғиб бораётгандек эди, инқилобий ҳукумат «инқилобчи» фрунзечи-иштирокиюнчилар ихтиёрига ўтиб борар, ҳатто уларнинг кирдикорлари ўликларнинг тинчини бузишга етиб борган эди. Чўлпоннинг «Бухоро ахбори» газетасидаги энг сўнгги «Ўликларга қарши» номли мақоласи (1923 йил 7 май сони) «инқилобий ҳукумат» томонидан шаҳар ичидаги қабрларнинг йўқотила бошлашига қарши ёзилган ҳароратли, аччиқ киноявли чиқиш бўлди: «Руҳларини бошқаларга топшириб, ер остига яширинган кишилар учун етар ортиқ бу ҳурмат! Тириклик қайнаган, турмуш вулқонланган, иш тўлиб-тошган, кураш қутурган жойларда энг қиммат тупроқларни ўликлар эгаллаб ётмасинлар...»[1] Чўлпон 1920 йил 2 сентябрда Бухорони ердан ҳам, кўкдан ҳам тўпга тутган, ҳеч бир қадриятни писанд қилмайдиган, ўликлардан-да ўлик бўлган, руҳлари ўлик бу разил тоифанинг манфур ва чиркин нусхасини «... қайнаган, ... вулқонланган, ... тўлиб-тошган, ... қутурган ... энг қиммат тупроқ ... эгаллаб ётмасин...» каби ифодалар билан фош қилмоқда.



С.С.Каменев

1923 йилда Чўлпоннинг ноширлик-муҳаррирлик хизмати Андижонда, шўроларнинг бу шаҳарда юргизадиган босмачиликка қарши курашиш кампанияси ҳаракатлари доирасида давом этади. Мухторият қонга ботирилгандан кейинги йилларда Фарғона водийсида шўроларга қарши маҳаллий қўрбошилар бошчилигида кўнгилли халқ

[1] Қаранг: Каримов Н. Чўлпон: Маърифий роман. – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б.154.



**В.Д.Соколовский (чапдан биринчи, формада), Фарғонадаги «босмачилик» ҳаракатининг раҳбарларидан Исломқул ўз йигитлари билан (ўтирганлар, 1923 йил декабрида отилган)**

вакилларидан ташкил топган қуролланган гуруҳларнинг миллий озодлик учун кураши авж олганди. 1923 йилга келиб гарчи қизиллар Туркистондаги мавқеини анчагина мустаҳкамлаб олган ҳамда Фарғонада анчагина «тозалов» ишларини амалга оширган бўлсалар-да, водийда, хусусан, Андижон атрофида қуролланган гуруҳларнинг ҳаракати ҳали-бери тўхтамаган эди.



**А.И.Тодорский**

1923 йил майида СССР қуролли кучлари бош қўмондони, Ҳарбий-инқилобий кенгаш раиси Сергей Сергеевич Каменев, Фарғона қўшинлар гуруҳи штаби бошлиғи В.Д.Соколовский (кейинчалик Совет Иттифоқи маршали бўлган), Фарғона фронти қўмондони А.И.Тодорский, Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитетининг раиси Иномжон Хидиралиев ва бошқалар бронепоезд билан Андижонга келадилар. Бу ташриф олдига Андижон уездида «босмачилар» советларга қарши олиб бораётган курашга чек қўйиш, уларнинг раҳбарлари билан музокаралар олиб бориш, зарур бўлса, уларни афв этиш, уездда тинчлик-осойишталикни жорий этиш, кенг аҳолини советлар томонга оғдириш, маҳаллий совет органларини янгитдан ташкил этиш ва уларни мустаҳкамлаш, аҳоли орасида ўзбек тилида тарғибот-ташвиқот ишларини ривожлантириш каби вазифалар қўйилган эди.[1] Босиб олинган минтақаларда зўравонлик сиёсатини юритиш мусобақасида мустамлакачилик ва истибдод таёқчасини Чор империясидан қабул қилиб олган шўролар салафларидан асло қолишмас эди. Ҳукмронликнинг асоси қилич ва қалам устига қурилади деган қоидага кўра шўролар ҳам тузган режаларининг муваффақияти учун кучли тарғибот ва ташвиқот ишларини йўлга қўйиш мақсадида Андижонда газета ташкил этишга қарор қиладилар. Кун

[1] Шамсутдинов Р. Қатағон қилинган юртдошларни хотирлаб. – Тошкент: Akademnashr, 2018. – Б.99.



Иномжон Хидиралиев

тартибидаги масалалардан келиб чиқиб Туркистон Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети зиммасига Андижонга зудлик билан амалий-ташкилий ёрдам кўрсатиш, Тошкентдан босмахона анжомлари, материаллар, асбоб-ускуналар, қоғоз келтириш вазифаси юклатилди. Туркистон ҳукумати қарори билан Андижон шаҳрида «Дархон» номли газета (ўзбек тилида, араб имлосида) нашр этиладиган бўлди. Бу газетага аввал Абдулҳай Тожиев, сўнгра Андижон ревкоми раиси Исҳоқжон Ғозиев муҳаррирлик қилди. Марказқўм йўлланмаси билан Тошкентдан Андижонга келган Чўлпон бу газетага амалда муҳаррирлик қилган. Чунки Исҳоқжон Ғозиев ревком раиси бўлганлиги учун газета ишини тўлалигича Чўлпон зиммасига юклаган эди.[1]

Абдулҳамид Чўлпон тақдирига доир сўнгги пайтда аниқланган фактларга кўра, бўлғуси «Дархон» газетасининг ижодий жамоаси – Абдулҳай Тожиев, Боис Қориев ҳамда Чўлпон Фарғонада жадидчилик ҳаракатининг йирик вакилларидан ва таъминотчиларидан бўлган, ўз вақтида Туркистон Мухториятининг озиқ-овқат вазири бўлган, босмахона ва газеталар ташкил қилган Обиджон Маҳмудовнинг хонадонида йиғилиш ўтказадилар ва «Дархон» газетасини ташкил этиш хусусида қарор қилдилар. Шунингдек, ҳужжатларда Чўлпоннинг «газетани Тожиевнинг ўзи таҳрир қилар эди, у Тошкентга кетгандан сўнг эса амалда муҳаррир ўзим бўлганман» деган мазмундаги иқрорлари келтирилади. Рус тилида тузилган ушбу ҳужжатларда «Дархон» сўзи «амнистия» тарзида таржима қилинган.[2] Дарвоқе, газета ноширлари томонидан танланган бу ном ўша давр тилимизда ҳам кам истеъмолда бўлган тарихий сўзлар сирасига кирган. Бироқ дархон энг қадимий умумтуркий қатлам сўзларимиздан бўлиб, унинг қўлланишига доир факт-материаллар Турк хоқонлиги даври ёзма манбалари – Ўрхун-Энасой битиктошларида (VII – VIII асрлар) учрайди.

Қадимги адабий-бадиий ва тарихий ёзма манбаларимизда «дархон» сўзи асосан «тархон» шаклида қўлланганини кўрамиз. Қорахонийлар даврида машҳур туркийшунос олим Маҳмуд Кошғарий томонидан «Девону луғотит турк»да тархон сўзи «бек» маъносида, яъни аслзодаликни ифодаловчи унвон, лавозим маъносида қўлланган.[3] Тархон сўзи Алишер Навоий ва Бобур асарларида ҳам унвон номи тарзида қўлланган. «Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»да тархон сўзи подшоҳ томонидан бериладиган унвон бўлиб, унга сазовор бўлган кишилар солиқдан, урушга сафарбарликдан озод қилинган деб изоҳланади.[4] «Бобурнома» учун тузилган луғатда эса «имтиёзли киши» маъносида қўллангани кўрсатиб ўтилган.[5] Бошқа луғат китобларида келтирилган шарҳларда ҳам ушбу истилоҳ «солиқдан ва ҳар қандай мажбуриятлардан озод қилинган; имтиёзли, дахлсиз (киши, мансабдор, уруғ, қабила)»[6], «муқаддас, дахлсиз; мажбуриятлардан озод этилган шахс»[7], «мажбуриятлардан озод этилган ва мумтоз инсонлардан бўлган асил ва шариф одам»[8] тарзида ўзаро яқин, бир-бирига ўхшаш маъно ва мазмун ифодалаб келганининг гувоҳи бўламиз. Бу таърифларни умумлаштирсак, дархон сўзи бевосита инсонга ишора қилмоқда, Чўлпон ва унинг маслакдошлари бу сўз

[1] Кўрсатилган асар. – Б.102.

[2] Қаранг: Водийнома. 2021. №3. – Б.10.

[3] Кошғарий М. Девону луғотит турк / Тарж. ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. 1-том. – Тошкент, 1960. – Б.409.

[4] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати / Э.И.Фозилов таҳрири остида. 4 томлик. 3-том. – Тошкент: Фан, 1984. – Б.193.

[5] Исҳоқов Ф. «Бобурнома» учун қисқача изоҳли луғат. – Андижон, 2008. – Б.165.

[6] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006. – Б.569.

[7] Қаранг: Монгольско-русский словарь / Под общ. редакцией А.Лувсандендева. – М., 1957. – С.148.

[8] Шамсиддин Сомий. Қомуси туркий. – Истанбул, 1317 ҳ. – Б.881.

замирига ўзларининг дилдаги армонлари ва истаклари ифодаси бўлган «озод инсон, эркин шахс, дахлсиз киши, имтиёз соҳиби» каби маъноларни юклаган бўлсалар ажаб эмас.

«Дархон» газетасининг 1923 йил 27 июндаги 1-сони 1-бетида «Ҳурматли ўқуғучиларимизға» номли мақолада ушбу сўзнинг «дархонлиқ» шаклида қўлланганини ҳам кўрамиз: «...Умид қиламизким, бизнинг бу хайрлик ишимизга халқ ҳам ёрдам берур. Шунинг билан вайрона бўлған юртда умумий куч билан тинчлиқ ўрнаштириб, халқни доруломонга чиқарурмиз ва ҳар ким ўзининг тинч тирикчилигига берилиб, «дархонлиқ» билан яшар». Дархонлиқ сўзини муаллиф қўштирноққа олиб қўйган, назаримизда, бу сўзга маъновий урғу бериб, унинг замиридаги теран маъно(лар)га ишора қилгандек. Дархонлиқ сўзи бу ўринда кенг маънода «эркинлик, хотиржамлик, тинчлик, фаровонлик» каби мазмунларни ифодалаб келмоқда.

Албатта, Чўлпон Марказқўмнинг махсус топшириғи асосида Андижонда «Дархон» газетасида шўро ҳукуматининг маъмур ходими сифатида фаолият олиб борган бўлса-да, унинг исёнкор руҳи ҳали-ҳануз кўп нарсалардан умидвор эди. Бу ўз вақтида НКВД ҳужжатларида ҳам акс этганини кўрамиз. Адибнинг сўнгги давр тергов ҳужжатларида қайд этилганидек, унга ва унинг маслакдошларига, гарчи расмий идораларда ва лавозимларда хизмат қилган бўлсалар-да, қонуний имкониятлардан «аксилинқилобий» мақсадларда фойдаланган деган айбловлар қўйилган.[1]

Бир сўз билан айтганда, Чўлпоннинг Андижонда «Дархон» газетасидаги меҳнат фаолияти ижтимоий-сиёсий, маиший-иқтисодий, маданий-маърифий ва, албатта, адабий-бадиий соҳаларни қамраб олди.

Қуйида «Дархон» газетасининг дастлабки уч сонида чоп этилган Туркистон диёри, қолаверса, Андижон шаҳри ва уездининг ижтимоий-сиёсий, маданий, иқтисодий ҳаётига оид катта-кичик ҳажмдаги материаллар Чўлпон таҳрири ҳамда ўша давр тилининг услуби ва ифода тарзини сақлаб қолган ҳолда берилади.

**ДАРХОН**
**1923 йил 27 июнь, 1-сон**


Андижан, типограф. госиздата редакция газеты „ДАРХАН".

(1-бет)

**ЭЪТИЗОР[2]**

Инқилоб ва ҳарб шўросининг амрига мувофиқ газетамизни кундалик қилиб чиқармоқчи эдик.

Локин шаҳаримиздаги босмахонада ҳарф ва ҳарф тергувчилар етишмагани учун ҳозирға икки ё уч мартаба чиқармоқға мажбур бўлуб қолдиқ. Бу қадариси ҳам кўб қийинлар билан бўладир.

[1] Қаранг: Водийнома. 2021. №3. – Б.10.

[2] Узр сўраш.

Ҳозир Тошкентга кераклик нарсаларни сўратиб қоғоз юборилди. Қоғозда сўралған нарсаларни Тошкентдан олуб юбормоқчи бўлуб фирқа марказ қўмитасининг масъул саркотиби ўртоқ Розенблум ваъда берди. Сўралған нарсалар келиши билан газетамиз кундалик бўлғусидир.

Ҳурмат билан: Бошқарма.

**ҲУРМАТЛИ ЎҚУҒУЧИЛАРИМИЗҒА**

Букун Русия шўролар ҳукумати қўл остидаги кўб ерларда шу беш-олти йиллиқ инқилоб даврида кўбгина илмий, ижтимоий ва иқтисодий ишлар ишланди. Бизнинг Туркистонда бўлса кўб нарса ишлана олғани йўқ, балки жуда оз нарса қилинди. Албатта, мунинг сабаби бор. Бу эса иш ишлашга халал бературған нарсаларнинг кўб бўлушидир. Ишга халал берган бу нарсаларнинг энг каттаси бизда босмачилиқ балоси бўлди. «Босмачилиқ» аталған ва юксалишимизга катта ангал (*тўсиқ*) бўлған бу ҳаракат ҳозир халқ орасида ўз обрўсини буткул йўқотди. Шундай бўлса ҳам, ҳали ер юзидан йўқатилғани йўқдир. Маълумдирким, бу бало таги-томиридан қурутулмасдан туруб илмий, иқтисодий ишларимизни кўнгилдагидек йўлга қўйиш мумкин эмасдир.

Босмачилиқ ҳаракати ҳозир энг охирғи дамини олиб, жон талашиб турадир. Локин шундай бир аҳвол ичида бўлса ҳам яна халқнинг қоралиғидан ва ҳукумат кишиларининг ёмон ва хато йўлларидан фойдаланмакчи бўладир.

Мана шунга йўл қўймаслиқ учун ҳукумат босмачиларға қарши қатъий кураш эълон қилди. Фарғона музофотида шу йил босмачилиқни буткул барҳам бермакчи бўлди ва ишни босмачиларнинг уяси ҳисобланған Андижон район̆идан бошлади. Шу муносабат билан бизнинг бу газетамиз ҳам Андижонда чиқмоқға бошлади.

Демак, газетамизнинг мақсади қуйидачиға бўладир: Аввало халққа босмачилиқ ҳаракатини тушунтуруш, қизил қўшун ва қизил милицияларнинг босмачилар билан қилған курашларидан халқни хабардор қилиб туруш.

Иккинчи – қизил қўшун ва қизил милицияни фирқа, союз, шўро маҳкамалари ва умумхалқ билан танишдириб, ораларини яқинлашдиришдир.

Учинчи – шўролар ҳукуматининг маориф, ер-сув ва, умуман, иқтисодий ишларда қилиб турған чора ва тадбирларини ёзиб билдириш, англатиб уқдиришдир.

Шунинг билан бирга, ер юзининг ҳар томонида бўлуб турған воқеалардан, айниқса, шарқ ўлкаларидан маълумот бериб туруш ҳам газетамизнинг вазифаларидандир.

Умид қиламизким, бизнинг бу хайрлик ишимизга халқ ҳам ёрдам берур. Шунинг билан вайрона бўлған юртда умумий куч билан тинчлиқ ўрнаштириб, халқни доруломонга чиқарурмиз ва ҳар ким ўзининг тинч тирикчилигига берилиб, «дархонлиқ» билан яшар.

*Бу саҳифада халқаро сиёсий вазиятга бағишланган «Русия – Англия жанжали бартараф қилинди», «Япўния – Хитой – Русия», «Нари-беридан» каби мақолалар ҳам берилган.*

(2-бет)

(*матннинг бошида узилиш*)

1) қўшун сонини камайтириш мумкин бўлди;

2) кучлик душманлардан қутулуб, дам олиш мумкин бўлди;

3) деҳқонлар орасиға ақча ҳам бир қадар тарқалди.

Шунинг учун шўролар ҳукумати деҳқонларни қийин ҳолдан қутқармоқ учун ғалла солуғини пул солуғиға айлантирди. Энди деҳқонларға хайли осон: ғаллани ҳукумат омбориға олиб бориб бераман деб судралмайдир, отлари овора бўлмайдир, ўзи ҳам ҳукумат омборлари олдида бир неча кунлаб навбат кутмайдир. Энди пулни белга чигиб олиб, пул тўлайтурған хазнага топшириб, патта қоғоз (каптанса)ни олмоқ билан иш тугайдир. Агар бул тўлайтурған хазна узоқроқ бўлса, ҳамманинг пулини тўлаб келмак учун юрт орасидан битта ишончлиқ киши юборилса, ул киши ҳамманинг пулини тўлаб, кейин патталарни эга- (...*матнда узилиш*)

Солиқ солған кишилар ҳукумат душмани танилиб, жазоға йўлуқарлар. Ундай кишилар

бўлса, деҳқонлар қўрқмасдан ҳукуматга билдирсинлар, жазоси берилур. Бир хил солиқ ҳар кимнинг ҳолиға яраша солинадир.

Энди деҳқон халқнинг, барча юртнинг бир вазифаси бордир. Ул ҳам бўлса хўжалиғининг ҳисобини тўғри айтиб бериш. Беркитган, яширған нарсалар албатта топилмай қолмайдир, у ҳолда қаттиғ жазо бериладир. Шунинг билан баробар, деҳқонлар шуни яхши билсинларким, солиғдан тушкан пуллар яна деҳқонларнинг ўз фойдаларига сарф қилинадир. Яъни у пуллар сизни ичкари ва ташқаридағи душманлардан сақлағучи қизил қўшун ва қизил милицияларга, ободончилиққа, мактаб, касалхона ва бошқа шунингдек кераклик ерларга ишлатиладир.



Султон Сегизбоев

### МЕҲМОНЛАР

Туркистон уруш майдонининг бош қўмондони Корк, марказ давлат сиёсий идорасининг Туркистон вакили Русанов, Туркистон фирқа марказқўмининг масъул саркотиби Розенблум, Туркистон уруш майдони сиёсий идора бошлиғи Шапошников, собиқ Туркистон овқат комиссари Троцкий, музофот фирқа қўмитаси масъул саркотиби Сегизбоев ўртоқлар шаҳримизда меҳмондирлар.

*Шунингдек, ушбу саҳифада «Амриқо ҳукумати денгиз чегараларини кенгайтмакчи бўладир», «Чет элларда» рукни остида Ирландияда, Польшада, Юнонистонда, Булғорияда, Францияда бўлган ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳақида маълумотлар берилган.* (3-бет)

### БОСМАЧИЛИК БИЛАН КУРАШ
**Штаб хабари (24 июн)**

Андижон уязида «Смета виссун» усулидаги топпончаси билан бир йигит ушланди.

Умрзоқ қўрбошининг икки йигити милтиқлари билан таслим бўлдилар.

Босмачилардан яна икки йигит қилич, милтиқ ва бошқа асбоблари билан топширилдилар. Биттасининг номи Мирзо Аҳмаддир. Ҳожимат деган йигит яроғлари билан топширилди. Йўлибой деган қўрбоши бир йигити билан ушланган эди; йигити қочмоқчи бўлғач, отиб ўлдирилди.

### ЎЛКАМИЗДА

Деҳқонларнинг от-молини ўғурлағанларға қаттиғроқ жазо бериш учун Адлия камиссарлиги қонун тузмакдадир.

Туркистон жумҳуриятида марказий қишлоқ хўжалиғи банқасининг шуъбаси очиладир.

Тошкентдаги шаҳар темир йўли (трамвай), электрик ва телефўн истансалари тездан шаҳар хўжалиқ идораси қўлиға кўчгусидир.

Туркистон пўчта-тилиғроф идораси раис муовинлигига ўртоқ Ғулом Икромиф белгиланган.

### АНДИЖОНДА ЕР-СУВ ИШЛАРИ:
**Кўчат таласи**

Уяз ер-сув шуъбаси томонидан ўткан йили бир кўчат таласи «Опытная плантация» қилиниб, бундан истифода қилмоқ иши темир йўл зироат идорасига топширилған эди. Андижоннинг вайрона деган жойида бўлған бу тала ҳозир ишлайтурған усталар йўқлиғи учун илгари боса олмай турадир.

**Авғон боғ**

Эски ҳукумат вақтида ясалған ва ҳар хил маданий экинларнинг энг аъло навларидан нусха кўрсататурғон машҳур «Авғон боғ» зироат таласи ҳозир буткул бузулиб кеткандир. 1921 нчи йилгача давом этиб келган бўлса ҳам, ундан бери у ерлар босмачилар қўлида қолиб, ҳукумат кучи билан ишламак мумкин бўлмаған. Шуининг учун ундаги қимматбаҳо нарсаларнинг кўпи таланиб кетган.

Ҳозирда эса унинг боғлиқ ерлари 5 йил муддат билан «Қўшчилар» союзига, экинлик жойлари бўлса ўшал жойдаги ерлик деҳқонларға бўлак-бўлак ижарага қўюлған.

**Вайрона**

Машҳур Йигчи эшон тўпалангида ерли халқ қўлидан подшоҳликка тортиб олинған вайронадаги ерлар 1922 нчи йилда ер-сув шуъбаси томонидан Хоканд камбағалларига қайтиб берилган. Ҳозир ул ерда Хоканд камбағалларидан 195 киши жўра (артел) бўлиб ишлайдир. Ерлар буткул экилган.

**ШАҲАРИМИЗДА:**
**Ёшлар қўзғолдилар**

Бу чоқғача дараги йўқ бўлуб келган коммунист ёшлар бирлиги марказдан келган ишчиларнинг ёрдами билан ишга бошлади. Ҳозир жиддият билан ишламакка бошлағон янги райкомға масъул саркотиб қилиниб ўртоқ Билолов белгиланди.

**Ёшлар босмачиларға қарши**

Янги ташкил этилган ёшлар ревкоми босмачиларға қарши курашда ёшларни яхшилаб ишга солиш ҳаракатига киришди.

**Ёшлар ва саводсизлиқ**

Ёшлар Ўрта Осиёдаги саводсизлиқни битирмак учун жиддий ҳаракат кўрила бошланди. Эски шаҳар ёшлари учун биринчи июлдан қолмасдан бир саводсизлиқни битириш қурси очилғусидир. Бизнинг учун райкомда ҳозирлиқ бордир.

**Кўмак уйқуси**

Андижон «Кўмак» уюшмаси ухлайдир. «Нашри маориф» ҳам тузулганидан бери ортиқ бир нарса қила олғани йўқ. Сўнгги вақтдағи жонланишнинг асари бу уюшмаларда ҳам кўрилишига тегиш эди.

**Янги мактаблар**

Маориф шуъбаси томонидан босмачилардан тинчланған Мирobod қишлоғида бир янги мактаб очилди. Коппонда ҳам бир мактаб очилған эди. Яқинда Хоканд қишлоғида бир мактаб очилғусидир.

*Шунингдек, бу саҳифада «Шарқ ўлкаларида» рукни остида «Туркия яна имтиёз берадир», «Ҳиндистон», «Хитой», «Шўролар Хивасида» каби кичик хабарлар ҳам берилган.*

(4-бет)

**Ҳикоя**
**СЕНИ КЎБ КЎРМАСУН**
**(Фарғона ҳаётидан)**

– Ҳаҳ, тангримга шукр-аҳ, ухлаб кетди! – деди ва эски тўшаклар орасида тўлуб-тошиб ухлаб ётқан боласиға она муҳаббати билан узоқ-узоқ тикилиб қарағандан кейин:

– Жиндек мизғиб олай, – деб бошини секингина болишқа қўйди.

Бу – каттагина бир қишлоқда ўтуб ётқан бир рўзгор: у боласини ухлатқан Хадичахон деган ёш бир жувон, ухлаб ётқан бола бўлса унинг кичик ўғли Исҳоқжон эди.

Исҳоқжоннинг отаси Розиқжон ўшал қишлоқлиқ бир деҳқон йигит бўлуб, тўрт-беш таноб ерига ўзи ишлаб, беш-олти йилдан бери шу рўзгорни айлантириб келар эди.

Рўзгор катта эмас: бир хотуни, бир онаси, икки боласи ва бир ўзидан иборат кичкинагина бир йиғин эди.

Инқилобдан бир-икки йил бурун, янги уйланган вақтларида рўзгори яхши, тинч, бир хилгина ўтуб туруб эди.

Инқилоб бўлуб, манови ички урушлар бошланиб, юрт уруш майдонига айлангандан сўнг талаға чиқиб деҳқончилик қилиш қийинлашуб, рўзгорни килдиратиб олиб бориш ҳам жуда оғир бўлуб қолди.

Шундай бўлса ҳам, ёш, ғайратлик, локин ёшлиғидан бери тинчлиқни севиб катта бўлган Розиқжон куч ва қувватини, ғайрат ва ҳаракатини бирга ўн ошириб бир қарич тупроқ устида ишлади, сўнг соқларғача рўзгорни тербатиб келди.

Рўзгорнинг ички ҳожатлари учун иккита соғин сигир, битта қўшчи от ортдирди.

Шундай қилиб, бу турмиш ўткан йили шу чоқларғача бир хилда давом этиб келди.

Бултур шу вақтларда Розиқжон ўв... хуфтангача таладан қайтмасдан, кечикиб қолди. Хадичахон замонанинг тинчсиз вақтларида эрининг кеч қолишидан қўрқса ҳам, «бугун

ўроқни бўлса, нариги жугари томонга сув боғламоқчи эди» деб шу билан ўзини юпатди.

Ярим кеча – саҳар бўлди, Розиқжондан хабар бўлмади, Ҳадичахон билан қари кампир оғир бир изтироб остиға тушкан эдилар.

Эшикни қоқдилар.

Эшик очмоқ учун чиқиб кеткан кампир «вой болам!»лаб йиғлаб кирди. Кўнгли бузулған Ҳадичахон ирғиб ташқариға чиқиши билан уч эркакнинг қўллари устида қора қонға бўялиб ётқан Розиқжонни кўрди.

Бир дам тўқтади. На йиғи келди, на бошқа, бош қотди. Кейин ўлигни бўйранинг устига қўйуб кетаётқан кишилардан:

– Вой, бу нима гап? – деб сўради. Қишлоқ кишилари шошмасдан, ҳовлиқмасдан, оғирлиқ билан:

– Келинбу, толадан келаётиб йўлда беглар отиб кетибдир... – деб жавоб бердилар.

Мунга бир йил бўлуб ўтди. Розиқжон эсдан чиқай ёзиб қолди. Ҳадичахон боласи Исҳоқни ухлатиб бўлуб, ўзини болишқа бошини қўйған вақтда Розиқжон хаёлига тушди. Ундан кейин ухлай олмай узоқ-узоқ ўйланиб ётди.

Кун чиққан, тиғлари чўзулуб панжара орқали уй ичига кирганлар эди. Ухлай олмади, турди, боласиға яна бир тикилиб олғач, тўппа-тўғри кўчага чиқди. Беш қадам юруб, чап қўлдаги тор кўча билан толаға чиқди, толада ишлаған деҳқонларға қараб Розиқжонни тугалгина эска солмоқчи эди.

Бу йил бирмунча ерга пахта экилган, онови Турдиали ўз ерида пахта чопиб турадир. Тутнинг тагига ўт ёқиб, чавган қўйуб қўйған; тўнини тутга илган ... оҳ. Агар шу Розиқжон бўлса эди, чойдиш қўйуб, чой дамлаб, зоғора нон билан олиб чиқар эди...

Чидай олмади, яна уйга қайтди. Эшикни очиб кириши билан кампир йўлуқуб:

– Собиржонни икки хурмача қатиқ бериб шаҳарга юбордим; дарров сотиб, бир қадоқ-ярим қадоқ гўшт олиб кел дедим, кетди болам, – деди.

Келиннинг ақли толада эди, англар-англамас бир чеҳра билан:

– Яхши қилубсиз, – деди ва индамай уйга кириб кетди.

Пешин бўлди, кеч кирди, катта ўғли Собиржондан дарак бўлмади.

Кампир билан келин таласаға тушдилар. Дарҳол қўни-қўшнига хабар бериб, қўшнининг катта ўғли Холматни отга миндириб, шаҳарга юбордилар.

Холмат у кеча қайтмади. У кечани кампир билан келин бир дўзах азобида ўткардилар. Чой ҳам ичмадилар.

Эртаси куни эрта билан Собиржонниг ўлигини кўтариб Холмат келди.

Йиғи-сиғи орасида сўраганларға Холмат йигит сира пинасини бузмасдан:

– Шаҳарда отиш бўлған экан, – деди. – Ўқ текгандир ё арманлар чопқандир, – деб жавоб берди...

Ҳадичахон 23 га қадам босқан, локин ҳеч ким уни 23 да демайдир, билмаган кишилар уни қари жувон, 35 ларга кирган бир хотун дейдирлар.

Унинг ақли, ҳуши ҳам жойида эмас. Қишлоқ болалари «Ҳади жинни» деб от қўйған. Мунинг аҳволини яхши билган кишилар ҳама вақт уни қизғоналар, «бечора жувон» дейлар.

Бечора жувоннинг кичик ўғли Исҳоқжон ҳам касал, мундай замонда табиб, дору-дармон ҳам топилмайдир. Бечора хотун безгак чангалида қалтираб ётқан боласини заҳарлик кўз ёшлари тўкуб туруб, қуруб, қотиб кеткан бағриға босадир-да:

– Биттаю биттам, ёлғиз қўзичоғим, худойим сенигина кўп кўрмасун!.. – дейдир.

**Чўлпон**

### СЎНГ ХАБАРЛАР

*Бу саҳифадаги халқаро аҳволга оид «Сўнг хабарлар» рукнида «Амриқо Эронга ҳам суқуладир», «Италия билан битишиш арафасидамиз», «Лузон бузулса керак», «Англиянинг гўшналиги», «Англия Туркиянинг жон душмани» каби хабарлар ўрин олган.*

**ДАРХОН**
**1923 йил 30 июнь, 2-сон**


دارخان

Адрес:
Андижан, типограф.
госиздата редакция
газеты „ДАРХАН“.

№ 2

(1-бет)

## АНДИЖОН ҲАРБИЙ ИНҚИЛОБ ШЎРОСИДАН

Ботур қизил қўшун ва қизил милицияларга.

Қимматли ўртоқлар!

Ўз вазифасини яхши билмаган ҳам ўзининг шахсий фойдасини кўзда тутқан қизил қўшун ва милицияларимизга баъзилари томонидан ҳали ҳам ерлик халқнинг кўнглини оғритатурған ишларнинг бўлуб турғани кўрулмакдадур.

Ўғурлиқ, фуқаронинг уй-рўзғор асбобларини тортиб олишлар ҳозирғача қайта-қайта бўлуб турадир. Яъни фуқаронинг пул, чопон, рўмол ва бўз-матолари ўзбошимча тортиб олинмоқдадир.

Бундан кейин бундай хиёнатларнинг бўлушиға йўл қўймаслиқ керак. Бундай ишларни илдизи-томири билан битирмак лозим. Мундай ишлар мундан кейин сира бўлмасун!

Шуни яхши билмак киракдирким, ундай нарсалар халқнинг аччиғини келтурадир, босмачиларни кучайтирадир ва ҳам шўролар ҳукуматининг обрўсини пастлатадир.

Қизил қўшун тубжой деҳқонларнинг ва бутун Фарғона аҳолисининг муҳофазатчиси, сақлағучисидир.

Қизил қўшун ва кўнгулли қизил милиция яроғ кучи билан, жазо маҳкамаларининг қилатурған тадбирлари билан, ўшалар орқалиқ кураш қиладир, лекин халқнинг мол-ашёсини таламайдир.

Қачон бўлса ҳам, қаерда бўлса ҳам ҳар қайсингиз бир-бирингизга қоровул бўлуб, халқ молларининг тортиб олинишиға йўл қўймаслиғингиз лозимдир.

Халқдан ноҳақ тортиб олинатурған ҳар бир тўп бўз босмачилар билан бўлған курашни узоққа чўзар ва ҳам инқилобчи қўшуннинг устига қора доғ суркар. Ҳар вақт, ҳар ерда чин инқилобчи қўшуннинг шаъниға зарар келатурған ишларни билиб ё билмасдан қилатурған аскарлар билан курашинг, уларнинг бузуқчилиғиға йўл берманг.

Ҳозир босмачилар билан қилиб турған курашимиз охирғи курашдир. Агарда қўшун ичида туруб ёмонлиқ қилатурғанларни тийиб ололмасақ, бу сафар сарф қилиб турған кучимиз ҳам бекарга кетадир.

Шунинг учун қўшуннинг кучини ва ҳақлиқ тарафдори бўлғанлиғини кўрсатинг.

Эсингизда бўлсунким, бу кундан бошлаб қайси қизил аскар ва милиция томонидан бирар хиёнат содир бўлса, бундай кишилар босмачиларнинг ёрдамчиси деб саналиб судга берилур.

Яшасун босмачиларнинг зулмини ўз устидан кўтариб ташлайтурған тубжой деҳқонлар!

Яшасун тубжой деҳқонларнинг тинчлиғини, меҳнати ва уй-рўзғорини сақлағучи онгли қизил қўшун ва қизил милиция!

Андижон инқилоб-ҳарб шўроси:

Алихўжаеф, Тодўрский, Шалюниф

## ХАЛҚҒА ТИНЧЛИҚ, БОСМАЧИЛАРҒА ЎЛУМ!

Босмачилар билан кураш бошланғаниға беш йил бўлуб қолди. Бу муддат ичида қизил қўшун, қизил милиция ва халқдан кўб кишиларнинг ястуғи қуриди. Босмачиларни йўқотиш учун ҳаракат кўб бўлса ҳам, ишда баракат бўл-

мади. Сиёсий ва иқтисодий сабаблар бу дамгача босмачиларни йўқотишқа йўл қўймади. Босмачилар ҳаракати шул беш йиллиқ курашда шу қадар жонға тегдиким, ортиқ чидашка сира имкон қолмади.

Мана шунинг учундурким ҳукуматимиз, қизил қўшун ва қизил милиция ушбу ёз ичида Андижондан бошлаб бутун Фарғонани босмачилардангина эмас, ҳатто унинг ёрдамчиларидан ҳам тозаламоқға; Фарғонани бурунғидек Туркистоннинг жаннати ҳолиға қайтармағунча тўхтамасликка сўз берди. Албатта, бу дабдабалик ваъдани юзага чиқармоқ учун халқнинг, кўпчиликнинг ёрдами керак. Халқнинг ёрдами бўлмаса, бир қизил қўшун ўзи иш қила олмас. Шунинг учун халқнинг кўнгли ҳукумат томонида бўлуш билангина иш битмайдир. Халқ ишда (билфеъл) ёрдам қилмоғи керак.

Босмачиларни йўқотиш йўли уни қочириш билан эмас, балки уни илдизидан қурутуш билан бўладир. Шундай бўлғандан кейин халқнинг вазифаси босмачиларни рўйхат қилиб – топшириш, уларга йўл бермаслик ва қаерда кўрунса, тутуб беришликдир. Чунки босмачиларнинг қаердалиғи қўшундан кўра халққа маълумдир.

Ҳозир ҳукуматимиз босмачилиқни йўқотиш йўлида етти кун муддат билан «яроғ топшириш ҳафтаси»га ўхшаған кераклик чораларни кўруб турадир. Бу ишга халқнинг амалий ёрдами бўлмаса, кўрулатурған чораларнинг бекар кетиши мумкин.

Энди халқға бир чекада қўрқуб туруш ярамайдир. Халқ ўзини босмачилардан сақлағучи қизил қўшун борлиғини унутмаслиғи керакдир. Ҳозир ҳам бизнинг босмачилар билан кураш шиоримиз иккидир: бири: қўшун ва яроғ кучи билан йўқотиш, иккинчиси: бу мақсадга етмак учун бирдан-бир сабаб бўлатурған халқ кўпчилиги билан қаттиғ алоқа боғлаб, унинг кўнгли олинатурған нарсалардан буткул сақланишдир.

Қизил қўшунданми ёки ҳукумат кишилариданми, майли, ким бўлса бўлсун, халқға бирар зарар келтиратурғанлар бўлса, улар шўролар ҳукуматининг қаттиғ душманидир. Чунки ул босмачиларнинг тегирманига сув қуйған бўладир.

Ҳукуматимиз бўлса бу сафар қандай бўлса ҳам босмачиларни буткул йўқатишға қаттиғ киришди. Берган ваъдаларни тўқтовсиз адо қиладир. Чунки бу курашнинг бурунғи курашлардан фарқи зўр. Фарқи шундан иборатдирким, бу сафар кураш ишига Туркистон ҳукумати енгни чаққон шимарлаб киришгани каби, марказ ҳам жиддий аралашадир.

Бутун Русия уруш камиссари ва ишчи меҳнаткаш бошлуғи ўртоқ Трўтский ҳам бу йил босмачиларни йўқотишқа зўр аҳамият берган, шунинг учун Туркистонга бутун Русия қизил қўшунининг бош қўмондони ўртоқ Каминеф юборилиб, босмачилиқни битиришка режалар чизилди. Демак, мақсадга етишка имонимиз комил.

Узун сўзнинг қисқаси: Босмачиларға ўлум, юрт-элга тинчлиқ!..

(2-бет)

## ИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Обод юртни хароб қилиш учун беш йилдан бери босмачилар томонидан қилинған ҳаракатлар, тинчгина ишлаб ётқан деҳқонларға уларнинг қилған жабрлари шўролар ҳукуматини ўткур сиёсат ушламоққа ва босмачилиқни таги-томиридан қурутуш учун чоралар кўрмакга мажбур қолди.

Ҳозирғи вақтда Андижон шаҳари ва унинг теварак атрофига 230 қадар энг яхши, иш билар кишилар келтирилдиким, уларнинг кўпи ҳам тубжой халқ йигитларидир.

Ақллик, фаҳмлик ва маслакларида маҳкам туратурған бу ўртоқларнинг Андижонда бо бўлушлари мўжжалга, ниятга етмак учун зўр умидлар берадир. Албатта, энг яқин бир замонда босмачилиқни буткул барҳам бериб, Андижон уязидаги шўро маҳкамаларининг ишларини ҳам яхши йўлға қўйуб, шунинг билан ишчи-меҳнаткаш ҳукуматининг обрўсини кўтармак мумкин бўлғусидур.

Ишни бошлаш билан дарҳол натижалари кўрула бошлади. Ўзининг ёввойилиғи билан ҳам-

мани қўрқутуб қўйған босмачилиқ энди ҳозир ёлғондан бўлса ҳам «ҳурмат кўруш» ўрнига ҳар кимдан сўкиш ва қарғиш эшитмакдадир. Халқ ҳам ҳозир шўролар ҳукуматига чин кўнгли билан ёрдам қилиб, босмачиларни ва уларнинг этакларига осилғанларни ҳукуматга айтиб, кўрсатиб бермакдадир.

Эски шаҳарнинг 3 райўнида фирқасизларнинг айрим-айрим канфиринсиялари бўлуб ўтди. Бу канфиринсияларда юқоридаги даъвомизнинг тўғри эканлиги жуда очиқ билинди. Ул канфиринсияларга вакил бўлуб келган меҳнаткаш халқ вакиллари ўрунларидан туруб, «босмачилар кўб замондан бери бизга тинчгина кун ўтказишга йўл бермайлар. Шаҳарнинг ташқарисиға чиқиб ишлаш эмас, шаҳарнинг ўртасида туруш ҳам бизга мумкин бўлмай қолған эди. Бизлар бола-чақаларимизни ўтлар орасида қолдириб, ўзимиз янги шаҳарларга чиқиб кетмакка ёки босмачилар бўлмаған бошқа жойларға қочиб кетмакга мажбур бўлуб қолған эдик. Энди, модомики, босмачиларни йўқ қиламан деб қизил қўшун бел боғлабдир, энди биз ҳам уларга эргашганларни тутуб бериш чорасига киргаймиз» дедилар. Бу сўзлар неча мингларча келатурған Андижон халқининг оғзидан чиққан сўзлардир. Шунинг учун биз умид қиламизким, бу ёз босмачиларни тугатиш учун энг охирғи ва натижалик ёз бўлса керакдир.

Биз, бир томондан, бутун кучимизни сарф қилиб босмачилиқ билан курашсак, иккинчи томондан, бутун диққатимизни бошқа бир уруш майдонига, яъни шўро маҳкамаларини яхшилаш майдонига тортмоғимиз керак. Негаким Андижон уязидаги шўро маҳкамалари манови босмачилар билан овора бўлуб қолиб, ўз ишларини ўнглай олмай, илдизларини маҳкамлай олмай қолғанлар. Шўро маҳкамалари юмшоқ ва бўшанг бўлғандан сўнг, албатта, меҳнаткаш деҳқонларнинг эътимодини қозона олмаған; деҳқон халқи ул маҳкамаларга «бизнинг тириклик масалаларимизни тезлик билан, бизга фойдалик равишда ҳал қилиб бера олур» деган ишонч билан қарай олмағанлар. Ул маҳкамаларнинг бузуқлиғи юқори ҳукумат маҳкамаларидан келган қарорларни тезлик билан амалга қўйишқа монеъ бўлуб келган.

Ҳозир бизнинг олдимизда турған вазифа: марказдан келган ўртоқларнинг ғайрати ва ёрдами билан жойлардаги шўро маҳкамаларини пухталамак ва ҳукумат, фирқа ва союз ишларига тубжой деҳқонларни тортмоқ бўлса керакдир. Ишка янги тортилған деҳқон ўртоғимиз марказлик ўртоқнинг қўл остида ишлаб ишчи-деҳқон ҳукуматининг тизгинини ушлаб боришни яхшилаб ўрганиб олмоғи керакдир.

Андижондаги ҳукумат идораларини маҳкамлаш, пухталаш ишига ҳозир яхшиғина киришгандир. Ҳозир ҳамма идораларга дегундек марказдан келган тажрибалик ўртоқлар қўйулғандир. Энди шаҳар ва уяз меҳнаткаш-деҳқонларининг биргина вазифаси қоладирким, ул ҳам ўз ораларидан номуслик, инқилобни яхши кўратурған, ғайратлик ўртоқларни таллаб ҳукумат маҳкамаларига юбормоқдир. Шундай қилған вақтларида, ўз ҳаётларини яхши сақлайтурған, содиқ ва фидокор ишчи ўғулларни еткузган бўлурлар.

Шодиқул

**ЯҚИН ШАРҚ**

*Ушбу бўлимда Яқин Шарқ минтақаси мавзусига доир «Курдистонда инглиз зулми», «Ўртоқ Сўриснинг баёноти», «Эрон ҳукуматида ўзгариш», «Туркия жавобгар эмиш», «Рауфбекнинг фикри», «Туркия ҳукуматининг баённомаси» номли қисқа хабарлар берилган.*

**БОШҚАРМАҒА ХАТ**

Андижон тинчсиз вақтларда йўқ қилиниш даражасига келган эски шаҳар муоянахоналари (амбулатўрия) тинчлиқ бўлғандан сўнг ҳам яхши йўлга қўйилмайдир. Эски шаҳар аҳолиси учун йироқ бўлған катта кўчадаги муоянахона ҳам яхши дўқтурларга молик эмасдир. Эски шаҳарнинг ўрта бир ерига муоянахона очмоқ ва яхши дўқтурлар билан таъмин этмак ҳаракати кўрулса эди.

Андижонлик

(3-бет)

## БОСМАЧИЛИҚ БИЛАН КУРАШ

**Штаб хабари (26 июнь)**

Раҳмон қўрбошининг амакиси бир йигит, икки барданка билан ушланган.

Андижон эски шаҳар милициясига Қозоқ қўрбоши йигитларидан 3 йигит бир винтўфка, 2 топпонча билан кириб қўшулған.

Аҳмат полвон уйидан ярадор бир йигит ушланган.

Исломқул қўрбошининг бир биродари ушланиб, 4 винтўфка, бир револвер олинған.

Маматкарим қўрбоши ва Бойтуманнинг биродари йигити билан топширилди. Булар бир винтўфка, 4 топпонча берганлар.

**(27 июнь)**

Қозоқнинг бир йигити бир винтўфка, 2 барданка, 2 топпонча билан топширилди.

Қозоқбойнинг 3 йигити топширилди. Яна икки йигит қўшулди.

Умирзоқнинг бир йигити бир винтўфка билан топширилди.

Мирзо Аҳмат 5 нафар яроғлиқ йигитлари билан топширилди.

Назарнинг бир йигити 3 барданка билан топширилди.

Қозоқ билан Бурава деган жойда бўлған бир урушда Қозоқнинг 20 ча кишиси барҳам еган.

Юсуф Махдумнинг бир йигити ушланған.

Кичик Қозоқ тўпидан икки киши топширилди.

Яна Кичик Қозоқ тўпидан бир йигитни бир винтўфка ва икки қиличи билан Султонобод милициялари ушлаб олғанлар.

Қозоқ тўпидан бир йигит қўшулди.

Аҳмат полвон тўпидан Файзиддин қўрбоши бир винтўфка, бир барданка, 60 ўқ билан топширилған.

Шу тўпдан яна бир йигит бир топпонча, 2 от, бир наган, 77 ўқ билан топширилған.

Асака томонда 3 винтўфка, икки барданка қўлға тушкан.

Фарғона томонда бир йигит ханжар билан тутулған.

Бир тўқунишда босмачилардан 18 киши ўлиб, 3 киши ярадор бўлған ва 9 от ўлган.

## МИЛЛИЙ МУЗИҚА МАКТАБИ КЕРАК

Бизнинг эски оҳангларимизни сақлайдурған нарса ўзимизнинг миллий музиқамиздир. Уни аҳамият билан сақламоғимиз керак.

Ҳозир ўлкамизнинг катта шаҳарларида бу ишка катта куч билан япишиб, миллий куйларимизнинг йўқ бўлуб кетмаслиги учун уларни Оврупа нўталарига олдирадирлар.

Бизнинг эски оҳангларимизни топиб, бир тартибга қўймоқ йўлида миллий музиқамизнинг берилган ҳаваскорларидан Ғулом Зафарий ўртоқ тиришиб юрубдир. Бу ўртоқ миллий музиқамизға ҳар ерда ҳавас уйғотмоққа муваффақ бўлди; бу тўғрида унинг «Ҳалима» пийесаси яхши хизмат қилди. Энди ҳозирғи ҳаракати эски унутулған оҳангларимизни топмоқ, бор қадарисини аслича сақлаб қолмоқдир. Куйларнинг аслича сақланишлари жуда аҳамиятликдир. Масалан: ўзбек куйларининг кўпи Фарғонадан чиққан. Ҳозирда ҳам шундан (кўпрак Намангандан) чиқиб турадур. Фақат ул куйлар бир шаҳардан иккинчи шаҳарга ўтканда бир оз бузулуб ўтадир. 2-3 шаҳарни отлағандан кейин хайли бошқа бўлуб қоладир. Ҳар куйни ўшал чиққан шаҳарида сақлаб қолиш шу жиҳатдан муҳим.

Фарғонада миллий музиқага бой шаҳарларнинг бири Андижон экан. Фақат бу ерда миллий музиқа орасиға қўпол товушлиқ гармон билан бизга тўғри келмайтурған ўрус искрипкаси кириб қолибдир. Бу миллий музиқамизнинг томуриға болта чопмоқ демакдир. Бунинг олдини олиш керак.

Бунинг учун ва ҳам, умуман, миллий куйларимизни сақлаб қолмоқ ва балки юксалтмак учун кичкинагина бўлса ҳам бирар мактаб олдида бўлса ҳам бир миллий музиқа мактаби керак.

Қани, маориф шуъбаси билан Андижон ёшлари мунинг аҳамиятини тушуна олурларми экан? Б.

## АНДИЖОН МАОРИФИНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

Букун бизнинг аҳамиятлик масалаларимиздан бири маориф масаласидир. Маориф ишла-

римизни ривожлантирмасдан туруб бошқа ишларимизни ривожлантуратурған кишиларни етуштура олмаймиз. Бу ҳеч бир тониб бўлмайтурған очиқ, равшан бир ҳақиқатдир. Бу ҳақиқат букун ўлкамизнинг ҳар томонида оз-кўб билинган, шунга кўра йўл тутулғандир.

Фақат биз Андижон аҳволиға бир назар солсақ кўрамизким, бу ерда шу очиқ ҳақиқат ё тушунилмаган, ёки тушунулса ҳам, тор доиралардан чиқиб, кенграк ва кўпрак бўлуб тарқалмаған. Унинг ёшлари, зиёлилари, очиқ фикрли йигитлари бу масала билан ҳали мияларини керак қадар машғул қилмағанлар, балки машғул қилмоқни ҳам – нимагадир – истамайдирлар.

Бутун шаҳарда, шундай катта ва зўр шаҳарда неча ўн минг мусулмонға фақат 3 кина болалар уйи бор. Ул уйларнинг қўйулуши ҳам кўнгилдагидек эмас, хайли қизғонч ва оғирдир. Мунга тезлик билан бир чора изламак керак. Бу камчиликни дарҳол битирмак зарур.

Андижоннинг маориф касодлигини битирмак учун ишни мактаб ва интернатлардан бошлашқа тўғри келадир. Шунинг учун биз бу ерда интернатларнинг айтиб бўлмас даражада ёмон бўлған иқтисодий аҳволини қолдириб туруб маънавий томониға кўз солайлиқ.

Манзара кўз олдимизда, ҳар нарса кўрунуб турадир: ул интернатларнинг маънавий ёғини яхшилаб олиб кетгувчи ҳеч ким йўқ. Ҳеч бир интернатнинг маънавий ҳоли «ҳақиқий интернат» маъносини бера олмайдир. Демак, бизга маънавий ёқни идора қилатурған кишилар етиштирмак керак. Бунинг учун биргина восита ҳозир шаҳарда давом этиб турған такрор қурсларидир. Бу қурсларни қандай қилиб бўлса-да йўлаб олиб бормоқ зарур.

Фақат бунинг билангина қаноатланмак етмайдир, ташқариға ҳам кўз солмоқ керак. Яъни бу ерда етишган умидлик ёшларни Хўқанд, Тошкент, Маскав ва бошқа ерлардаги билим юртларига юбормоқ керак. У ерда булунғанларини моддий жиҳатдан ҳимоя қилиб, ёрдамда бўлунмоқ керак.

Мана бу сўнгғи жиҳатга Андижон жуда оз аҳамият берганга ўхшайдир. Андижон бу бобда Марғилон ва Ўшдан ҳам кегиндир. Шунинг учун маориф ишларида ҳам ҳамма вақт улардан кегин бўлғусидир. Маорифда, билимда кегин бўлғанлар ҳамма вақт кўб эзилганлар. Бу Андижон халқига тажриба билан ҳаммадан кўра кўпрак маълумдир.

Гапнинг қисқаси: Андижонда ўлик бўлған маорифни тиргизмак, жони бор бўлса, кучлантирмак керак. Бунинг йўлларини бир қадар кўрсатдим. Энди мақоламнинг охирида фикримни бир таклиф ҳолиға қўяйин:

1. Энг аввал интернатларнинг маънавиятини тузатмак керак. Бунинг учун эса уларда ишлагувчи ўртоқларнинг маънавий кучларини ортдирмоқ керак.

2. Ул интернатлар учун ўзимиздан яхши, ҳақиқий тарбиячилар чиқмаса, оврупалилардан фойдаланмак керак.

3. Андижондан ташқари ҳар ерга ўқуғучилар юбориб, четдаги мактабларни Андижон йигитлари билан тўлдирмоқ ва уларнинг эҳтиёжларидан хабардор бўлмоқ керак.

Боис

**ВАҚФ ШЎРОСИДА**

Бу кунгача яхши ишлаш бир тарафда турсун, ўз идорасини ҳам йўлга қўя олмаған вақф шўроси сўнг вақтларда ишларини йўлга сола бошлади. Шаҳарга қарашлиқ вақф мулкларининг ҳисоби олиниб, уяз учун ҳам ҳаракат бошланди.

25 нчи июндан 15 нчи июлгача қуйидаги вақф мулклари янги низомномага мувофиқ ижорага қўйиладир: Маҳмудия, Исо додхоҳ, Катта мадраса, Узоқбой, Тўрахонбой, Раҳматуллоҳбек, Боқибой, Тоғойбой ҳожи, Бердихўжабек мадрасаларининг вақф жойлари.

Андижон вақф шўроси яқиндаги мажлисларининг бирида хурофот билан халқ миясини ачитатурған муттаҳам, фосиқ қаландар ва маддоҳларнинг бозор, кўча-кўйларда юрушларини манъ қилиб бир қарор чиқарди. Бу қарор ижроқўм (Рефкўм) томонидан тасдиқ қилинғандан сўнг ижро учун милиция идорасига топширилди.

(4-бет)

**ТЎЙ ЧИҚИБ ҚОЛДИ!**

Кечқурун соат 8-9.

Кўчада шовқин-сурон, қий-чий.

Боядан бери гапира-гапира қулоғимни кар қилған сингилга:

– Тўқта, тўқта, – дедим, – кўчада ғалва бор. Тағин нима бало бўлди экан?

Гапириб турғанлар бирдан тўқтадилар. Ҳамма қулоқнинг ўзи бўлуб қолди. Нима экан? Тағин нима бало бўлди экан? Тинглаймиз.

Қий-чий яқинлашадир.

Билдик:

– «Келин тушади» экан!

– 8 арава тўла хотун-халач, юк, сандуқ, кўрпа, тўшак.

Аравакашлар чопалар. Хўтан бўйида кимлардир аравани тўқтатиб, «келин тушди» қилдилар.

Ёр-ёр, шовқун дунёни бузадир.

Қий-чий, қиёмат!

Кўпдан бери тўй кўрмаганлар кўчага чопдилар.

Ойдин. Сутдек, пахтадек ойдин.

Кўчадаги теракларнинг кўланкаси кўча тупроғининг устига сирлик гиламдек ёпилған.

Кўча бўйи. Қаторлашиб чизилған хоналар, уйлар ноз уйқуси билан ухлайлар...

Кўчада, шаҳарда, балки, бутун дунёда чуқур, оғир бир жимжитлик.

Фақат «келин тушди»нинг ғалвасигина дунёни бузадир.

У ҳам ўтуб кетди.

Қий-чий, шовқун йироқларға кетиб йўқолди.

«Келин тушди»ни кўргали кўчага чиқған хотунлардан бири орқасиға қарай-қарай уйга кирадир. Уйга кириб келар экан, ёнидаги кампирга:

– Худоға шукур, юрт тинчланиб қолиб, мана, энди тўй ҳам чиқиб қолди!.. – дейдир...

Қ.

**ФОЙДАЛИК КЎЧИШ**

Шу чоққача янги шаҳарда туруб келган шаҳар хўжалиғи шуъбаси (каммуналний отдел) ижроқўм (рефкўм)нинг буйруғиға мувофиқ яқин вақтда эски шаҳарга кўчуб тушгусидир.

**ҒАФЛАТОБОД**

Андижон маориф шуъбаси Миробод деган қишлоққа бир мактаб очаётибдир, бу тўғрида мана шу газетада бир хабар бор. Меним «Ғафлатобод» деган сарлавҳамни кўруб яна бирар ерда ободончилиқ учун ҳаракат бошланибдир деб ўйламанг. Андижон уязида «Ғафлатобод» деган бир жой бордур-да, у ерга бирор мактаб-пактаб очилатурғандир деб ўйласангиз ҳам янглишасиз.

Маориф шуъбаси ҳозир тинчланиб қолған бир ерга мактаб очди, яна бошқа ерларга ҳам очмоқ нияти бор. Локин бундан Андижон ёшларининг хабари йўқ. Қайси бир авлиё, азиз ва муборак бир зот ўткан замонларда Андижон шаҳрини «Ғафлатобод» деб каромат қилған эканлар.

1910 нчи йилларгача ул зоти бобаракотнинг каромати ҳақ бўлди. 10 нчи июлдан кейин «Ғафлатобод» қимирлади, ҳаракатобод бўлушқа ҳаракат қилди, мактаблар, қурслар, тўдалар, ҳайъатлар, алланима бaлолар очилди. Ёшлар улоқчи от бўлдилар.

Бу ҳол ҳозир йўқ. Ҳозир эмас, 20, 21 нчи иуллардан бери йўқ. Ҳозир икки-уч қалтираб турған мактаб бор. Битта титраб турған қурс бор. Локин бундай нарсалардан ёшларнинг сира хабарлари йўқ. Ёшлар сайил пулини чўнтакга уруш, арақ шишаси (бутылка)ни омол деб билиш, бир-бирларининг оёқларини чалиш кўйидалар.

Ёшлар, бу кун «Ғафлатобод»нинг энг ҳурматлик кишилари муборак авлиёнинг энг мафтун муридлари бўлдилар.

Ёшларни эътиқодсиз деб сўкатурған Шамширхон тўраларга нима десам экан? Шамширхон тўрамлар даррав махдумлар Андижон ёшлариға жон қурбон қилсалар бўладир. Беш-ўн йилдан бери жуда тарақлаб кетаётқан Андижон халқини этагига ёпишиб тўқтатиб қолған, бошини айлантириб, миясини суюлтираётқан «боғайрат тилмиз»лар Андижон ёшлари бўлдилар. Дарвоқе, Андижонни ҳақиқий «Ғафлатобод» қилишда ёшларнинг вазифаси улуғдур.

Буни билмаган, кўрмаган нонкўрдир, кўрдир, кардир.

Аҳли ҳақиқатнинг вирди забони ҳозир шу бўлмоғи керак.

– Зиндабод жавонҳойи Андижон!

– Зиндабод ғафлатободи бежон!

Шумгиёҳ

**СЎНГ ХАБАРЛАР**

*Бу бўлимда «Эронда катта зилзила», «Байналмилалнинг катта мажлиси», «Исвичрага байқўт», «Исвачда сафаримиз» сарлавҳалари билан берилган қисқа хабарлар бор.*

**ЭЪЛОН**
**Андижон шаҳар ва уяз вақф шўроси томонидан**

Андижон вақф шўроси ушбу йил 25 нчи июндан 15 нчи июлгача қуйида номлари ёзилған мадрасаларнинг вақф мулкларини (ҳаммом, сарой, дўкон ва ҳавли-жойларни) шартномалари баробарида бир йиллиқ ижорага берадир:

1 – Маҳмудия мадрасасининг сарой ва дўконлари Каппонда.

2 – Исобек додхоҳ мадрасасининг вақф дўконлари Заргарликда.

3 – Катта мадрасанинг чойхона ва бошқа дўконлари Заргарликда.

4 – Узоқбой мадрасасининг теварагидаги дўконлар ва ҳаммоми.

5 – Тўрахонбой мадрасаси теварагидаги дўконлар Кўрпа бозорида.

6 – Раҳматуллоҳбек мадрасаси теварагидаги дўконлар.

7 – Боқибой мадрасасининг теварагидаги дўконлар Атторликда.

8 – Тоғойбой ҳожи мадрасасининг теварагидаги дўконлар Аҳмадбек ҳожи маҳалласида.

9 – Бердихўжабек мадрасаси теварагидаги дўконлар Дорвоза оғзи гузарида.

Ижора хусусида тегишлик маълумотни авқоф шўросидан ҳар кун иш вақтида сўралса мумкиндир.

Вақф идораси

**ДАРХОН**

**1923 йил 3 июль, 3-сон**



برلەشكز، بوتون دونیا یوقسوللاری!

بو نومرنك باهاسی ۱ سوم.

بو سانده:
– توراتاق عەلی‌خوجەبق بیلەن گەلمەشش.
– ئەندیجانده مەعارف ئشلەری.
– ئەندیجان خەلقی تروتسکی‌نی چاقیرادر.

ئەندیجان شەهر وە ئویەز انقلاب – حزب شوراسی وە انقلاب قومیتەسی‌نك فیکر تارقاتقوچیسی

آدریس:
Андижан, типограф. госиздата редакция газеты „ДАРХАН“.

ئەندیجانده حازرغا هەفتەده ۲–۳ مەرتەبە چیقا تورغان سیاسی وە اجتماعی گەزیتەدر.

№ 3 ۱۹۲۳ یل سیشنبه ۳ ایول سان ۳

آخرگی کوره‌ش.

(1-бет)

## ОХИРГИ КУРАШ

Бир замонларда жаннатдек яшнаб ва гуллаб турған Фарғонамизни 5 йил орасида қон дарёсига чўмултурған, шаҳар ва қишлоқларимизни куйдиришка сабаб бўлған, мамлакатимизни бир вайрона ҳолиға солиб, бойқушларға уя қилиб берган, юз ва мингларча бола-чақаларни кўчаларда сарсон қилиб қолдирған, ҳисобсиз бегуноҳ қонларнинг тўкулушига хизмат қилған босмачи-ўғриларға қарши ҳукуматимиз томонидан охирғи кураш очилди.

Шу кураш билан бечора Фарғонанинг ярадор танасидан Аҳмад Полвон, Қозоқ ва бошқа шунингдек чипқонларни кесиб ташлаб, 5 йилдан бери қон ёш тўккан халққа тинчлиқ бермакчи бўлуб ҳаракатка бошлади.

Шўролар ҳукумати камбағал, бева-бечора ҳукумати бўлғанлиғидан Фарғонанинг бева-бечораларини тезрак тинчлатишга ҳаракат қилиб тез орада мўжжаллаган ишини бартараф қилса керак.

Шўролар ҳукуматининг деҳқон, бева-бечорадан ташкил қилған қизил қўшуни ҳукуматнинг ул мўжжалига тўғрилиқ ва фидокорлиқ билан ишлаб берса керак. Ботур қизил қўшун ва қаҳрамон қизил милицияларимизнинг ғайрати билан тез фурсатда босмачилар йўқ қилиниб, гўзал Фарғона тинчланса, тинчланиб олғандан кейин яна бурунғи ҳолиға қайтишқа, обод бўлушқа юз тутса керак.

Албатта, халқнинг тинчлиғи учун қилиниб ётқан бу ҳаракатларга ўшал тинчлиқ истаган халқнинг ўзи ҳам чинакам ёрдам этмаги керак. Бу кунгача қандай сабаблар билан бўлсада тегишинча ёрдам эта олмаған юрт-эл энди енг шимарлаб ҳаракатга кирмаги керак. Қочиб ётқан босмачиларни тутуб, беркинганларини дарак бериши керак. Қизил қўшунға ҳар ерда йўл кўрсатиб, уни босмачини тутатурған йўлларга олиб чиқиб қўйиуб, кам-кўстига қарашиб, ўзининг шу кунги катта вазифасини ўтамаги керак.

Бу кунги уруш охирғи урушдир, бу кураш энг сўнг курашдир. Бу курашдан сўнг уруш, кураш эмас, яшаш, яшнаш бўлмоғи керак.

Вазифа бошиға, деҳқон ўртоқлар!

Низом ўғли

## СЎНГГИ БУРЧИМИЗ

Биз, Фарғона йигитлари, ёшлари ва онглари ўспурунларининг ҳозирғи вақтда сўнг вазифамиз босмачилиқ офати билан қатъий равишда курашишдир. Дуруст, биз илгарилари ҳам босмачилар билан курашиб келдик. Биз ўзимизнинг маориф майдонимизда унларға қаттиғ зарбалар бериб келдик. Ул майдонда қанча муаллим, ўқуғучи, миялик, умидлик ёшларимизни қурбон қилдиқ.

Локин бизнинг ул курашларимиз бир неча сиёсий ва иқтисодий сабаблар орқасида кўбда муваффақиятлик чиқмади ва босмачилиқ мана шу кунгача биткани йўқ. Энди бўлса ул сабабларнинг бир кўпи орада йўқ. Энди жумҳуриятимизнинг марказий ҳукумати сиёсий ва ҳарбий кучларини юборуб, босмачиларни битириш ишида бизга кўмак бермакдадир. Бизлар ҳозир шул кучнинг атрофига тўплануб, улар билан биргалашиб ўз доирамизда ўзимиз курашишга тегишмиз.

Биттамиз яроқ олиб, биттамиз тарғибот-ташвиқотни олиб бориб, биттамиз сиёсий ва иқтисодий идораларга кириб ишламак билан курашнинг тез тугашига ёрдамлашайлик.

Маориф ишидаги ўртоқларимиздан қурбон бўлғанлари ҳали ҳам кўб; мундан сўнг ҳам уларни босмачиға қурбон қила бермайлик. Ҳаммамиз бир бўлуб ёпишайлиқ-да, юртни тинчлатайлиқ, сўнг эркинлик билан мактабларимизга ёпишармиз.

М.А.

## АҲМАҚЛИҚ ҚУРБОНИ

Маркининг[1] очиқ фикрлик ёшларидан ўртоғимиз Султон Исайуф билан Ризқи Қурбоний иккиси 22 нчи майда боқчада ўлтиришиб бирга заҳар ичишканлар.

Воқеа бундан иборат:

Маркининг бир муаллимасига (исмини ёзмадим, татар қизи) ҳар икави баробар ошиқ бўлған, лекин булар бир-бирлари билан қалин дўст бўлғанлиқларидан ул муаллимага бўлған муҳаббатларини бир-бирларидан яшириб юрганлар.

[1] Ҳозирча «Марки» сўзининг маъноси аниқланганича йўқ (таҳририят).

«Марҳаматлик туташ» бу бечораларнинг иккисига ҳам илтифот этмасдан, бир бошқа билан (исмини ёзмадим) бўлған. Бу воқеа Султон билан Ризқини ўлимга чақирған. Яширин сирлар очилған. Икки мисқол заҳар икки истаканга солиниб, «раҳмат фариштаси»нинг саломатлиги учун кўтарилган, заҳар ичилиш олдида туташға бағишлаб «видо» шеърлари ҳам энг сўнгғи хатлари ёзилиб юборилған.

Масалан, Султоннинг шул хатидан баъзи ерлари:

«Севгилим .... ! Мени‍м сиз учун қилған ҳаракатларим бекорга кетди. Мен сизни севдим, сиз мени севмадингиз. Сиз (....)ни севдингиз. Бу менга маълум бўлди. Шунинг учун сизнинг йўлингизда ёш умримни қурбон этишка мажбур бўлдим. Хуш, сиз шод-хуррам яшанг!»

Ризқининг хатидан: «Севгили дўстим ....! Энди сиз билан кўрушиш йўқ. Бизлар нима учун ёш умримизни хазон қилдиқ? Бу ўзингизга очиқдан-очиқ маълум-ку! Хуш кетдим; сиз эсон-соғ бўлингиз!»

Бу хатлар севилмиш туташға шул соат бориб еткан. Ул туташ югуриб заҳар ичкучилар ёниға келиб: «Бу қатиқни ичинг! Агар ичмасангиз, менга ҳам заҳар беринг» деб сут-қатиқ ичирган. Лекин бу Султонға фойда қилмаған, Султон Исайуф шул куни (22 нчи май) кеч соат 9 ларда ўлган. Ризқи Қурбонуф тирик қолған...

(«Туркистон»)

*Бу саҳифада халқаро сиёсий вазиятга бағишланган «Япўния ва Шўролар», «Уқрайна – Истонбул» каби мақолалар ҳам берилган.*

(2-бет)

## СЎНГ КУРАШ ВА УНИНГ БОРИШИ

(Фарғона музофот инқилоб қўмитаси раиси ва Андижон ҳарб-инқилоб шўро аъзоси ўртоқ Алихўжаеф билан гаплашиш)

### Кураш нима учун бошланди

Шўролар ҳукумати шу чоққача босмачилар билан жиддий суратда кураша олғани йўқ эди. Бунинг, албатта, бирмунча сабаблари бўлуб, ул сабабларнинг энг каттаси ҳам юрт бузулмасун, хароб бўлмасун, деҳқонлар қийналмасун дегандек деҳқон халқни аяш мулоҳазаси эди. Локин тажриба буткул бошқа нарсани кўрсатди. Деҳқон халқни аяб, уруш ишида қаттиғлиқ кўрсатилмагани билан, деҳқон халқ тинч ва роҳат қолғани йўқ. Балки ул босмачилиқнинг давом эта беришининг ўзи деҳқон учун саропо зарар бўлди. Деҳқон кундан-кун таланиб, эмилиб, бор-йўғидан ажраб бормоқдадир. Демак, Фарғонада босмачилиқ давом қила бериб, унинг билан курашишда халқининг риояси деган мулоҳазаларга кетилса, Фарғонани тинчлатмоқ мумкин эмас экан. Дуруст, шўро ҳукумати – деҳқоннинг дўсти, балки – деҳқон ҳукуматининг ўзи. Локин тинчсиз ерда деҳқонға ҳам кун йўқ, бошқаға ҳам. Олдин юрт тинчлансун, деҳқон таласиға қўрқмай чиқатурған бўлсун, сўнгра шўро ҳукумати деҳқонға таласи-экини учун ҳам ёрдам этар. Ҳозир бўлса босмачини битирмак ва юртни тинчитмоқ билангина деҳқонға ёрдам эта оладир.

Мана шунинг учун шу мулоҳазаларни қилиб туруб шўролар ҳукумати босмачиларға қарши охирғи мартаба, жиддий ва бир ёғлиқ кураш эълон қилди.

### Кўрулган чоралар

Шўролар ҳукумати юқоридаги узул-кесил қарорини юзага чиқармоқ учун тезлик билан жиддий чоралар кўра бошлайдир. Масалан: босмачилиқ билан курашишга, уни буткул йўқотишқа еткундай моддий ва маънавий куч тўплайдир. Яъни Фарғонага еткулик қўшун келтирадир. Унинг озиқ-овқатини халқ бўйнига қўймасдан, давлат қўлидан таъмин қилиш учун ҳар бир тадбирни қилиб, шу қадар жонни ҳукумат эҳтиётидан бемалол таъмин қилиб турадир. Уруш ишини олиб бормоқ учун иш бошиға энг ишончлиқ ва тажрибалик кишиларни қўядир. Шунинг билан баробар, кураш ишида ерли халқ кўнгилли қизил милицияларидан кенг суратда истифода қиладир. Унинг таъминотини ҳам халқ қўлидан олиб, ҳукумат ҳисобиға ўтказишка тиришадир (*Андижонда милициянинг таъминоти халқ қўлидан ҳукумат қўлиға ўтди).

Сўнгра қизил курашчилар орасида фаҳм ва идрокни ортдирмоқ учун шу нозик вақтларда ҳам милицияни бекар қўймасдан, унга савод ва сиёсий савод қурслари очиб, ўқутуб турадир. Милиция орасидаги маданий-маориф ишларини қизил қўшунники билан тенглашдириш учун тиришадир.

**Кураш ишида халқ**

Ҳукумат бу курашга эзилган Фарғона халқининг юзини ҳам мумкин қадар кўпрак оралашдирмоқ учун ҳаракат қилмоқдадир.

Маълумдиркимм, босмачилиқдан зарар кўруб турған тинч халқнинг ўзи, бузулған ва таланған унинг рўзгори, хўжалиғидир. Шунинг учун унинг ўзини курашга оралашдирмоқ энг тўғри ва самаралик бир тадбир бўлса геракдир. Бу бобда ҳукумат бирмунча чоралар қилди. Масалан: халқ билан яқин алоқа қилмоқ, халқнинг ҳожати тушатурған ҳама ҳукумат маҳкамаларини яхшилаб, халқға фойдалик бир йўлга солмоқ учун марказдан жуда кўб ерлик халқ ишчиларини келтирадир. Кураш ишида халқни ҳаракатга солмоқ ва халққа янги тадбирларни англатиб, тушундирмоқ учун ҳар шаҳар ва районда халқ кўпчилик вакилларидан иборат фирқасизлар конференцияси ясамоқдадирлар, ул конференцияларда халқнинг тилаги эшитилиб, унга ҳукумат тилаги билдирилмакдадир.

**Натижа**

Узул-кесил курашнинг қисқа миддат орасидаги натижалари жуда яхшидир. Одашқан йигитлар, қўрбошилар ҳар кун дегундек ҳар ерда ҳукумат қўлиға яроғ-аслаҳалари билан таслим бўлуб турадирлар. Одашқанларни йўлга солишда халқнинг ҳам ташаббуси кўрулмакдадир. Кўб ерларда беркинган, қочиб ётқан қўрбоши ва йигитларни халқ тутуб берадир. Маҳалла халқи ўзи ҳукуматга хабар қилмоқдадир.

**Муваффақиятлик рақамлар**

Жиддий кураш бошланған кундан то 16 нчи июнгача, фақат 5 кун орасида Андижон уруш районида ўлдирилган қўрбошилар 4 дир. Буларнинг бири Аҳмад Полвоннинг ноиби Қўчқор, 2 нчиси Қозоқнинг ишонған йигитларидан Қосим, 3 нчиси Усмон Понсод, 4 нчиси Мулла Собирдурким, бунинг ярадор бўлғани тўғрисида хабар бор. Рустам деган қўрбоши қўлға тушурулди.

Ўлдирилган, қўлға тушкан ва қамалған йигитлар 28 та, ёрдамчилари 38 та. 5 кун орасида олинған асбоблар: 20 та ҳар хил усулдаги милтиқлар, 580 та ўқ, 6 топпонча, бир маузер, бирмунча дори.

**Тинчланған жойлар**

Ҳозир Андижон шаҳари тамом тинчланди. Хоканд буткул тозаланди. Олтинкўл ва Ёрбоши бўлуслари ҳам тозаланмоқдадир. Мазкур икки район тинчиб, Қозоқнинг иши битирилса, Андижон шаҳари ва уязи батамом тинчиб қолғусидир.

**Қизил қўшун ва халқ**

Бундан бошқа қизил қўшуннинг халқ билан яхши муомала қилиши учун жиддий чоралар кўриладир. Қўшун орасидаги битта-яримта ярамаслар билан қаттиғ курашилмакдадир.

Қизил қўшун ўзи ҳам халқға ёрдам масаласида идрок ва ақл билан ҳаракат қилмоқдадир. Масалан: қишлоқ, қишлоқларда турған қизил қўшун дасталари ўшал ўзлари турған жойлардаги очларни тўйдирмак учун ул очларға ота (шеф) бўлғанлиқлари тўғрисида ўзлари қарор чиқарадирлар. Масалан: Асака ва Олтинкўл бўлусларида турған қизил қўшунлар ул ерлардаги очларға ота бўлуб, еб турған овқатларидан очларға ҳисса чиқара бошладилар. Қишлоқларда турған қизил қўшун дасталари қишлоқ халқига дору-даво ва дўқтурлар билан ҳам ёрдам қилмоқдадир.

**Турли хабарлар**

*Бу саҳифада халқаро сиёсий вазиятга бағишланган «Русия-Франса», «Япўния ишчилари ва биз», «Гумонлик «меҳмон» (Варшава), «Ниқоб очилди» (Вияна), «Пўпнинг тавбаси» (Маскав) каби мақолалар ҳам берилган.*

(3-бет)

## ШИКОЯТ ҚУТИСИ

### Бошлиқлар йўқ

Ер-сув шуъбасидан кўб вақт на мудир, на маовинини топиб бўлмайдир. У ерда ҳамма вақт тил билмаган ва сиз-бизга «сарт» деб хитоб қилатурған оврупалиларға йўлуқишқа тўғри келадир. Улар ерлик халқ билан совуқ муомила қилалар, мақсадни яхши англата олмайлар.

Рефкўм ерлик халқнинг руҳига яқинроқ кишиларни қўйиш чорасини кўрсун эди.

### Оқсоқ кансалар

Рефкўмнинг ўз кансалари оқсоқ кишига ўхшайдир. Масалан: энг очиқ ёзилған ўрус хатини ҳам жўн ўқуй олмайтурған бир мошинистка бор. Бир қоғозни босиб битиргунча «бу нима, бу нима» деб ўн-ўн беш мартаба иш юргузгучига чопадир. Сўнгра мошинка билан кириш-чиқиш дафтари усталга қўйўлғанлиғидан мошинка ишлаган вақтда дафтарчи қийналиб ҳасрат қиладир ва кичкина бир қоғозни ҳам қўли қалтираб жуда узоқ ёзадир.

Бу нарсалар кичкина нарса бўлса ҳам, эҳтиёжлик халқни жуда кўб сарсон қиладир, мунга диққат этмак керак.

### Майда пул йўқ

Шаҳаримизда майда пул сира йўқ. Бунинг орқасида бутун халқ қийинлиқ чекадир. Подшоҳлиқ бонқа ҳам бутун минг сўмлиқни олмайдир. Шаҳаримизнинг бош идоралари бу тўғрида марказ олдида ҳаракат қилсунлар эди.

### Фарғонага ёрдам

Бутун Русия марказ ижроқўми қошидағи очлиқ натижалари билан курашиш камиссияси томонидан Фарғонада жамоат хизматлари учун 500 000 пут ғалла чиқарилған.

### Чигиртка

Тошкант – Оқмасжид уязидаги экинларни еб тугаткан чигиртка Қирғизистон жумуриятига қараб жилмакдадир. Бунга қарши ҳозир жиддий чоралар кўрилмакдадир.

## ШАҲАР ХЎЖАЛИҒИ

(Шаҳар хўжалиғи бошлиғи ўртоқ С.М.Холботириф билан гаплашиш)

### Шаҳарга ўткан мулклар

Инқилоб бошидан бери шаҳаримизда шаҳар қўлиға олинған хоналар 167 та эди. Ул хоналарнинг кўпи инқилобнинг қизғин даврларида, албатта, нотўғри олинған ва шаҳар учун ярамас уйлар бўлған. Шунинг учун ўткан йили бу хоналар бир қадар текширилиб, натижада 70 фоизи қайтарилишқа тегиш топилған эди. Бу ҳақдаги қарор марказий шаҳар хўжалиғи идорасига юборилғандан кейин у идора тасдиқ қилмади ва ишни қайтадан текширишга буюрди. Шундан сўнг бу ишни текширмак учун рефкўм, шаҳар хўжалиғи ва тафтиш назорати вакилларидан иборат алоҳида бир камиссия тузулди. Ушбу йил январь ойида тузулган бу камиссия яқиндағина ишларини тугатди. Бу камиссиянинг қарориға мувофиқ шаҳар қўлиға ўткан хоналардан фақат 30 фоизигина эгаларига қайтарилиб, қолғанлари шаҳар қўлида қоладир. Қолғанлиғи пухта ва аниқ бўлған жойлардан тегишсиз кишилар чиқарила бошланди. Ўлтуруб қолатурғанларидан ҳам ижора сўраладир. Ҳозир ул биноларнинг шикаст рихтларини тузатмак учун рефкўм тарафидан алоҳида пул чиқарилиб, шунинг ҳаракатига киришилди.

### Экинлик шаҳар жойлари

Шаҳар чегараси ичида бўлған подшоҳлиқ ерлар ва шаҳар қўлиға олинған экинлик ерлар буткул шаҳар қўлида қоладир. Бундай ерларни экганлардан ҳозир шаҳар фойдасига саржиниға олтун боҳоси билан 2 тийиндан ижора олина бошлайдир.

### Янги шаҳарнинг ободончилиқ ишлари

Яқинда янги шаҳардаги аҳолининг умум мажлиси бўлуб, янги шаҳар кўчаларига электрик фанор қўйдирмақ ва кўчаларига сув сепмак тўғрисида масала қўзғатилди. Мажлис бу ҳақдаги доқлодларни эшиткандан сўнг шул ишларни қилмоққа қарор берди. Шаҳар хўжа-

лиғи шуъбаси мазкур қарор юзасидан янги шаҳар кўчаларига электрик чироғлари қўйиш ва сув сепиш ишини мазкур аҳолининг ўзуга топшурди.

Бу ишини юзага чиқармақ учун ҳозир алоҳида бир камиссия ишламакдадир.

**Кўпруклар**

Икала шаҳардаги бузуқ кўпрукларни тузатмак учун шаҳар хўжалиғи шуъбаси томонидан ҳозир иш бошланди.

**Тиётр биноси**

Иона ва ёрдам пуллари билан ишлана бошлаған тиётр биноси битишқа яқинлашқан вақтида маблағ йўқлиғидан сўнг вақтда ишлари тўқталиб қолған эди. Ҳозир рефкўм қарорига мувофиқ бинони тугатиш иши шаҳар хўжалиғи шуъбасига топшурулди. Шуъба ҳозирдан ҳаракатга кирди ва тездан битиришга уринадир.

**Дўканлар**

Икала шаҳардаги подшоҳлиқ дўканларининг эски ижоралари тугалгани учун биринчи июлдан бошлаб олти ой миддат билан янги ижора қилинадир.

**Мактаб бинолари**

Мактаблар ва бошқа бутун маориф муассасалари жойлашқан бинолар шаҳар қўлида деб ҳисобланадир. Уларнинг шикаст-рихтларини тузатиш жуда лозим бўлса ҳам, маблағ йўқлиғидан бу иш тўқталиб туриб эди. Ҳозир ул тўғрида ҳам ҳаракат ва ҳозирлиқ кўрулуб турадир. Биринчи фурсат чиқиши билан ишга бошланур.

**Молия ишлари**

Шаҳарнинг молия ишлари яхши эмас, оғир. Бунинг катта сабаби, албатта, шаҳарнинг бир неча йиллар тинчсиз бўлушидир. Энди шаҳар тинчланмоққа бошлади. Тинчлиқ бўла бериши нисбатида шаҳарнинг молиявий арвати ҳам ўса борсаеракдир.

**Энг кераклик қурс**

27 нчи июндан бошлаб темир йўлда ишлагучи ўзбак ишчилари учун қирқ кишилик бир қурс очилди.

**ШАҲАРИМИЗДА**
**Тротскийни[1] чақиралар**

Яқинда бўлуб ўткан шаҳар ва уяз қўшчи вакилларининг кенгаши босмачилар билан қаттиғ кураш бўлуб турған вақтда ўртоқ Тротскийнинг Туркистонга келиб, аҳволни ўз кўзи билан кўруб кетишини сўраб қарор чиқарди.



Л.Д.Троцкий

**Ишчилар қулуби**

Эски шаҳар касабалар иттифоқининг ҳаракати орқасида эски шаҳар ишчилари учун (семун бино)да ишчилар қулуби очилди. Қулуб олдида қироатхона ҳам бўлуб, соат 9 дан 3 гача очиқдир.

**Ишчилар босмачиларға қарши**

Эски шаҳар ош пиширгучиларининг умумий йиғинида босмачилар билан курашиш тўғрисидаги маъруза эшитилгандан сўнг ушбу қарор чиқарилди: «Фарғонада босмачилиқни буткул йўқ қилмақ керак. Бунинг учун эса ҳар бир виж-

[1] Лев Давидович Троцкий (1879 – 1940) – РСФСР, СССР инқилобий ҳарбий кенгаши раиси (1918 – 1925).

донлиқ ишчига лозимдирким, босмачиларнинг турған ерини ҳукуматка билдирсун».

**Қўшчилар канференсияси**

Яқинда эски шаҳарда «Қўшчи» союзларининг канференсияси бўлуб ўтди. «Қўшчи» вакилларининг ўзларидан ҳайъат раёсат сайланғандан сўнг фахрий раисликга Калинин ҳам Троцкий ўртоқлар, раёсат ҳайъатининг фахрий аъзолиғиға Рўзенблум, Хидиралиеф, Рисқулиф, Исфандиёриф, Саккизбоеф ва Алихўжаеф ўртоқлар кўрсатилиб, бир оғиздан қабул қилиндилар.

Бирлик ва қизғинлиқ билан ўткан бу канференсия «Қўшчи» союзлари учун яхши қарорлар чиқарди. Қарорларни келгуси сонларда босармиз.

**Вистафкага ҳозирлиқ**

15 нчи авғустдан бошлаб Маскавда очилатурған халқ хўжалиғи вистафкасига Андижон санойи нафиса аҳлларидан сурнайчи ва машшоқлар оралашадирлар. Булардан тегишлик кишиларни ҳозирлаб олиб кетмак учун Туркистон маориф камиссарлигидан билим шўросининг мусиқа шуъбаси мудири ўртоқ Ғулом Зафарий шаҳаримизга келиб кетди.

(4-бет)

**АНДИЖОНДА МАОРИФ ИШЛАРИ**
**«Нашри маориф» китобхонаси**

«Нашри маориф» номидан очилған «Юлдуз» китобхонасига 600 қадар ҳар хил фан китоблари олинди. Бу китоблар бозор нархининг ярим боҳосида маориф ҳаваскорларига тарқатиладир.

**Кутубхонамиз**

Шаҳаримизда биргина бўлған қироатхона ва кутубхонамиз янги китоблар йўқлиғидан қийналадур. Бу кутубхона учун кўпрак ва улгуржирак бир нарса олиб бериш учун ҳеч ким ҳаракат қилмади. Ўшал неча йиллик эски китоблари билан ҳали ҳам оқсаб-тўқсаб давом этмакдадир.

Яқин орада кутубхонага фақат 90 тагина ҳар турлук фан китоблари олдирилиб, қўшулди.

**Саводсизлиқ ишлари**

Ишчи-деҳқонлар орасида саводсизлиқни битиришка тегиш бўлган сиёсий маориф шуъбаси бу кунгача ҳеч бир жон асари кўрсатмайдир. Илгари бундай ишларга босмачилар моне бўлған эсалар, ҳозир улар битиб келмакдалар. Шаҳарнинг ўзи ва уязнинг жуда кўб ери тинчланди. Энди қараб турмақ керак эмас эди. Билмадикким, бу бўшанглиқ нимадан бўлса?

**Ёшлар қироатхонаси**

Ёшлар қироатхонаси ўлик ҳолидадир. 600 қадар китобдан ҳозир фақат 230 тача китоб қолибдир. Жавон, устал ва бошқа асбоб-ускуналари йўқ бўлуб-бўлуб, энди озғина нарса қолди. 55 та китоби муқобачининг дўконида пулсизлиқдан олинмай ётадир.

Ёшлар ишини қўлға олған янги ўртоқларимиз мунга диққат қилсалар экан.

**Саҳнада айиқ ўйини**

Эски шаҳар саҳнаси сиёсий маориф номидан сиркка ижора қилинған. Саҳнада ҳозир айиқ ўйнаб турубдир. Халқ шундай ишларни кўргандан сўнг саҳна билан от ўйунга қандай фарқ қўя олур?

**УЯЗДА**

(Ўз мухбирларимиздан)

**Босмачилар билан кураш**

Андижондан чиқиб, бой тожик қишлоғиға келиб турғучи қизил қўшунларимиз орасиға қўрбошилар томонидан икки йигит айғоқчи (жосус) юборилған эди. Булар бизнинг қизил қўшун олдиға келиб: «Фалон қишлоқда қўрбошилар бор, шуларни уйқу вақтида босамиз» деб аскарларимиздан 15 кишини бошлаб кетганлар. Бу кетаётқан аскарларимизга кечаси соат 2 да Омон полвон фирқаси йўлуқуб қолиб, Омон полвончилар битта ҳам ўқ чиқармасдан қочиб кетганлар. Уларни бирмунча жойғача қувалаб борған аскарларимиз бир от ўлжа қилғанлар.

Жўра Даврониф

**Подшоҳлиқ ерлар[1]**

Андижон уязидаги подшоҳлиқ ерларнинг кўпи 1922 нчи йилгача босмачилар қўл остида бўлуб, подшоҳлиқ томонидан ишлатилмаган эди.

[1] Ҳукуматга қарашли ерлар.

1922 нчи йилдан бошлаб тинчланган жойлардағи ерлар ҳисобга олиниб, улар қайтадан подшоҳлиқ қўлиға кира бошлади. Бу йил бўлса уяздаги подшоҳлиқ ерларининг кўпи подшоҳлиқ қўлидадир.

**Сув**

Уязда бу йил сув еткуликдир. Локин сув йўллари (ариқ ва анҳорлар)нинг кўпи бузулуб кетган. Бузулған сув йўлларини тузатмак учун бу йил чоралар кўрулмакда.

Марказдан суғориш ишлари учун олтун ҳисоби билан анча пул чиқарилған эди, шул пулларни ер камиссарлигининг сув идораси ўз қўли билан сарф қилмоқдадир. Сув идорасининг маҳаллий аҳволни яхши билмаганлиги орқасида пулларни сарф қилған чоқда эгри ишлатишлар бўлуши мумкин. Шунга қарши Туркистон ерсув камиссарлиги жиддий чоралар кўруб, маҳалларда яхши, тўғри ва номуслик кишиларни ишка тортмоғи лозим. Йўқ эса Туркистоннинг ҳаёт томирлари бўлған сув йўллари тузатилиш ўрнига бадтар бузулур.

**Кўгартда таълим-тарбия қурси**

Кўгарт бўлуси Ўктабр посўлкаси (қишлоғи) да қирғиз қардошларимиз учун Андижон маориф шуъбаси томонидан таълим-тарбия қурси очилған. Бу қурснинг мудири ўртоқ Тўлишефдир. Таълим ҳайъатининг кўпи марказдан келган тажрибалик ўртоқлардир.

Қирғиз қардошларимиз орасида маориф ишлари суст давом қилмоқда эди. Шундай қурслар ва мактаблар воситаси билан уларни оқартишқа киришган маориф шуъбаси тақсинга лойиқдир.

**Поезларнинг қатнаши**

**Тошкент йўли**

Пўчта қотори: (4-а/3.)

Андижондан жўнайдир: соат 11 да (кундуз).

Андижонга келадир: соат 8 – 50 минутда (эрталаб) ҳар кун.

Юк-йўлчи қотори: (№22-а.)

Андижондан жўнайдир: 5 – 20 минутда (саҳар). Душанба, панжшанба, шанба кунлари.

Юк-йўлчи қотори: (№21-а.)

Андижонга келадир: соат 22 – 44 минутда (10 – 44 м. кечқурун). Сешанба, жума, якшанба кунлари.

**Жалолобод йўли**

Пўчта-юк-йўлчи қотори: (№23-д.)

Андижондан жўнайдир: соат 10 да (эрталаб). Якшанба, сешанба, жума кунлари.

Пўчта-юк-йўлчи қотори: (№24-д.)

Андижонга келадир: соат 21 – 58 минутда (с. 9 – 58 м. кечқурун). Якшанба, сешанба, жума кунлари.

**ЭЪЛОН**

*Ушбу эълон «Дархон» газетасининг 2-сонида Андижон шаҳар ва уезд шўроси томонидан берилган эълон билан айнан бир хил.*

# АКАДЕМИК ҒАНИ АБДУРАҲМОНОВНИНГ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИ ҲАҚИДАГИ ХОТИРАЛАРИ

**Раҳматжон Арслонзода,**
**тарих фанлари номзоди, ФарДУ доценти**

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Ғани Абдураҳмонов (1925 – 2016) ўзбек тилшунослиги фанига улкан ҳисса қўшган таниқли олим, республикамизда олий таълимни ривожлантириш йўлида фидокорона меҳнат қилган моҳир педагог, раҳбар ва давлат арбоби эди.

Ғ.Абдураҳмонов 1946 йилда Фарғона давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаб, шу олийгоҳда дарс бера бошлади. Сўнгра Самарқанд давлат университети қошидаги аспирантурада таҳсил олиб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. У Фарғона давлат педагогика институтида ўзбек тили кафедраси ўқитувчиси лавозимидан институт проректоригача бўлган йўлни босиб ўтди.

1958 – 1966 йилларда Ғ.Абдураҳмонов ўз меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида давом эттириб, бу ерда ўзбек тилини қиёсий ўрганиш секторини бошқарди. 1960 йилда докторлик диссертациясини ёқлади, 1966 йилда унга профессор илмий унвони берилди. 1968 йилда у Ўзбекистон Фанлар академиясиинг мухбир аъзоси, 2000 йилда эса академик этиб сайланди.

Ғани Абдураҳмонов кейинги меҳнат фаолияти давомида ўзини олий таълимнинг моҳир ташкилотчиси сифатида намоён этди. У Фарғона давлат педагогика институтининг ректори, Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазири, Тошкент хорижий тиллар педагогика институти ректори, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Атамашунослик қўмитаси раиси, Ўзбекистон ФАнинг Тилшунослик институти бош илмий ходими лавозимларида сидқидилдан меҳнат қилиб, республикамизда фан ва олий таълим тизимини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. У икки марта Ўзбекистон Олий Советининг депутати этиб сайланди.

Қаерда ва қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, Ғ.Абдураҳмонов илм билан шуғулланишни канда қилмади ва ўзбек тилшунослиги соҳасида етук олим бўлиб етишди. Унинг 200 дан ортиқ илмий ишлари нашр этилган. Улар орасида «Қадимги туркий тил синтаксиси», «Ўзбек халқи ва тилининг ривожланиш тарихи», «Қадимги туркий тил», «Ҳозирги ўзбек адабий тили (Синтаксис)» каби монографиялари, қатор дарслик китоблари ва ўқув қўлланмалари Ўзбекистонда тилшунослик фани ва олий таълим ривожланишида муҳим ўрин эгаллади.

Биз бу ерда академик Ғани Абдураҳмоновнинг муфассал таржимаи ҳолини баён этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўймадик, чунки унинг ҳаёт йўли ва илмий фаолияти қатор биобиблиографик очеркларда етарли даражада ўз аксини топган. Уларда келтирилган аксарият маълумотлар тўғрилиги жиҳатидан ўқувчида шубҳа туғдирмайди. Аммо кўрсатиб ўтилган нашрларда Ғ.Абдураҳмоновнинг туғилган жойи масаласида хатоликка йўл қўйилган.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг 1-жилди[1] ва аксарият биографик очеркларда[2] Ғани Абдураҳмонов 1925 йил 3 декабрда Фарғона шаҳрида туғилганлиги қайд этилган. Н.Солиев ва Р.Қорабоева қаламига мансуб «Фарғона олимлари» китобида эса таниқли олим кўрсатиб ўтилган санада Марғилон шаҳрининг Ёйилма маҳалласида таваллуд топганлиги таъкидланган.[3] Бизнинг фикримизча, ушбу масалага ойдинлик киритиш вақти келди.

Биз Фарғона давлат университетининг идоравий архивида сақланаётган Ғ.Абдураҳмоновнинг шахсий йиғмажилдида жамланган ҳужжатлар билан танишиб чиқдик. Ҳужжатларни ўрганиш асосида таниқли олимнинг туғилган жойи барча нашрларда нотўғри берилган деган хулосага келдик.

Архивда сақланаётган Ғани Абдураҳмоновнинг шахсий йиғмажилдидаги 2 та ҳужжатда у 1925 йил 3 декабрда Андижон шаҳрида туғилганлиги қайд этилган. Иккала ҳужжат ўша даврдаги анъанага мувофиқ рус тилида битилган.

Биринчи ҳужжат Ғ.Абдураҳмоновнинг шахсий варақаси бўлиб, унда «Место рождения» («туғилган жойи») деган қаторда «гор. Андижан» («Андижон шаҳри») деб ёзилган. Шахсий варақа 1966 йил 1 декабрда Ғани Абдураҳмонов Фарғона давлат педагогика институтига ректор бўлиб келган пайтда ёзув машинкасида тўлдирилган. Аммо «личная подпись» («шахсий имзо») деган жойда унинг имзоси йўқ.

Иккинчи ҳужжат ҳам айнан шу санада тузилган. Бу Ғани Абдураҳмоновнинг автобиографияси, яъни таржимаи ҳолидир. Ушбу ҳужжат ҳам ёзув машинкасида терилган. Ишонч билан айтиш мумкинки, дастлаб Ғ.Абдураҳмонов таржимаи ҳолни ўз қўли билан ёзган, кейин эса котиба уни машинкада кўчирган. Машинкада ёзилган вариантни Ғани Абдураҳмонов шахсан ўқиб чиқиб, охирида ўз имзосини қўйган. Бизнинг шахсий архивимизда Ғ.Абдураҳмонов талабалик йиллари ҳақида ўз қўли билан ёзиб берган 3 варақдан иборат хотиралари сақланмоқда.[4] Ушбу хотираларнинг охирида унинг шахсий имзоси бор ва бу имзо таржимаи ҳолдаги имзо билан бир хил. Демак, машинкада ёзилган таржимаи ҳолни Ғ.Абдураҳмонов шахсан ўқиб чиқиб, унга имзо қўйганлиги шубҳасиздир.

Ғани Абдураҳмоновнинг автобиографиясида келтирилган маълумотлар унинг таржимаи ҳолига айрим аниқликлар киритиш имконини беради. Мазкур ҳужжатда ёзилишича, унинг онаси Ризақулова Шарофатхон асли марғилонлик бўлиб, Андижон шаҳрида яшаган Аҳмадалиев Турсун деган шахсга турмушга чиқади. 1925 йил 3 декабрда уларнинг оиласида Андижонда ўғил фарзанд дунёга келади. Унга Ғанижон деб исм қўядилар. Аммо Ғанижон бир ёшга кирганда Аҳмадалиев Турсун хотини билан ажрашади. Натижада Шарофатхон бир яшар ўғилчаси Ғанижон билан Марғилонга, акасининг уйига қайтиб келади.

Ушбу воқеадан 6 йил ўтгач Шарофатхон Ризақулова иккинчи марта турмушга чиқади. Бу ҳақда биз олимнинг таржимаи ҳолида қуйидагиларни ўқиймиз. «1932 йилда, – деб ёзади Ғани Абдураҳмонов, – менинг онам Фарғона шаҳрида яшаган Мадиёров Абдураҳмон деган шахсга турмушга чиқди. Биз онам билан Фарғона шаҳрига кўчиб ўтдик. Абдураҳмон Мадиёров мени ўз ўғлидек қабул қилди ва барча ҳужжатларни ўз номига расмийлаштирди».

Юқорида келтирилган маълумотлардан Ғани Абдураҳмонов аслида Андижон шаҳрида туғилганлиги, лекин кейинчалик Фарғона шаҳрида яшаган Абдураҳмон Мадиёров унга оталик қилиб, вояга етказганлиги аён бўлади.

---

[1] Абдураҳмонов Ғанижон Абдураҳмонович // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2000. – Б.40.

[2] Қар.: Абдурахманов Гани Абдурахманович А // Биобиблиографические очерки о деятелях общественных наук Узбекистана. Ч. 1 / Составитель Б.И.Лунин. – Ташкент: Фан, 1976. – С.23 – 26; Юсупов Э.Ю. и др. К 60-летию Г.А.Абдурахманова // Общественные науки в Узбекистане. 1985. №12. – С.67 – 68; Абдураҳмонов Ғанижон // Қулматов Э. Олтиариқ олимлари. – Фарғона, 2010. – Б.13 – 18; Ғанижон Абдураҳмонов // Фарғона филология мактаби / Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар Й.Солижонов, Ш.Искандарова, З.Раҳимов. – Фарғона, 2015. – Б.48 – 51; Ғанижон Абдураҳмонов // Фарғона давлат университети. II қисм: Илм ва таълим фидойилари (Библиографик маълумотлар). – Фарғона, 2015. – Б.15 – 16 ва ҳ.қ.

[3] Ғани Абдураҳмонов // Солиев Н., Қорабоева Р. Фарғона олимлари (Биринчи китоб). – Фарғона, 2017. – Б.108 – 117.

[4] Ғ.Абдураҳмоновнинг хотиралари «Водийнома» журналининг ушбу сонида эълон қилинмоқда (*Муҳаррир*).

Аслини олганда, академик Ғани Абдураҳмоновнинг қаерда туғилганлиги ўта муҳим масала эмас. Шунинг учун бўлса керак, олим тириклик пайтида нашр этилган очеркларда унинг туғилган шаҳри Фарғона деб ёзилганда бунга эътироз билдирмаган. Фан учун муҳим бўлган факт Ғани Абдураҳмонов илмий мактаб яратган ўзбекистонлик таниқли тилшунос олим бўлганлигидир. Аммо тарих ҳар қандай каттаю кичик масалада аниқликни талаб қиладиган фандир. Шунинг учун биз архив ҳужжатларидан топган ушбу маълумотни кенг жамоатчиликка етказишни лозим топдик.

Ғани Абдураҳмоновнинг таржимаи ҳолидаги энг ёрқин сиймо, шубҳасиз, уни оқ ювиб, оқ тараб катта қилган отаси (ҳақиқий маънодаги отаси десак муболаға бўлмайди) Абдураҳмон Мадиёровдир. Ғани Абдураҳмонов бу бағрикенг ва меҳрибон инсонни ўзининг ҳақиқий отаси деб билиб, унинг исмини ўзига ва авлодларига фамилия сифатида қабул қилди.

Ғани Абдураҳмонов 2016 йилда вафот этди ва Марғилон шаҳри яқинидаги Хўжа Маъоз қабристонида дафн этилди.

*Академик Ғани Абдураҳмонов қаламига мансуб ушбу мўъжазгина хотиралар ўз тарихига эга.*

*2009 йилда Фарғона давлат университети раҳбарияти олийгоҳнинг 80 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни 2010 йилда нишонлашни режалаштирди. Юбилей муносабати билан олийгоҳнинг ўтмиши ва ҳозирги ҳаётига бағишланган китоб тайёрлаш масаласи кун тартибига қўйилди. Каминани ҳам ижодий гуруҳ таркибига қўшдилар. Менга олийгоҳнинг совет даври тарихини ёзиш вазифаси юклатилди.*

*Мен собиқ Фарғона педагогика институтига бағишланган китоблар ва буклетлардан, даврий матбуот ва оғзаки тарих материалларидан фойдаланиб баҳоли қудрат олийгоҳнинг совет давридаги тарихини ёздим. Бу борада менга Ш.М.Абдуллаев ва Т.М.Мамуров томонидан совет даврида рус тилида нашр этилган «Фарғона давлат педагогика институти – педагогик кадрлар тайёрлаш ўчоғи»[1] деб номланган китоб жуда асқатди.*

*Аммо иш жараёнида Фарғона давлат педагогика институти жамоасининг Иккинчи жаҳон уруши давридаги ҳаётига доир материаллар озлиги сезилди. Шунинг учун менда ушбу бобни уруш йилларида институтда таҳсил олган собиқ талабаларнинг эсдаликлари билан тўлдириш фикри пайдо бўлди. Мен респондент сифатида ўша вақтда Тошкент шаҳрида истиқомат қилган академик Ғани Абдураҳмоновни танладим, чунки уруш йилларида у киши Фарғона педагогика институтида ўқиганлигидан хабардор эдим.*

*Биз Ғ.Абдураҳмонов билан у киши 2000 йилларнинг бошларида Фарғона давлат университетига Давлат Аттестация Комиссиясиинг раиси бўлиб келганларида бир марта учрашганмиз. Лекин у киши билан жуда яқин муносабатда эмас эдим. Шунинг учун университетнинг ўзбек филологияси факультетида дарс берган келинлари филология фанлари номзоди Дилфузахон Хўжаева орқали Ғ.Абдураҳмоновдан уруш даврига оид эсдаликларини ёзиб беришни илтимос қилдим. Маълум вақтдан кейин Дилфузахон Хўжаева у кишининг уч варақдан иборат дастхатини менга тақдим этди. Дастхат ҳозирги кунда менинг шахсий архивимда сақланмоқда.*

*Хотиралар шахсан академик Ғ.Абдураҳмоновнинг қўли билан ёзилган. У киши унга сарлавҳа ҳам қўймаган, охирида сана ҳам кўрсатилмаган эди. Д.Хўжаева менга дастхатни 2009 йилнинг охири – 2010 йилнинг бошларида тақдим этганлигини ҳисобга олсак, хотиралар тахминан ана шу вақтда ёзилган деб айтиш мумкин. Биз университетнинг уруш давридаги ҳаётини ёзишда ушбу қўлёзмадан қисман фойдаландик».*[2]

Аммо бизга номаълум сабабларга кўра Фарғона давлат университетининг 80 йиллик юбилейи нишонланмади ва режалаштирилган китоб ҳам нашр этилмади. Фақат беш йилдан кейин ўша вақтдаги университет ректори Ш.Х.Тош-

[1] Абдуллаев Ш.М., Мамуров Т. Ферганский государственный педагогический институт им. Улугбека – кузница подготовки учительских кадров. – Ташкент: Узбекистан, 1991. – 146 с.

[2] Қар.: Фарғона давлат университети. I қисм: Тарих ва юксалиш йиллари. – Фарғона, 2015. – Б.26.

# ЛИЧНЫЙ ЛИСТОК

## по учету кадров



Фамилия А Б Д У Р А Х М А Н О В

имя Г А Н И отчество

Пол мужской Год, число и м-ц рождения 3 декабря 1925г.

Место рождения гор. Андижан, УзбССР.
(село, деревня, город, район, область)

5. Национальность у з б е к 6. Соц. происхождение служащий

7. Партийность Чл. КПСС партстаж март, 1946г. партбилет № 05979996

8. Состоите ли членом ВЛКСМ, с какого времени и № билета

9. Образование в ы с ш е е

| Название учебного заведения и его местонахождение | Факультет или отделение | Год поступления | Год окончания или ухода | Если не окончил, то с какого курса ушел | Какую специальность получил в результате окончания учебн. заведения указать № диплома или удостоверения |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. Госучительский институт, в г. Фергане. | узбекского языка и литературы | 1942 | 1944 | оконч. | Преподаватель родного языка и литературы. |
| 2. Госпедагогический институт в гор. Фергане. | Узбекского яз. и лит. | 1944 | 1946 | оконч. | Преподаватель родного языка литературы |
| 3. Аспирантура при Самаркандском Госуниверситете, в гор. Самарканде. | Узбекское языкознание. | 1947 | 1950 | оконч. | Языковед. |

10. Какими иностранными языками и языками народов СССР владеете русский, тюркские языки, немецкий (со словарем).
(читаете и переводите со словарем, читаете и можете объясниться, владеете свободно)

11. Ученая степень, ученое звание Доктор филологических наук, профессор.

12. Какие имеете научные труды и изобретения: Имею опубликованных работ 59 названий общим объёмом 160 печатных листов, в том числе:

1. Субстантивация имен прилагательных, Самарканд, 1950.
2. Узбек тилидан кулланма, Ташкент, 1954 (вышло 7 изданий).
3. Гапнинг ажратилган булаклари, Ташкент, 1955.
4. Кушма гап синтаксиси асослари, Ташкент, 1958.
5. Пунктуациядан таблицалар, Ташкент, 1960.
6. Основы синтаксиса сложного предложения, Ташкент, 1960 и др.

Составляется в произвольной форме собственноручно, без помарок и исправлений, с обязательным освещением следующих вопросов:
1. Год и место рождения, в какой семье родился, чем занимались родители до революции и чем занимаются в настоящее время.
2. Когда, в каких учебных заведениях учился, какое образование получил и специальность.
3. С какого времени начал работать самостоятельно, причины перехода с одной работы на другую.
4. Служил ли в Советской Армии, участвовал ли в боях гражданской или Отечественной войны (где, когда, в качестве кого).
5. Партийность и партстаж.
6. Какую выполнял партийную или общественную работу (где, когда и в качестве кого).
7. Состав семьи и краткие сведения о близких родственниках (братья, сестры, муж-жена, отец-мать мужа, жены).
8. Кто из родственников лишался избирательных прав, подвергался репрессиям, был под судом и следствием (за что, когда и где).
9. Кто из родственников находился или находится за границей, указать в какой стране.
10. Другие сведения, которые Вы считаете необходимым осветить в автобиографии.

Писать разборчиво, аккуратно и только чернилами

## АВТОБИОГРАФИЯ

АБДУРАХМАНОВ Гани
(фамилия, имя, отчество)

Я, Абдурахманов Гани, родился 3 декабря 1925 года в гор. Андижане, в семье служащего.

Мой отец Ахмадалиев Турсун до и после революции был служащим, мать-домохозяйка. Мой отец Ахмадалиев Турсун, в 1926 году, когда мне было всего год, дал развод моей матери – Ризакуловой Шарафат. Мы с матерью переехали к дяде который жил в гор. ~~Фергане~~ Маргилане, он был мелким кустарем.

В 1932 году моя мать вышла замуж за Мадярова Абдурахмана, проживающего в г. Фергане. Мы с матерью переехали в гор. Фергану. Абдурахман Мадяров усыновил меня и все документы оформил на свою фамилию.

В 1932 году я поступил в школу № I гор. Ферганы. В 1942 году я был принят на I курс Учительского института в гор. Фергане. В 1944 году, после успешного окончания института с дипломом отличия, я был оставлен преподавателем при кафедре узбекского языка этого же института. Работая преподавателем, одновременно я учился на III курсе Педагогического института После окончания института я продолжал работать на этой же кафедре.

В 1947 году я поступил в аспирантуру при Самаркандском Госуниверситете и в этом же году экстренно сдал все кандидатские минимумы. В 1950 году на ученом Совете Самаркандского Госуниверситета защитил диссертацию на соискание ученой степени кандидата филологических наук. В этом же, 1950 году, я был назначен заведующим кафедрой узбекского языка Ферганского Госпединститута.

В марте 1955г-я был назначен заместителем директора Ферганского Госпединститута по научной и учебной работе, а в мае 1957 года – и.о. директора этого же института. 22 февраля 1958 года я был освобожден от занимаемой должности в связи с приказом по Министерству Просвещения УзССР за № 78 от 18-го февраля. Указанный приказ Минпроса гласил: " тов. Абдурахманова Г. – зам. директора по учебной и научной работе Ферганского педагогического института, учитывая ходатайство института языка и литературы Академии Наук Узбекской ССР, перевести с I-го марта 1958г. в систему Академии Наук УзССР, освободив его от занимаемой должности.

Ферг. тип. зак. № 4207–1000–55 г.

( Зам.Министра Просвещения УзССР Х.Р.Рашидов)".

В Марте 1958 года я был назначен заведующим сектором историко-сравнительного изучения узбекского языка института языка и литературы Академии Наук УзбССР. Работая в Академии в 1960 году защитил диссертацию на ученую степень доктора филологических наук, в 1966 году утвержден в звании профессора. В Академии в течение 5 лет был членом партбюро, заместителем и секретарем парторганизации.

30 ноября 1966 года приказом по Министерству Высшего образования УзССР за № 297-к я назначен на должность ректора Ферганского государственного педагогического института.

Я имею опубликованных работ 53 названий общим объёмом 160 печатных листов. Женат, имею 3 детей. Я в рядах Советской Армии не служил никто из моих родственников не лишался избирательных прав, не подвергался репрессии, никто из них не проживал и не проживает за границей.

1.XII.1966г — /Г. Абдурахманов/

*матовнинг ташаббуси билан олийгоҳнинг 85 йиллик юбилейи нишонланди. Ўша йили Фарғона давлат университетининг тарихи ва фаолиятига бағишланган икки қисмдан иборат китоб ҳам нашр этилди.*

*Бугун академик Ғани Абдураҳмоновнинг уруш йиллари ҳақидаги хотираларини тўлиқ ҳолда журнал муштарийлари эътиборига ҳавола этмоқдамиз. Муаллиф хотираларига сарлавҳа қўймаганлиги боис биз унга «Оғир синовлар даври» деб ном қўйдик. Тарих ихлосмандлари учун бу хотиралар билан танишиш фойдадан холи бўлмайди деган умиддамиз.*

1942 йил. Немис фашистларига қарши Улуғ Ватан урушининг энг оғир йиллари.... Ватан ҳимоячилари орқага чекиниб, собиқ Советларнинг кўп шаҳарларини душман эгаллаган, аҳолининг кўпи қирилган, бир қисми фронт ортига жўнатилган эди. Фронт орти бўлган Ўзбекистон ҳам Ватан уруши ташвиши, таҳликаси билан яшайди. Бутун халқ хўжалиги фронт учун, ғалаба учун ишлайди. Бозорларда нархлар кўтарилган, асосий овқат – нон, ёқилғи – керосин, уларни олиш учун куну тун навбатда туриш керак.

Меҳмондўст ўзбек халқи душман эгаллаган ҳудуддан ва ўз юртидан кўчирилган оч, юпун аҳолига ўз уйидан жой берди, бир бутун нонини баҳам кўрди.

Ўзбекистонга кўп саноат корхоналари, олий ўқув юртлари, жумладан, II Москва тиббиёт институти кўчириб келтирилди, дунёга машҳур олимлар ва кино усталари ҳам кўчиб келди[лар]. Бу корхона ва олий ўқув юртлари [Ўзбекистонда] ўз фаолиятини давом эттирдилар, кино усталари янги ва янги фильмлар қўя бошладиларки, уларнинг баъзилари ҳозиргача ўз қимматини йўқотмаган.

Мен 1942 йили Фарғона ўқитувчилар ва педагогика институтининг ўқитувчилар бўлимига ўқишга кирдим. Бу вақтларда институт икки йиллик ўқитувчилар ва тўрт йиллик педагоглар институтидан ташкил топган эди. Институтнинг асосий бинолари ярадорларни даволовчи госпиталга айлантирилган [эди]. Бутун институт кичик бир бинога (ҳозирги ал-Фарғоний, эски Карл Маркс кўчасида) жойлашган эди. Бу бинолар 1945 йилдаёқ институтга қайтариб берилди. Бу вақтда институтда физика-математика, тил ва адабиёт, тарих, химиябиология факультетларигина сақланган эди.

Мен биринчи бор физика-математика факультетига кириб ўқидим. Институтда талабалар сони кам бўлганлиги учун бадантарбия дарслари бирга ўтилар эди. Физика-математика факультетидан 6 талаба, тил ва адабиёт факультетида 21 талаба бирга бир қаторда турганимизда институт директори Александр Фёдорович [Колосов] келиб, бизни иккига бўлиб ташлади. Мен тил ва адабиёт факультетига тушиб қолдим. 1944 йили мени аълочи талаба сифатида (мен ҳар икки институтда имтиёзли стипендия – Сталин стипендиясига сазовор бўлдим) ўзбек тили кафедрасига ишга қолдирдилар.

Институтда уруш даврларида Москва, Петербург ва бошқа шаҳарлардан келган машҳур олимлар – профессор Дейнека (педагогикадан), профессор Пустинников ва профессор Очаковский (рус адабиёти), профессор Сиротин (физикадан), доцент Туркенич (диамат ва истмат[1]), доцент Нейман (Ғарб адабиёти) ва бошқалар дарс бердилар.

Уруш давридаги моддий қийинчиликлар туфайли биз, талабалар, ўқиш билан баробар ишлашга мажбур эдик. Мен дадам билан бирга Фарғона туманидаги «Қизил партизан» колхозига кириб ишладик. Бутун ўқиш давомида (1942 – 1946 йиллар) эрталаб колхоз ишлари билан банд бўлиб, тушдан кейин ўқишга шошилардим.

Уруш даврларида талабалардан махсус гуруҳлар тузилиб, Марғилон (собиқ Скобелев) станцияси[да] навбатчилик қилардик. Россия томондан келган ярадорлар ва кўчирилган аҳолини кутиб олар ва госпиталларга ҳамда хонадонларга жойлаштирар эдик. Ҳар йили баҳорда пахта ишловига ва кузда пахта теримига чиқардик. Фронтдан тез-тез қўлга туширилган кийимлар (трофей[2]) ҳам келар ва уларни биз – талабаларга улашар эдилар.

1944 йилдаёқ битирувчи гуруҳ талабалари ва ўқитувчиларнинг армия сафига чақирилмаслиги тўғрисида ҳукумат қарори эълон қилинди. 1945 йил май ойида фронт орқасида хизмат қилган фуқаролар алоҳида медаль билан мукофотландилар.

Уруш даврларида ва ундан кейин 50-йилларгача институтга кириб ўқишга қизиққан ёшлар жуда кам келар, институт раҳбарияти бизни ёшларни ўқишга жалб этиш учун Фарғона водийси вилоятларига юборар эди.

Ғалабадан сўнг институтда аъло ўқиган фаол талабалар қатори мен ҳам 1945 йил августда Москва шаҳрида ўтказилган физкультурачилар парадида қатнашдим.

---

[1] Диамат ва истмат – русча «диалектический материализм» («диалектик материализм») ва «исторический материализм» («тарихий материализм») деган ибораларнинг қисқартирилган шакли. Диамат ва истмат ўша даврдаги марксча-ленинча фалсафанинг таркибий қисмлари ҳисобланган (Р.А.).

[2] Трофей (фр.) – ўлжа.

# ЎЗБЕКЛАР ЭТНИК ТАРИХИНИНГ ТОЛМАС ВА ЕТУК ТАДҚИҚОТЧИСИ ЭДИ

**проф. Очил Бўриев, доц. Фахриддин Раҳмонов, Қарши ДУ**

*«Дунёдан ўтиб кетганларнинг фақат яхши сифатларини ёд этинглар».*

***Ҳадисдан***

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳадиси шарифларида олим мақомини шундай эъзозлаганлар: «Албатта, Аллоҳ таоло, Унинг фаришталари, осмонлару ерлар аҳли, ҳатто инидаги чумоли, ҳатто денгиздаги балиқ ҳам инсонларга яхшиликни таълим берувчи инсонга салавот айтадилар».

Расуллоҳ (с.а.в.): «Илм ўргатинглар ва билинглар, илмда хотиржамлик ва салобат бор, ўргатувчига тавозеда бўлинглар», «Олимлар халқ орасидаги Аллоҳнинг омонатини халққа етказувчи кишилардир», – деганлар. Юқоридаги қуйма ва пурҳикмат нақллардан олимнинг мақоми нақадар юксак эканлигини яққол билиш мумкин.



**Б.Х.Кармишева**

Ўзбек халқи аждодлари тарихи ва этнографияси (элшунослиги)ни чуқур илмий тадқиқ этган шундай мўътабар сиймолар борки, уларнинг илм-фандаги эзгу хизматлари йиллар ўтиши сари тобора ёрқинлашаверади, пурвиқор қоялардек улканлашаверади. Ана шундай йирик этнограф олимлар қаторига, ҳеч шубҳасиз, собиқ Иттифоқ миқёсида танилган элшунос олима, тарих фанлари доктори Болқис Халиловна Кармишевани (1916 – 2000) киритиш мумкин.

Кўзга кўринган этнограф ва туркolog олима, тарих фанлари доктори Болқиз Халиловна Кармишева 1916 йил 13 июлда Шарқий Туркистоннинг Синьцзян провинцияси (Хитой) Ғулжа шаҳрида хусусий савдо фирмаси хизматчиси оиласида таваллуд топган. Москвага савдо ходими сифатида юборилган отаси Халил Фотиҳович 1930 йилда қамалган ва Колимага «халқ душмани» сифатида сургун қилинган. Кармишевлар оиласи Москвадан чиқариб юборилгач, Андижондан қўним топган. Ёш Болқиз Андижон тўқимачилик комбинатида ишчи, қишлоқ кенгашида котиба, Қозоғистон Республикаси Чимкент вилояти Оқсув Жабақлидаги қўриқхона лаборанти, об-ҳаво кузатувчиси ва малака ошириш институтида ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1945 йилда Тошкент шаҳридаги ҳозирги ЎзМУда проф. М.Е.Массон раҳбарлигидаги «Археология» кафедрасида ўқишни тугатган. Сўнгра оиласи билан Душанбеда яшаб, СССР ФАнинг Тожикистон филиали Тарих, археология ва этнография институтида таниқли шарқшунос А.А.Семёнов раҳбарлигида фаолият кўрсатган. 1950 йилда СССР ФА Этнография институти Ленинград бўлимига аспирантурага кирган (илмий раҳбари, профессор Л.П.Потапов). Аспирантурани тугатгач, яна Душанбега қайтган ва ўзи ишлаган институтда илмий котиб, катта илмий ходим бўлган, 1956 йилдан то умрининг охиригача Москвадаги СССР ФА Н.Н.Миклухо-Маклай номидаги Этнография институти (ҳозирги Россия ФА Этнология ва антропология институти) «Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари» бўлимида катта илмий ходим лавозимида самарали илмий тадқиқотлар олиб борган. У 2000 йил 9 октябрда Москва шаҳрида вафот этган.

Олима «Жанубий Тожикистон ўзбек лақайлари» монографияси учун фан номзоди (1951),

«Тожикистон ва Ўзбекистон жанубий туманлари этник тарихи лавҳалари» монографияси учун фан доктори (1978) илмий даражаларини олишга эришган.

Таниқли турколог ва элшунос олима 60 дан зиёд сермазмун асарлар ёзган. Илмий йўналиши – Ўрта Осиё, Қозоғистон, Уралнинг туб халқлари, Тожикистон ва Ўзбекистон ҳудудлари аҳолиси этник тарихи бўйича салмоқли асарлар яратган. Лақай, турк, қарлуқ, қўнғирот каби уруғларни ҳамда ўзбек, тожик, туркман, қирғиз, қозоқ халқлари этник тарихини чуқур илмий тадқиқ этган.

Олиманинг асосий илмий тадқиқот мавзуси «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи ўтроқ аҳолисининг кўчманчилар билан алоқаси» ҳисобланади. Йирик мақолалари: «XIX аср охири – XX аср бошларида Мовароуннаҳр кўчманчи дашти ва аҳолиси (этнографик далиллар бўйича)» (1976); «XX аср бошларида Бухоро хонлиги шарқий бекликлари савдоси ҳақида. Хўжаликнинг ихтисослашуви муносабати билан (этнографик далиллар асосида)» (1979). Энг салмоқли монографияси – «Тожикистон ва Ўзбекистон жанубий туманлари этник тарихи лавҳалари (этнографик далиллар бўйича) (М., 1976)ни мазкур минтақада 30 йилдан зиёд вақт давомида олиб борган этнографик тадқиқотлари маҳсули десак, тўғри бўлар эди.

Б.Х.Кармишева илк бор Мовароуннаҳрда феодализм даврида иқтисодий, илмий, маданий ва этнография тараққиётида энг муҳим омил минтақадаги ўтроқ ва кўчманчи дашт аҳолисининг узвий боғлиқлиги эканини исботлади. Кўчманчи дашт аҳолиси нафақат Мовароуннаҳр ташқарисида, балки минтақадаги кенг чўл ҳудудларда ҳам муҳим ўринда турганлигини илмий асослаб берди.

Демакки, Б.Кармишева Тожикистон ва Ўзбекистон аҳолисининг этник шаклланиши ва тараққиётини биринчилардан бўлиб илмий жиҳатдан ёритган. Шу мавзуга бағишланган юқорида тилга олинган салмоқли монографиясида Шарқий Бухоро, умуман, бутун Ўрта Осиё икки дарё оралиғи аҳолисининг шаклланиш жараёни ва тараққиёти жараёнини тўлақонли баён этган.

Б.Х.Кармишева 1945 – 1971 йилларда 15 дан зиёд жамоа таркибида (1948 – 1949, 1952, 1953, 1957, 1959, 1961, 1964, 1966, 1971) ёки якка тартибда (1945, 1947, 1950, 1954, 1955) экспедициялар, дала этнография тадқиқотларида қатнашган. Масалан, Кўлоб экспедицияси (1948 – 1949), Хуттал отряди (1952 – 1953), СССР ФА Этнография институтининг Тоғолди экспедицияси Ўрта Осиё отряди (1973, 1976, 1979) таркибида иштирок этган. Мазкур экспедициялар материаллари ҳозирги вақтда Тожикистон ФА Тарих, археология ва этнография институти ҳамда Россия ФА Этнология ва антропология институти фондлари (махсус Б.Х.Кармишева фондлари)да сақланмоқда.

Олима раҳбарлигида СССР ФА Этнография институти Ўрта Осиё этнографик экспедицияси Зарафшон отряди ўтган XX аср 50 – 60-йилларида ҳозирги Самарқанд вилоятининг Ургут, Булунғур, Ғаллаорол, қисман Нурота, сўнгра Пастдарғом туманлари аҳолиси (ўзбек, араб, тожик ва бошқа халқлар) этнографияси ўрганилиб, бир қанча илмий мақолалар ёзилган ҳамда салмоқли тўплам – «Ўзбек қишлоқ аҳолиси этнографик лавҳалари» яратилган (М., 1969) (ҳаммуаллифлар Г.П.Васильева, Р.Я.Рассудова, Г.П.Снесарев, Л.Ф.Моногарова). Б.Х.Кармишева ушбу тўпламга масъул муҳаррирлик қилган ҳамда китобнинг «Кириш», «Хулоса» қисмларини ҳамда «Аҳоли», «Аҳолининг турмуш шароити» бобларини ёзган.

Шунингдек, Болқис Халиловна онаси Галия Шоҳмуҳаммад қизининг (1888 – 1971) хотираларини ҳам тайёрлаб нашр эттирган (Кармышева Г.Ш. кызи. К истории татарской интеллигенции (1890 – 1930 годы). – М., 2004).

У таниқли фан арбоблари: Л.П.Потапов, М.С.Андреев, А.А.Семёнов раҳбарлигида илмий фаолият кўрсатган. Шунингдек, йирик этнографлар: Н.А.Кисляков, Е.М.Пешчерева, Р.Я.Рассудова, В.Г.Мошкова, А.К.Писарчик, Н.Г.Борозна, А.Я.Соколова, А.Н.Жилина, С.Н.Шитовалар ҳамда Москвада С.П.Толстов, Т.А.Жданко, О.А.Сухарева, Г.П.Васильева, Г.П.Снесарев, В.Н.Басилов, Н.П.Лобачева, С.С.Губае-

ва, Л.Ф.Моногаровалар билан илмий ҳамкорликда ишлаган.

У Ўрта Осиё минтақаси туб аҳолиси, жумладан, ўзбеклар ичидан маҳаллий этнограф тадқиқотчиларнинг (К.Шониёзов, Ҳ.Исмоилов, М.Бекжонова, Қ.Кубаков, О.Бўриев, Ҳ.Раҳматуллаев, У.Абдуллаев, Т.Салимов ва бошқ.) етишиб чиқишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган. Болқиз Халиловнинг илк ўзбек элшуносларидан бири – Карим Шониёзовнинг етук олим бўлишида ҳам хизмати катта бўлган. Карим Шониёзович 2-жаҳон урушидан ярадор бўлиб қайтиб, олий ўқув юртини (Олий партия мактаби ва ТошДПИ) имтиёзли битиргач, республика миқёсидаги раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Лекин уруш жароҳатлари ва касаллик унинг тўлақонли меҳнат қилишига имкон бермаган.

Карим аканинг рафиқаси, машҳур шарқшунос олима Сабоҳат Азимжонованинг дугонаси Болқис опа Карим акага: «Сиз қарлуқ уруғидан экансиз, қарлуқлар этнографияси мавзусини номзодлик диссертацияси сифатида ишланг», – деб маслаҳат бериб, ўз устози проф. Л.П.Потаповга тавсия этган.

Карим ака Этнография институтининг Ленинград бўлимига аспирантурага кириб, қарлуқлар этник тарихи ва этномаданиятига бағишланган номзодлик диссертациясини муддатидан олдин тайёрлаган ва ҳимоя қилган (1960), салмоқли монография ёзган (1964). У ЎзФА Тарих ва археология институтида илмий ходим, 1964 йилдан то умрининг охиригача (2000 йил октябрь) этнография бўлими мудири сифатида фаолият кўрсатди. 1974 йилда докторлик диссертациясини ёқлади, 1994 йилда ЎзФА мухбир аъзолигига сайланди, 2000 йилда эса ҳақиқий аъзо бўлди.

Б.Х.Кармишева Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари, жумладан, Ўзбекистондан борган элшунос тадқиқотчиларга қўлидан келган ёрдамини аямаганлигига кўп мисоллар келтириш мумкин. Эсимда, каминанинг (О.Б.) 1983 йил 3 январда ЎзФА Тарих институти Этнография бўлимида проф. К.Шониёзов раҳбарлигидаги номзодлик диссертациям қўлёзмаси муҳокама қилиниб, бир овоздан ҳимояга тавсия этилди. Ўша даврда этнография бўйича Ихтисослашган кенгашлар фақат Москва ва Ленинград (Санкт-Петербург)да фаолият кўрсатарди, холос.

Диссертациям СССР ФА Этнография институтига ҳимояга юборилди. 1983 йил июнь ойида мазкур институтга номзодлик минимуми топширишга бордим. Имтиҳондан бир ҳафта олдин Москва шаҳридаги Этнография институтига йўл олдим. Эрталаб 8:30 ларда институт биноси фойесидаги гардероб олдига 65 яшар чамаси бир аёл кириб келди ва менинг русча саломимга ўзбекча алик олди. Мендан ўзбекчалаб Каримжоннинг (К.Ш.) шогирдимисиз деб сўраб, институтнинг «Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари» бўлими раҳбари проф Т.А.Жданкога таништирди, сўнгра мазкур бўлимга олиб борди.

Бўлим илмий ходимлари билан яқиндан танишгач, институт қошидаги кичик кутубхонада тайёрланиб, бир ҳафтадан сўнг номзодлик имтиҳонини топширдим. Бу даврда Болқис опа ҳол-аҳволимдан хабар олиб турди, бўлим илмий ходимлари В.Н.Басилов, Г.П.Васильева ва бошқалар қўллаб-қувватлашди. Москвада Ихтисослашган кенгаш ниҳоятда бандлиги учун иттифоқдош республикалар тадқиқотчилари қатори институтнинг Ленинград бўлимига ўтказишди, 1985 йил 11 июнда диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилдим.

Ленинградда Р.Ф.Итс, В.П.Курилев, М.В.Сазонова, Ф.Д.Люшкеевич, Р.Я.Рассудова, А.М.Решетов, Р.Раҳимов каби таниқли элшунослар менга мададкор бўлишдики, улардан ва шахсан Б.Х.Кармишевадан бир умр миннатдорман.

Болқис опа Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудларидаги чўлу биёбон ва тоғу тошларни гоҳ пиёда, гоҳ уловда кезган, бой этнографик дала маълумотлари тўплаб, илмий муомалага киритган. Бу ҳақда ўтган XX асрнинг 70 – 80-йилларида Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари қишлоқларида яшовчи қариялар мароқ билан сўзлаб беришган эди. Олиманинг салмоқли илмий асарлари ўз даврида собиқ Иттифоқ миқёсида юқори баҳоланган ва ҳозиргача муҳим этнографик манба сифатида ўз илмий аҳамиятини йўқотмаган.

Муборак ҳадисларда келтирилганидек: «Ер юзидаги уламолар бамисоли юлдузлар кабидир. Ерда ҳам, сувда ҳам уларга қараб йўл топишади. Юлдузлар ботса, йўллар адашиши мумкин». Бутун умрини ўзбек халқи этнографиясини ўрганишга бахш этган Болқис Халиловна Кармишевани ана шундай ёрқин юлдузларга қиёсласак арзийди, албатта.

Хуллас, туркий халқлар, қолаверса, ўзбеклар этник тарихининг зукко билимдони ва меҳнаткаш инсон, меҳрибон устоз ва фидойи, жонкуяр олима Болқиз Халиловна Кармишеванинг бой тарихий-этнографик мероси Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақаси, жумладан, Ўзбекистон этнологиясини тадқиқ этувчи изланувчиларнинг ҳозирги ва келгуси авлодлари учун муҳим ва бой илмий манбалардан бири сифатида хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

**Асарлари:** К вопросу о к происхождении локайцев // Сов. этногр. – М., 1952. №4. – С.11 – 29; Сведения об узбекских рода семиз и кесамир // Сборник статей по истории и филологии народов Средней Азии, посвященной 80-летию со дня рождения А.А.Семёнова. ТИИАЭ АН Тадж ССР. Т. XVII. – Душанбе, 1953; Опыт сплошного этнографического обследования Кулябской области // ИООН АН Тадж ССР. – Душанбе, 1953. №3. – С.73 – 97 (Ҳаммуаллиф А.К.Писарчик); Узбеки-локайцы Южного Таджикистана. Вып 1. Историко-этнографической очерк животноводство в дореволюционный период. – Душанбе, 1954. – 169 с; Этнографического работа в Таджикистане в 1952 – 1953 гг. // Сов. этногр. – М., 1954. №3 (ҳаммуаллиф А.К.Писарчик); Локайские «мапрамачи» и «илгичи» // Совешения Республиканского историко-краеведческого музея Министерство культуры Таджикской ССР. Вып. II. История и этнография. – Сталинабад, 1955; Поездка к кыргизам Джигирталя в 1954 г. // ИАН ТаджССР. ООН. 1956. Вып. II. – С.44 – 49; Жилиша узбеков племени карлук южных районов Таджикистана и Узбекистана // ИООН ТаджССР, ООН. 1956. Вып. 10 – 11. – С.13 – 23; Некторые данные к этногенезу населения южных и западных районов Узбекистана // КСИЭ. Вып. XXVII. 1957; Этнические и территориальные группы населения северо-восточной части Кашкадарьинской области Узбекской ССР // КСИЭ. Вып. XXXIII. 1960; О некоторых древних тюркских племенах в составе узбеков (по этнографическим данным) // Труды XXV Междунар. конгр. востоковедов. Т. III. – М., 1960; Этнографическая группа «тюрк» в составе узбеков // Сов. этногр. – М., 1960. №1. – С.3 – 22; Рец. на сб: Труды Института истории, археологии и этнографии АН Казахской ССР. Т.6 // Сов. этногр. 1962. №6. – С.161 – 165 (ҳаммуаллиф Е.И.Махова); Среднеазиатские арабы // Народы Средней Азии и Казахстана. Т.2. – М., 1963; Этнографические материалы о таджиках Нуратинского хребта // Сов. этногр. – М., 1964. №1 (ҳаммуаллиф Е.М.Пешчерева); К истории формирования населения южных районов Узбекистана и Таджикистана // Сов. этногр. – М., 1964. №6. – С.95 – 106; Artender Viehhabtunginden Suahezikenvon Uzbekistanend Tajshikistan-Viehwiretchattend Hirtenkultar. Ethnolographisere Stiden. – Budapesht, 1969. – S.112 – 125; Типы скотоводство в южных районах Узбекистана и Таджикистана (конце XIX – начало XX) // Сов. этногр. – М., 1969. №1. – С.44 – 49; Этнографические очерки узбекского сельского населения. – М., 1969 (Масъул муҳаррир ва ҳаммуаллиф); Таджикско-узбекский народный географический термин вилаят // Этнография имен. – М., 1971. – С.212 – 218; Трансформация термина «аймак» в юго-западных областях Узбекистана // Бартольдовские чтения 1974. Тезисы докладов и сообщений. – М., 1974; Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976. – 323 с; Следы средневековых этнонимов и антропонимов в узбекских генеалогиях // Ономастика Средней Азии. – М., 1978. – С.18 – 27; Новые материалы по этнографии населения Нуратинского хребта. ПИЭ. 1976. – М., 1978; О торговле в восточных бекствах Бухарского ханства в начале XX в. в связи с хозяиственной специализацей. Товарно-денежные отношения на Ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья. – М.: Наука, 1979. – С.114 – 133; Ткачество и прядение у населения южных районов Таджикистана и Узбекистана (XIX – начало XX вв.) // Проблемы типологии в

этнографии. – М.: Наука, 1979. – С.251 – 264; О товарности женских промыслов (Этнографические данные по восточным бекствам Бухарского ханства) // Товарно-денежные отношения при феодализме. – М., 1980. – С.24 – 68; «Кочевая степь» Мавераннахра и её население в конце XIX – начале XX в. (по этнографическам данным) // Сов. этногр. – М., 1980. №1. – С.46 – 55; Узбеки // Расы и народы. Ежегодник. 1984. №14; Архаическая символика в погребально-поминальной обрядности узбеков Ферганы // Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии (историко-этнографические очерки). – М., 1986; К вопросу о культовом значении конных игр в Средней Азии // Прошлое Средней Азии (археология, нумизматика и эпиграфика, этнография). – Душанбе, 1987; Узбеки // Народы мира (Историко-этнографический справочник). – М., 1988. – С.466 – 469; К вопросу об укращениях из птичьих перьев у народов Средней Азии и Казахстана // Этническая история и традиционная культура народов Средней Азии и Казахстана. – Нукус, 1989; Этническая история туркмен Среднеазиатского междуречья // Туркмены в Среднеазиатском междуречье. – Ашхабад, 1989; Узбеки племени кыргыз в Среднезеравшанской долине // Этнографическое обозрение. – М., 1997. №2; Об этнических процессах у населения горной зоны Средней Азии в новое время // Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана. Вып. 3. Этнография. – М., 1999. – С.65 – 74; Основные виды переносного жилища узбеков // Кочевое жилище народов Средней Азии и Казахстана. – М., 2000; Комментарий к разделу «Свадебные обряды у киргизов» Ф.А.Фиельструпа // Антропологические и этнографические сведения о населении Средней Азии. – М., 2000 (в соавт. с С.С.Губаевой); Из обрядовой жизни киргизов начала XX в. / В.А.Фиельструп; Отв. ред. Б.Х.Кармышева, С.С.Губаева. Ин-т Этнологии и антропологии им. Н.Н.Миклухо-Маклая. – М.: Наука, 2002. – 300 с; Каратегинские киргизы [Текст]: [Монография] / Б.Х.Кармышева; Отв. ред. С.С.Губаева, С.Н.Абашин; сост., авт. вступ. ст. и слов. мест. терминов С.С.Губаева. Рос. Акад. наук, Ин-т Этнологии и антропологии им. Н.Н.Миклухо-Маклая. – М.: Наука, 2009. – 283 с.

# МУСТАБИД ТУЗУМНИНГ 1937 – 1938 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТКАЗГАН ҚАТАҒОН СИЁСАТИ ВА УНИНГ МУДҲИШ ОҚИБАТЛАРИ

**М.И.Саломова,**
**Ўзбекистон Миллий архиви катта илмий ходими**

Бугун юртимизда халқимизнинг эркинлиги, қадр-қиммати, ор-номусини, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилиш, келажак авлодларнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида мардона кураш олиб бориб азиз жонларини фидо қилган, мустабид тузум даврида қатағон қилинган аждодларимиз




хотирасини абадийлаштириш, уларнинг фаолияти ва меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Мустабид тузум даврида кўплаб бегуноҳ ватандошларимизнинг умри хазон бўлганини, кўплаб оилалар хонавайрон бўлиб, бегуноҳ гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди. Халқимизнинг ана шундай минг-минглаб фидойи ва матонатли ўғил-қизларини эслаш, ҳақиқат ва адолатни тиклаш, замондошларимиз, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлод қалби ва онгида ўтганлар хотирасига ҳурмат ва эҳтиром туйғусини тарбиялаш мақсадида 2021 йил 30 ноябрда Ўзбекистон Миллий архиви биносида Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги, Ўзбекистон Миллий архиви, Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида «МУСТАБИД ТУЗУМНИНГ 1937 – 1938 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТКАЗГАН ҚАТАҒОН СИЁСАТИ ВА УНИНГ МУДҲИШ ОҚИБАТЛАРИ» мавзусида онлайн семинар бўлиб ўтди. Семинарда Ўзбекистон Миллий архиви, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Қатағон қурбонлари» давлат музейи ҳамда Андижон давлат университети тузилмасидаги «Қатағон қурбонлари хотираси» музейида фаолият кўрсатаётган олимлар, илмий ходимлар, профессор-ўқитувчилар, шунингдек, докторант, таянч докторантлар ўз маърузалари билан иштирок этишди. Семинарда дастлаб «Ўзархив» агентлиги директорининг давлат тили бўйича маслаҳатчиси Турсунбоев Шуҳрат Мирайимович сўзга чиқиб, Ўзбекистонда ўтказилган қатағон сиёсатига бугунги кундаги муносабат ҳақида сўз юритиб семинарни очиб берди. «Қатағон қурбонлари хотираси» Андижон музейи директори, айнан шу мавзуда кўплаб илмий изланишлар олиб борган профессор Шамсутдинов Рустамбек Темирович томонидан «Ўзбекистонда 1937 – 1938 йиллардаги «Катта террор» ва унинг тарихини ўрганишда архив манбаларининг ўрни ва роли» мавзусида семинар иштирокчиларига кўплаб қимматли маълумотлар тақдим этилди. Шу ўринда таъкидлаш керакки,



семинарда проф. Р.Шамсутдинов ташаббуси билан Андижон давлат университетининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари ва ўқувчилари ҳам онлайн қатнашдилар.

«Ўзбекистон Миллий архиви ҳужжатларининг жадид маърифатпарварлари ҳаёти ва фаолиятини ёритишдаги аҳамияти» мавзуси билан Тарих институти ва Ўзбекистон Миллий архиви катта илмий ходими, т.ф.д. Исакова Муҳайё Сражиддиновна семинарни давом эттирди. М.С.Исакова ўз маърузасида архивда мавжуд жадид маърифатпарварлари ҳаётига оид кўплаб ҳужжатлар ҳақида жуда қизиқарли маълумотларни келтирди.

Тақдим этилган маълумотлар орасида барчада қизиқиш уйғотгани қатағон қилинганлар қаторида аёлларнинг ҳам мавжудлиги ва уларнинг бошидан ўтказган қийинчиликлари ёритилган ҳужжатлардир.



Чапдан биринчи М.Алиҳожиев, Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, иккинчи профессор Р.Т.Шамсутдинов

Семинарда ўзининг қизиқарли маърузаси билан қатнашган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Қатағон қурбонлари» давлат музейи катта илмий ходими Баҳром Ирзаев Шайматович барча иштрокчиларнинг эътирофига сазовор бўлди.

Юқорида келтирилган олимлардан ташқари яна «Москва-Волга канали қурилишида иштирок этган ўзбекистонлик маҳбуслар ва уларнинг тақдири» мавзусида «Қатағон қурбонлари хотираси» Андижон музейи катта илмий ходими, доцент Жасурбек Ҳасанов, «Туркистон мухторияти халқ таълими вазири Носирхонтўра Камолхонтўраев қатағон қурбони» мавзусига оид маърузаси билан «Қатағон қурбонлари хотираси» Андижон музейи кичик илмий ходими, таянч докторант Дилшодбек Хомидов иштирок этдилар ва кўплаб қимматли маълумотларни тақдим қилдилар.

Семинарда мустабид тузум даврида кўплаб бегуноҳ ватандошларимизнинг умри хазон бўлганлиги, кўплаб оилалар хонавайрон бўлиб, бегуноҳ гўдаклар етим қолганлиги таъкидланди. Ўйлаймизки, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон Ватан учун жон фидо қилган бобокалонларини унутмайди. Семинар сўнгида иштирокчилар Ўзбекистон Миллий архиви директори Закирова Дилбар Таҳировна томонидан махсус сертификатлар билан тақдирландилар. Семинар барча иштрокчилар ва тингловчиларда катта таассурот уйғотди.



Баҳромжон Ирзаев




АнДУ докторанти Дилшод Хомидов

**Онлайн анжуман иштирокчиларидан сўз навбати Андижон давлат университети профессори Р.Т.Шамсутдиновга берилди:**

1937 – 1938 йилларда Ўзбекистонда ўтказилган қатағон сиёсати ва унинг мудҳиш оқибатларига бағишланган илмий анжуманни ташкил этган Ўзбекистон Республикаси архив агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви раҳбариятига ўзимнинг миннатдорлигимни изҳор этаман. Бизнингча, қатағон мавзуи бўйича архившуносларнинг биринчи анжумани бўлса керак.

Маълумингизким, 2020 йил 8 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг **«Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга**

**доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги 5598-сонли фармойиши қабул қилинган. Шу фармойишда илгари сурилган долзарб вазифаларни ҳал этишда мазкур анжуманнинг ҳам ўз ўрни ва роли бўлишига ҳеч шак-шубҳа йўқдир. Чунки бу улкан вазифани бажаришда архившуносларнинг хизмати ниҳоятда каттадир.

Сўнгги 5 йил ичида тарих фани, умуман, халқимизнинг бой ва кўркам, ҳавас қилса арзийдиган тарихимизни янгича талқин этиш борасида ғоят катта ташкилий-амалий илмий ишлар олиб борилмоқдаки, уларни англаш, шу асосда фаолият кўрсатиш ҳар бир тарихчи, ҳар бир архивчининг муқаддас бурчидир. Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси, 2001 йилда ташкил этилган «Мерос» халқаро илмий амалий экспедицияси жамоат фонди билан ҳамкорликда совет мустамлакачилиги даврида қатағон сиёсати, 1929-1959 йилларда бутун Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва сургун қилиш ва уларнинг фожиали оқибатларини очиб беришда Москва, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистон, Украина, Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ва уларнинг марказларидаги архивларда бўлиб 4 томлик рус тилида «Трагедия Среднеазиатского кишлака» архив хужжатлари тўпламини нашрдан чиқаришга эришилди. Бундан ташқари, шу мавзуда кўплаб илмий мақолалар, монографиялар эълон қилинди, номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя этилди.

Иккинчи масала, бугун конференцияда кўрилаётган 1937 – 1938 йилларда Ўзбекистонда ўтказилган қатағон сиёсати ва унинг мудҳиш оқибатлари масаласида биз 2006 йилдан то 2013 йилгача катта террор даврида қатағон қилинганлар ҳақида 6 та архив ҳужжатлари тўпламини чиқардик. Уларда Ўзбекистон Республикаси НКВДси ҳузуридаги учликнинг ҳукми билан қатағон қилинган, отилган, узоқ муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинган 15 минг нафар юртдошимиз тақдири ўз аксини топган. СССР ҳарбий коллегиясининг сайёр сессияси 1938 йил 4 октябрдан 15 октябргача Тошкентда бўлиб ўтган. Унинг йиғилишларида 400 га яқин ўзбекистонлик давлат, жамоат арбоблари, ёзувчи, шоирлар, умуман, миллатимизнинг сарварлари тақдири кўрилган. Уларнинг аксарият кўпчилиги отувга хукм этилган, ҳукм ижроси 4-15 октябр кунлари бажарилган. Ўша фожеали кунларда СССР Олий харбий суди харбий коллегияси аъзолари Ўзбекистоннинг рахбарлари бўлган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Усмон Юсупов, Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитетининг раҳбари Йўлдош Охунбобоев, Халқ Коммисарлари Советининг раиси Абдували Мўминовлар билан бу қатағон қилинганлар хақидаги масала билан мутлоқо ҳисоблашмасдан иш кўрганлар. Ўзбекистонликлардан 400 нафар киши устидан отув ҳукми чиқарилган, 50 га яқин инсон ўша кечасиёқ қатл этилган. Тошкентда қатағон қилинганларни отиш бўйича алоҳида идора бўлган. Уларнинг шахсий ишларини Давлат хавфсизлик хизмати архивидан олишнинг иложи бўлмади, рухсат берилмади. Шунда биз Москвага бориб, Россия Федерацияси Федерал хавфсизлик хизмати архивидан ўша мудҳиш октябрда қатл этилган 400 нафар юртдошимизнинг отилганлиги ҳақидаги протоколларни олиб келдик ва китоб чиқармоқчи бўлдик. Аммо бу отилганларнинг делолари билан танишишга Ўзбекистон Давлат хавфсизлик хизмати архивидагилар рухсат беришмади. Шунга қарамай, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архивидан, Ўзбекистон Миллий архивидан отилганларнинг 150 га яқини ҳақида маълумотлар олишга эришдик. Натижада 2012 йили «Шарқ» нашриётида 22 босма табоқдан иборат «Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари (Биринчи китоб)» номли китобни 1000 нусхада нашр эттирдик. Шундан кейин хам Давлат хавфсизлик хизмати архивидагилар ишни давом эттириш учун архивга бизни қўймай келишди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги **«Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги 5598-сонли фармойиши туфайлигина Ўзбекистон Давлат хавфсизлик хизмати архивида изланиш учун бизга рухсат берилди,

чунки ўша фармойишда ҳар бир вилоят бўйича «Қатағон қурбонлари хотира китоби»ни яратишдек масъул вазифа қўйилган эди. Натижада биз тез фурсатда 2 жилдлик, 94,8 босма табоқдан иборат **«Қатағон қурбонлари хотира китоби. Андижон вилояти (1865 – 1991 йиллар)»**ни нашр этишга эришдик. Бошқа вилоятларнинг биронтасида ҳалигача бундай китоб чиққани йўқ.

Республика Ички ишлар вазирлиги архивида ва унинг вилоятлардаги жорий архивларида советларнинг Ўзбекистонда олиб борган қатағон сиёсати ва унинг оқибатларини акс эттирувчи кўплаб архив ҳужжатлари борки, улар ҳар хил асоссиз баҳоналар билан берилмаётир. 1930 йили Тошкент вилояти ҳудудида маҳбуслар сақланадиган Ўрта Осиё лагери (САЗЛАГ) ташкил этилган ва у 1943 йилгача фаолият юритган. Бутун Иттифоқ бўйича 85 та шундай лагерлар бўлган, улардан бири машҳур САЗЛАГ эди. Бу лагерда Ўрта Осиёдан, Иттифоқнинг бошқа минтақаларидан этап қилинган маҳбуслар яшаган. Улар жуда катта бунёдкорлик ишларини амалга оширганлар, социалистик қурилишларда оғир шароитларда меҳнат қилганлар, кўплари бу лагерда ўлиб кетган, САЗЛАГдан бошқа лагерларга маҳбуслар юбориб турилган. Москвадаги Дмитров лагерида минглаб ўзбекистонлик маҳбуслар Москва-Волга канали қурилишида иштирок этган. Бу гигант қурилиш асосан маҳбуслар меҳнати билан бунёд этилган. 8 жилддан иборат «Бутово полигони» номли китобда шу лагерларда қайтадан қатағон қилиниб, отилиб кетган 20 минг маҳбус ҳақида маълумот берилган. Улар орасида ўзбекистонликлар талайгина. Ёки Коми АССРда Ухта-Печора ва Ухта-Ижевск меҳнат тузатув лагерлари бўлган. Бу лагерлардаги 140 минг маҳбус ҳақида 14 томлик 19 китоб нашр этилди. Бу китобларда юзлаб ўрта осиёлик маҳаллий миллат вакиллари номма-ном келтирилган. Биз тадқиқотларимизда ана шу лагерлардаги Ўрта Осиёдан юборилган маҳбусларнинг фожиали қисматини маълум даражада ёритганмиз. Шогирдларимдан тарих фанлари номзоди, доцент Ж.Ҳасанов **«Қатағон қилинган ўрта осиёлик маҳбусларнинг Москва-Волга канали қурилишидаги иштироки, ҳаёти ва уларнинг тақдири»** мавзуида докторлик диссертацияси, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ўқитувчиси Юлдашева Нилуфар Назаровна **«Қатағон маҳбусларининг Ўрта Осиё меҳнат тузатув лагеридаги ҳаёти ва тақдири (1930 – 1943 йиллар)»** мавзуида номзодлик диссертацияси устида иш олиб бормоқдалар. Аммо улар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигидаги архивга қўйилмаяптилар. Ваҳоланки, шахсан ўзим 2005 – 2008 йилларда шу архивдан фойдаланганман (эсимда, архивдаги Шавкатбек исмли майор бизга хизмат кўрсатарди) ва асарларимда бу материаллардан фойдаланганман. Ўша даврда менинг яна бир шогирдим Музробжон Абдуллаев номзодлик диссертацияси бўйича Ички ишлар вазирлиги архивида ишлаб, диссертация ҳимоя қилган, ҳозирда у фан доктори. Махфийликни рўкач қилиб зарур материалларни бермаслик, архивларда ишлаш учун рухсат бермаслик ҳолатлари Президент Девони архивида, Ўзбекистон Миллий архивида ва уларнинг вилоятлардаги филиалларида ҳам мавжудки, бундай жаҳолатга барҳам беришнинг вақти келди. Хуллас, архив манбалари асосида қатағон қурбонлари мавзуида кенг ва катта кўламда изланишлар олиб бориш учун биринчи навбатда архивлардаги ҳолатни замонга мос тартибда ўзгартириш керак. Бизнингча, Ўрта Осиёда «босмачилик» – истиқлолчилик кураши ва унинг тақдири, ГУЛАГ лагерларидаги ўзбекистонлик маҳбуслар, «Туркистон легиони», ҳарбий асирлар ва уларнинг тақдири, ўзбекистонлик меҳнат армиячилари («Қуролсиз аскарлар»), фронтлардаги ўзбек тилидаги газеталар мавзулари бўйича китобларни тайёрлаб нашр этиш энг долзарб масалалардандир. Бундай улуғ, лекин шарафли ишда тарихчи олимлар ва архив ходимлари яқиндан ҳамкорлик қилиши зарур. Эътиборингиз учун раҳмат!

Совет мустамлакачилиги даврида азоб-уқубат чекканлар қаторида қатағон қилинган ва қамоқ жазосини ГУЛАГ лагерларида ўтказган, ўша жойларда ҳалок бўлган, оғир касалликларга гирифтор бўлган, такроран қатағон қилиниб ўлимга ҳукм этилганлар орасида Ўрта Осиё

халқлари ҳам бўлган. Улар бутуниттифоқ зарбдор қурилиши – Москва-Волга каналини бунёд этишда ҳам иштирок этганлар.

1932 йил 14 сентябрда канал қурилиши учун Дмитров мажбурий меҳнат тузатув лагери ташкил этилган.



**Ж.Ҳасанов, тарих фанлари номзоди**

Москва-Волга канали қурилишига бағишланган қатор илмий тадқиқотлар мавжуд. Улардан бири А.И.Кокурин ва Н.В.Петровнинг Дмитлаг тарихига оид қатор мақолаларидир. Уларда лагернинг тузилиши, фаолиятига аниқлик киритилган.

Аммо бу гигант қурилишда Ўрта Осиёдан қамоқ жазосига ҳукм этилиб, Москва-Волга канали қурилишида қатнашган, қурилиш битказилгандан сўнг такроран қатағон қилинган ўрта осиёлик маҳбуслар ҳаёти, меҳнати, тортган мислсиз азоб-уқубатлари, оғир меҳнат, тўйиб овқат емаслик, касаллик, хўрланиш оқибатида ҳалок бўлганлар ҳақидаги айрим маълумотлар Р.Т.Шамсутдинов асар ва мақолаларида озми-кўпми келтирилган («Бутова маҳбуслари нега қатл этилган», «Бутовада қатл этилган андижонликлар», «Дмитлаг» қурбонлари», «Тарихнинг ҳасратли саҳифалари», «1937 – 1938 йилларда қатағон қилинган андижонликларнинг ҳасратли қиссаси»).

Бу маҳбусларнинг ижтимоий таркиби ўзига тўқ, тадбиркор, йирик деҳқон ва чорвадор, диндор, савдогар, мулкдор, зиёлилардан иборат бўлган. Улар қаторида турли жиноят содир этганлар ҳам бўлган.

Бу маҳбуслар ит азобини бошдан кечирганлар, оғир жисмоний меҳнат ва очликдан ҳолдан тойганлар, бундай қийинчиликларга дош беролмай ўлиб қолганлар кўп бўлган. Ўлганларни араваларга ортиб олиб кетишган, уларни ички кийими билан кўмиб юборишган. Кўмиш билан шуғулланувчи махсус «Грабарный» гуруҳи бўлган. Қабрлар кенг, узун, чуқур ва катта қилиб қазилган, бирин-кетин от араваларда жасадларни олиб келиб, устма-уст қилиб ташлаб, улар устидан тупроқ тортишган.

Шундай оғир шароитда маҳбус юртдошларимиз «жаҳаннам» лагеридан қандай бўлмасин қутулиш илинжида меҳнат тузатув лагери Марказий Аттестация Комиссиясига авф сўраб аризалар билан мурожаат қилишган.

Канал қурилиши битгач, 1937 йил 14 июлда «Москва-Волга канали қурувчиларини мукофотлаш ва имтиёзлар тўғрисида»ги фармон чиқарилди, 55 минг маҳбус қурилишда зарбдор ишчи кучи сифатида меҳнат қилганлиги учун муддатидан олдин озод қилиниши керак эди. Лекин номард ҳукумат ваъдасида турмади, «катта террор» муносабати билан лагерда қатағон авжига минди. 1937 йил августда Дмитлаг маҳбусларининг бир қисми Москва яқинидаги Бутово полигонида қатл қилинган.

Москва-Волга канали қурилишида қатнашган ўзбекистонлик маҳбуслар тақдирини ўрганиш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги архиви ва Дмитров лагери, Москва области ички ишлар бўлими архивидаги



**Равшан Шамситдинов, Андижон давлат университети тарих факультети декани, Shimoliy Jorjiya universiteti (UNG), Dahlonega, GA, AQSh**

материалларни ўрганиш мумкин. Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги архивида сақланаётган маҳбуслар ҳақидаги маълумот ва материаллар билан танишишга ва улардан фойдаланишга рухсат берилиши зарур. Россия Федерацияси, Москва шаҳри ва Москва области ички ишлар бошқармалари архивларида қатағон қурбонлари ҳақидаги материаллардан фойдаланиш учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар

вазирлигидаги мутасаддилар Президентимиз, ҳукуматимизнинг қатор қарор ва фармонлари ижросини таъминлашда биз – тарихчиларга яқиндан ёрдам берадилар деб ишонаман.

Онлайн семинарда АҚШда малакавий амалиёт ўтаётган Андижон давлат университети тарих факультети декани Р.Р.Шамситдинов ҳам иштирок этди. Музокаралар жараёнида Р.Р.Шамситдинов қуйидаги фикрларни баён этди.

1. Архивдаги муаммолар кадрлар масаласига боғлиқ. Бу совет давридан қолган муаммо. Андижондаги архивларнинг 1600 дан ортиқ малакали архив ходимларига муҳтожлиги бор, шунинг учун 2018 йили тарих факультетида Архившунослик йўналишини очганмиз. Шунингдек, Томск давлат университети билан 2+2 қўшма дастури асосида «Архившунослик ва ҳужжатшунослик» йўналишида 2020 йилдан талабаларни қабул килишни бошладик.

2. Архив ҳужжатларига ҳам танқидий ёндашиш лозим. Ахир ўша ҳужжатларни биз қоралаётган тузум, ўша ҳукумат бюрократлари тайёрлаганлар-ку. Айбномалар хам сохта, уйдирма бўлганлиги ҳозирги кунда барчага маълум.

3. Қатағонга учраганлар сони бўйича фанда ҳали якуний хулосага келингани йўқ деб биламан. Фақат отилганлар сонини баъзилар 750000 деб кўрсатса, баъзилар 860000 нафар бўлганлигини таъкидлайди, аслида, 1 миллиондан ортиқ бўлганлиги ўз исботини топмоқда. Шу ўринда бугун келтирилган 680000 рақами эскирган деб биламан.

4. Қатағоннинг мамлакатдаги демографик ҳолатга таъсири: 1926 йил 147 млн; 1937 йил 162 млн; 1939 йил 168 млн; 1941 йил 196,7 млн; 1953 йил 190 млн.

Қатағон ҳақида гапирганда фақат 1917 йил октябрь тўнтаришигина эмас, балки Россиянинг узоқ тарихи давомида шаклланган давлат бошқаруви ва халқнинг унга муносабатини ҳам эътиборга олишимиз керак. Россиянинг давлат сифатида бирлашуви, бошқаруви ва ривожланишига айнан куч ишлатиш йўли билан эришилган. Буни биз Иван Грозный ва Пётр I  даврларидан буён бўлаётган жараёнларда кўришимиз мумкин ва бу рус халқига сингиб кетган. Рус подшоҳлари - Царлар халқни бошқариб ва назорат қилибгина қолмай, балки уларга эгалик хам килган, яъни чекланмаган ҳокимиятга эга бўлишган, шунинг учун ҳам уларни Царь дейишган.

---

# ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИНГ ХОРИЖИЙ МАНБАЛАРДАГИ ТЕРАН ТАВСИФИ

**(Шамсутдинов Р. Ўзбекистон тарихи хорижий манбаларда. – Тошкент, 2021. – 303 б.)** **Очил Бўриев, Гулора Поёнова**

*«Катта салоҳиятга эга етакчилар, олимлар, адиблар, шифокорлар, ўқитувчилар қатағон қилинган. Улар халқимизнинг энг сара вакиллари эди. Мустабид тузумга миллат кўзини очадиган, унга ўзлигини танитадиган зиёли инсонлар керак эмас эди. Уларнинг айби – буюк бўлгани».*[1]

**Шавкат Мирзиёев**

Ватанимизнинг ҳар бир минтақаси халқимиз босиб ўтган мураккаб тарихий йўлнинг узвий ва муштарак қисми ҳисобланади. Шу боисдан ҳам тарихимизнинг барча босқичларини яхлит ҳолда ҳар томонлама холисона ва чуқур ўрганиш Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган Янги Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасидаги вазифа сифатида белгиланди.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзининг «Янги Ўзбекистон стратегияси» номли китобида таъкидлаганидек: «Бир ҳақиқатни барчамиз чуқур англаб олишимиз керак: миллий тарихни халқимиз, айниқса, ёшларимизга миллий руҳда етказиш, уларнинг қалбига,

[1] Мирзиёев Ш.М. Шаҳидлар хотираси майдонига ташрифида сўзлаган нутқи. 2021 йил 31 август.




шуурига сингдириш керак. Акс ҳолда, унинг тарбиявий таъсири бўлмайди».[1]

Давлатимиз раҳбари уқтирганидек: «Ўтмишдаги ютуқ ва ғалабалардан куч-қувват олиб, хато ва мағлубиятлардан хулоса ва сабоқ чиқариб яшайдиган халқ ўзининг тараққиёт йўли ва келажагини тўғри белгилай олади.

Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур. Бунинг учун, аввало, Ўзбекистонда тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини самарали амалга оширишимиз лозим».[2]

Мустақил Ўзбекистонда ўтган 30 йилдан зиёд қисқа даврда Ватанимиз тарихини ўрганиш бўйича салмоқли илмий тадқиқотлар яратилди. Ана шундай илмий изланишларнинг дарғаларидан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори, тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Темирович Шамсутдинов ҳисобланади.

Домла 60 йиллик илмий-педагогик фаолиятида жуда кўплаб монография, рисола, дарслик, ўқув қўлланмалари ва илмий мақолалар нашр эттирганки, уларнинг рўйхати келтирилса, ўзи бир рисолага жой бўлади. Устоз республикамиздаги ва халқаро илмий анжуманларда фаол қатнашади, асарлари хорижда ҳам чоп этилган. Жумладан, сермаҳсул тарихшунос олим сифатида қатор фан номзоди ва докторларини етиштирган.

Яқинда профессор Р.Шамсутдиновнинг «Ўзбекистон тарихи хорижий манбаларда» номли салмоқли китоби нашр этилди. Ушбу монография муқаддимаси ўрнида берилган «Ўзбекистон тарихи кафедраси 30 ёшда», «Советская деревня глазами ВКЧ-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы», «Совершенно секретно: Люблянка – Сталину о положение в стране (1922 – 1934 гг.). 1 – 8 том», «Люблянка. Сталин и главное управление госбезопасности НКВД. 1937 – 1938. Документы», «История Сталинского ГУЛАГа. Карательная система: структура и кадры», «Покаяние: хранить мартиролог вечно. Том 8. Часть 2», «История сталинского ГУЛАГа. Массовые репрессии в СССР», «Мустафа Шокай. Шығармаларынынг толық жанағы. XII томдик. III том ва X том» каби 7 та салмоқли бобдан иборатдир.

Тақриз қилинаётган монографиянинг муқаддима ўрнидаги «Ўзбекистон тарихи кафедраси 30 ёшда» деб номланган қисмида истиқлол арафасида ҳозирги Андижон давлат университети қошида мамлакатимизда биринчи ташкил этилган «Ўзбекистон тарихи» кафедраси, тарихи ва ҳозирги куни профессор Р.Шамсутдинов томонидан ҳаққоний маълумотлар асосида теран баён этилган. 1991 йил 12 июнда ташкил этилган ушбу кафедра 1 нафар фан доктори, профессор, 2 нафар фан номзоди, 2 нафар катта ўқитувчи таркибида тузилган эди. Айни вақтда мазкур салоҳиятли кафедрада 4 нафар фан доктори, профессор, 11 нафар фан номзоди, доцент, 6 нафар катта ўқитувчи, 13 нафар ўқитувчи самарали фаолият кўрсатмоқда.

Истиқлол арафаси даври гувоҳи сифатида шуни таъкидлаш лозимки, республика олий ўқув юртларида «Ўзбекистон тарихи» кафедраси ташкил этилишининг ташаббускори Р.Шам-

---

[1] Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б.288.

[2] Кўрсатилган манба.

сутдинов бўлиб, унинг даъватини доцент Ш.Каримов қўллаб-қувватлаб матбуотда чиқиш қилгани ҳамон ёдимизда. Шундан сўнг бошқа университетларда ҳам турдош кафедралар ташкил этила бошлаган эди.

Айни вақтда Андижон давлат университети «Ўзбекистон тарихи» кафедраси нафақат Ўзбекистон, балки Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақасидаги етакчи кафедралардан бири ҳисобланиб, «Ўзбекистон тарихи», «Фан ва технологиялар тарихи» мутахассисликлари бўйича докторлик диссертациясини ёқлайдиган ихтисослаштирилган кенгашлар самарали фаолият юритмоқда. Кафедрада 1994 – 2021 йилларда республика олий ўқув юртлари учун «Ўзбекистон тарихи» фанидан бир қанча ўқув қўлланма, дарсликлар яратилди, улардан ҳозирда ҳам таълим жараёнида самарали фойдаланилмоқда.

Шунингдек, тақриз қилинаётган монографиянинг ушбу фаслида 2021 йил ноябрида Андижон давлат университети ташкил этилганлигининг 90 йиллиги билан боғлиқ тадбирларнинг ўтказилиши ҳамда 2018 йил 15 августда олийгоҳ тузилмасида Қатағон қурбонлари музейининг барпо қилиниш тарихи ҳам қизиқарли лавҳаларда баён этилган. Мазкур музейни мамлакатимиздаги энг намунали ва пешқадам зиё масканларидан бирига айлантиришда ҳам профессор Р.Шамсутдиновнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳатто музейда 2021 йил 30 апрель – 1 май кунлари республика илмий-амалий анжуманининг ўтказилиши ҳам фикримизнинг исботидир. Ушбу салмоқли китоб ҳам музей ходимлари саъй-ҳаракатлари билан тайёрланган. Мазкур фаслда «Ўзбекистон тарихи» кафедраси ва музейнинг Марказий Осиё республикалари ва хориждаги бошқа муассасалар билан илмий ҳамкорлиги ҳаққоний мулоҳазалар ёрдамида далилланган.

Китобнинг кейинги бобларида Россия ва бошқа хориж тарихчилари томонидан нашр этилган китоблардан кўчирмалар, Ўрта Осиёда истиқлолчилик ҳаракати маълумотлари, XX аср 20 – 30-йилларидаги коллективлаштириш жараёни, Сталин ГУЛАГи тарихи, Мустафо Чўқай хотиралари каби маълумотлар ўрин олган.

Маълумки, Ватанимиз тарихи бўйича жуда кўплаб манбалар жаҳоннинг турли мамлакатларига тарқалиб кетган, уларни ўрганиб, тарих фанига киритиш ва халқимизга етказиш ниҳоятда долзарбдир.

Ушбу салмоқли китобда ана шундай ноёб манбалар ҳақида маълумотлар берилган, баъзилари эса таҳлил қилиниб, талабалар, тарихшунослар ва тарихсевар китобхонлар ҳукмига ҳавола қилинганки, бу тақриз қилинаётган монография-мажмуанинг илмий мукаммаллигини таъминлаган.

Тақриз қилинаётган китоб 500 дона чоп этилган, келгусида ушбу монография лотин алифбосида кўп ададда қайта нашр этилса, таълим тизими ўқувчилари, талабалари, ўқитувчилари, илмий изланувчилари ҳамда Ватанимиз тарихига қизиқувчилар учун муҳим манба ва қўлланма бўлиб хизмат қилиши шакшубҳасиздир.

Истиқлол даврида Ватан тарихи бўйича туркум нашрларни кўздан кечирсак, тақриз қилинаётган «Ўзбекистон тарихи хорижий манбаларда» номли мажмуа шаклидаги монография илк марта яратилганлигини алоҳида эътироф этишга мажбур бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб мамлакатимиз етакчи тарихшуноси, Андижон тарихшунослари мактаби дарғаси, комил инсон, сермаҳсул олим Рустамбек Темирович Шамсутдиновга тансиҳатлик, узоқ умр, халқимиз маънавиятини янада оширишдек қамровдор ишларига улкан баракатлар тилаймиз. Устоздан янада сермазмун китоблар кутиб қоламиз ва илҳом париси уни асло тарк этмасин деб эзгу тилаклар билдирамиз. Зеро, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев уқтирганидек: «Ўтмишдаги ютуқ ва ғалабалардан куч-қувват олиб, хато ва мағлубиятлардан хулоса ва сабоқ чиқариб яшайдиган халқ ўзининг тараққиёт йўли ва келажагини тўғри белгилай олади».[1]

[1] Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Б.288.